

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:809.56.3

ББК: 81.2-67 (5япо)

Н-57

Низомов Улуғбек Рахматуллаевич

**ЯПОН ТИЛИДА ЧЕТ ТИЛЛАРДАН ЎЗЛАШГАН КУНДАЛИК
ҲАЁТГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

5А 5120102 – Лингвистика

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий рахбар:

Филология фанлари номзоди, доцент **Бегизова З.Б.**

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Япон тили лексикасида чет тилидан кирган ўзлашмалар таъсирида рўй бераётган фаол жараёнлар	16
1.1. Япон тилига чет тилидаги сўзларнинг ўзлашиш тарихи	20
1.2. Ўзлашмаларнинг қўлланиш сабаблари ва ўсиш суръатлари	23
1.3. Япон тилига чет тилидан сўзлар ўзлашиши натижасида вужудга келган мунозарали масалалар таҳлили	26
1-боб бўйича хулоса	31
II боб. Япон тилида инглиз тили ўзлашмаларининг таркибий таҳлили, сўз ясалиш ҳодисалари.....	34
2.1. Аффиксация усули орқали сўз ясалиши	35
2.1.1. Суффикслар қўшилиши	36
2.1.2. Префикслар қўшилиши	37
2.2. Аралаш усули орқали сўз ясалиши	38
2.2.1. Акронимлар	38
2.2.2. Қисқартириш усули	41
2.3. Калькалаш усули орқали сўз ясалиши	48
2.4. Комбинация орқали сўз ясалиши	50
2.4.1. Тўлиқ инглизча сўзлар комбинацияси	51
2.4.2. Қисқартирилган инглизча сўзлар комбинацияси	54
2.4.3. Гибрид бирикмалар	56
2.5. Синтактик мослашув	59
2-боб бўйича хулоса	61
III боб. Япон тилида инглиз тилидаги ўзлашмаларнинг семантик таҳлили	63
3.1. Семантик кенгайиш	66
3.2. Семантик торайиш	68
3.3. Семантик шифт	71
3.4. Семантик амелиорация	74
3.5. Семантик пеёративлик (салбийлашув)	76
3-боб бўйича хулоса	77
Хулоса	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83

КИРИШ

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва маъсулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин¹.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.²

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Тилшуносларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда япон тилининг муаммоли жиҳати сифатида адабий тил билан фарқ қилувчи «Жанубий Америка японларининг япон тили», «Японча кўринишдаги ўзлашма сўзлар» каби муаммолар кўтарилмоқда. Ушбу муаммолар оқибатида чет тилларидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзларнинг қўлланилиши муаммоси вужудга келиб, япон тилида борган сари ўзлашма сўзлар сони ортиб бормоқда. Ўзлашган сўзларнинг ортиб бориши оммавий ахборот воситаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймапти. Бу ҳолат япон тили кундалик ҳаётга оид сўзларнинг фонетик, морфологик ва семантик ўзгаришларга учраб, кириб келган ўзлашмалар билан қоришувига, айниқса, ёшлар орасида суҳбат “мода” сифатида урф бўлишига, шу сабаб ўзлашмаларни яхши тушунмайдиган катта авлод билан ўзлашмаларни суҳбатда қўллаш - замонавийлик рамзи деб тушунадиган ёш авлод ўртасидаги мулоқотда тўсиқ ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Оғзаки нутқ адабий тилнинг яшашини таъминловчи омилдир. Агар япон кундалик ҳаётга оид японча сўзлар, жумлалар ўрнини ўзлашма сўзлар

¹ Karimov I.A. Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch. – Т.: “Ma`naviyat”, 2008.- 6 б.

² Karimov I.A. Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch. – Т.: “Ma`naviyat”, 2008. - 83 б.

эгаллашда давом этаверса, япон тилининг ўзига хос лексик жиҳатлари, соф японча сўз бойлиги инқирозга юз тутиши ҳавфи мавжуддир. Япон тилида чет тилларидан ўзлашган сўзларнинг муаммо туғдираётган жабҳаларини таҳлил қилиш, барқарор давом этса, содир бўлиши мумкин бўлган ҳолларни текшириш, шунингдек, бу жараёнга чора бўла олувчи мукамал тадбирларни ўрганиш япон тили лексикаси учун, қолаверса, инглиз тили лексикаси учун ҳам долзарб аҳамияти кундан-кун ортиб бормоқда.

Хорижий тилдан сўз ўзлаштириш япон тилида ўзига хос тил ўзгаришининг ижодий қирраларини очиб берган десак, муболаға бўлмайди. Япон тили ўзлашмаларининг асосий тарихий манбаси хитой тили бўлиб, асрлар давомида япон тилига бегона бўлмаган ҳолда фаол қўлланилиб келган. XX асрдагина кириб келган “gairaigo” (хорижий, асосан инглизча сўзлар) узок тарихга эга бўлган хитой тили ўзлашмаларининг ўрнини тез фурсатда эгаллай бошлади (Matsuda 1985³). Бундай сўзлар “gairaigo” деб аталиб, луғавий маъноси “ташқаридан кирган сўзлар”дир. Айниқса II Жаҳон уруши давридан бери “gairaigo” мавзуси ижтимоий масала, муаммо даражасига чиққан. Япония халқининг мазкур инглизча сўзлар қоришуви натижасида япон тилининг ўзгариши масаласига нисбатан бўлган муносабати 1973-йиллардан бошланган кўпгина катор тадқиқотлар, сўровномалар амалга оширилгандан кейин аниқланган (Tomoda 1999).⁴

Замонавий япон лексикаси - келиб чиқиши турли тилларга бориб тақаладиган синонимларга бойдир. (Японча (Wago); хитойча (Kango); чет тилидан кирган ўзлашмалар, асосан инглиз тили (Gairaigo)).

“Wago” ва “Kango” тарихдан ривожланиб келган лексика бўлиб, доимий оғзаки ва ёзма нутқда қўлланилади. Яқин йиллардаги инглиз ва Европа тилларидаги сўзларнинг япон лексикасига оқиб келиши натижасида “gairaigo”

³ Matsuda Y. Cross-over languages: Japanese and English // Kwansai Gakuin University Annual Studies. - Hyogo, 1985. - №34. -P. 41-93.

⁴ Tomoda Takako. The impact of loanwords on modern Japanese // Japanese Forum. - Tokyo, 1999. - № -11(1). -P. 231-253.

билан “wago” ва “kango” яқин синонимлари ўртасидаги фарқни аниқлаш учун асосли ва чуқур тадқиқотлар талаб этилмоқда.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот предмети япон тилидаги ўзлашма сўзлар, хусусан, инглизча кундалик ҳаётга оид сўзларни таҳлил қилишдир. Тадқиқот объектлари қилиб қуйидагиларни олдик: жаҳон тилшуносларининг ўзлашма сўзлар мавзусидаги нарзарий асарлари, тадқиқот ишлари; лингвистик, терминологик ва изоҳли луғатлар; япон тилида нашр этилган кундалик ҳаётга оид нутқ акс этган бадиий асарлар, кинолар, рекламалар, шунингдек, оммавий мақолалар, интернет манбалари.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотдан кузатилган мақсад, япон тилига инглиз тилидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид ўзлашма сўзларни ва Япония тил тизимида ўзлашмалар таъсирида рўй бераётган ўзгаришларни ўрганиш, ўзлашма сўзларни структур ҳамда семантик таҳлил қилишдир. Тадқиқотга қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Япон тилига кириб келган ўзлашмалар тарихи, уларнинг қўлланилиш сабаблари ва ўсиш суръатлари, шунингдек, “gairaigo” натижасида вужудга келган мунозарали масалаларни аниқлаш, ўрганиш, фактлар билан ёритиш ҳамда таҳлил қилиш;
- Япон тилидаги инглизча ўзлашма сўзларни морфологик жиҳатдан сўз ясалиш усулларини ўрганиш, гуруҳларга таснифлаш, ёзма ва оғзаки нутқ манбаларида келтирилган мисоллар билан очиб бериш.
- Япон тилидаги ўзлашма сўзларни семантик ўзгариш қоидаларига асосланиб, маъновий жиҳатдан таҳлил қилиш.

Илмий янгилиги. Кўпгина тилшуносларнинг тадқиқотларини ўрганиб чиқиш жараёнида, япон тилида чет тилларидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзларнинг қўлланилиши мавзуси долзарб эканлиги, структур ва семантик жиҳатдан батафсил тадқиқот ва таҳлил ишлари етишмаслиги кузатилди. Тадқиқот жараёнида ўзлашма сўзлар тарихи, қўлланилиш сабаблари ва суръатлари, ўзлашмалар фаоллигидаги мунозарали масалалар, ўзлашма

сўзларнинг таркибий ҳамда семантик ўзгаришлари ўрганилди, шартли гуруҳларда таснифланди ва маъно тизимлари таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Япон тилига ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзларнинг кириб келиш тарихи, қўлланилиш сабаблари, ўсиш суръатлари, мунозарали жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш; кундалик ҳаётга оид сўзлар акс этган манбалардан (ОАВ, суҳбат, жонли мулоқот, кўшиқ, кино, бадий асарлар ва ҳ.з.) йиғилган ўзлашма сўзларнинг қай даражада ўзгараётганини морфологик ва семантик жиҳатдан ўрганиш тадқиқотнинг асосий масаласидир. Мазкур масалалар япон тилини ўрганиш билан бирга ўзлашма сўзларни ҳам ўрганишга тўғри келаётганини кўрсатмоқда. Яъни соф японча сўзлар, ҳамда асл вариантдан узоқлашиб кетган ўзлашма сўзлар япон тили ўрганувчилари учун ноқулайлик, ҳамда англашилмовчиликлар туғдириши мутлақо табиийдир. Бошланиб, давом этиб, ривожланиб келаётган “инглизча сўзлар ўзлашувини” таг томири билан кесиб ташлаш мумкин бўлмаган ҳодиса экан, япон тили ўрганувчилари учун япон тилига ўзлашган кундалик ҳаётга оид ўзлашма сўзлар, алоҳида эътибор ва манба (ўқув қўлланма) билан ўргатилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқув қўлланма учун мазкур тадқиқот сингари изланишлар амалга оширилиши даркордир.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Шу вақтга қадар япон тилшунослигида ўзлашма сўзларнинг қўлланилишига доир илмий ва тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, ўзлашма сўзлар таҳлили ҳақидаги илмий-тадқиқот ишлар жуда кўп учрайди. Аммо япон тилида чет тилларидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзларнинг қўлланилиши бўйича батафсил таҳлили тўғрисидаги илмий ишларнинг етишмовчилиги кўринади. Ҳозирги кунга қадар мавзуга доир қуйидаги тадқиқот ишлари мавжуд:

Jinouchi Masataka (2010) «Воқеа-ҳодисаларга оид ўзлашган сўзлар орқали япон тилини ўрганиш усули». Ушбу тадқиқот ишида муаллиф японлар

томонидан кундалик ҳаётда кўп қўлланиладиган инглизча ўзлашмалар орқали япон тилини ўқитиш методини кўрсатиб берган⁵.

Hirai Misuko (2003) “Японча кўринишдаги инглизча ўзлашмаларнинг морфологияси”. Мазкур тадқиқот ишида япон тилига ўзлашма сўзларнинг кириб келишидан бошлаб уларнинг ҳозирги кунга қадар бўлган ривожини ёритиб берилган. Тадқиқот ишида японлар томонидан кундалик ҳаётда кўп қўлланиладиган инглизча ўзлашмалар келтирилиб, морфологик ва маъно жиҳатидан ёритиб берилган⁶.

Ri Koran (1992) “Япон тилидаги ўзлашма сўзларнинг талаффуз улуши миқдорининг ўзига ҳослиги” тадқиқот ишида муаллиф томонидан луғатга киритиш бўйича ўзлашма сўзларнинг талаффуз шаклини улуш миқдори бўйича талқин этиб, унинг ўзига ҳос томонлари ойдинлаштирилган⁷.

Leo Loveday ўзининг “Language contact in Japan: a sociolinguistic history” (*Японияда тил алоқалари: социолингвистик тарих*) (1996) номли тадқиқотида Wago/Kango-Gairaigo синонимик ҳодисаларини ёритиб, семантик ўзгаришларни таҳлил қилади.⁸

Гордиловская (2012) HFND (“Hypothesis of Foreign vs. Native Dichotomy” - (Хорижий ва миллий тил дихотомияси (иккилиги) бўйича гипотеза)) ҳақидаги мақоласида инглиз тилидан кириб келган ва соф япон тилидаги рангларни ифодаловчи сўзларнинг қўлланилиш частотасини статистик кузатувлар натижасида аниқлайди ҳамда семантик таҳлил қилади. (*HOWAITO (white) - SHIROI* ^{しろ} 白い – “оқ”; *BURAKKU (black) – KUROI* ^{くろ} 黒い - “қора”)⁹

Замонавий Японияда ўтказилаётган социолингвистик тадқиқотлар ўзига хос ранг-барангликка эга бўлиш билан бирга, Япония тил маданиятининг компонентини ҳам ўзида акс эттиради. 1920-1930-йиллардаёқ Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари тадқиқотчилари япон тилидаги хорижий сўзлар

⁵ 陣内正敬『時事外来語で日本理解 大学からの超級カタカナ語』 関西学院大学出版会, 2010.

⁶ 平井美津子「和製英語の形態論」, 2003.

⁷ 利香蘭「日本語における外来語のアクセントの拍数別特徴」, 1992.

⁸ Loveday Leo. Language Contact in Japan. - New York: “Oxford University Press”, 1996.

⁹ Gordilovskaya A. A study of loan color terms collocation in modern Japanese // In Proceedings of the Thirty Fourth Annual Conference of the Cognitive Science Society. - 2012. - P. 1362-1367.

мавзусида изланишлар олиб боришга киришганлар. Жумладан, Й.Д.Поливанов¹⁰ ва Н.И.Конрад¹¹ каби йирик олимлар мазкур мавзуга дебоча очиб берганлар. Кейинчалик, С.В.Неверов¹² япон социолингвистикасининг назарий асослари ва Япониянинг тил сиёсати ҳақидаги масалаларни батафсил ёритиб, изланишларни амалга оширган.

Yuko Igarashi¹³ ўзининг “The Changing Role of “katakana” in the Japanese Writing System: Processing and Pedagogical Dimensions for Native Speakers and Foreign Learners” (“Япон ёзма нутқида “katakana”нинг ўзгараётган роли: Миллий тил вакиллари ва чет тили ўрганувчилари учун педагогик жиҳатлар”) номли докторлик диссертациясида “katakana”, “gairaigo”, япон тилининг интернационаллашуви ҳамда япония ёзма нутқ сиёсатининг тарихи борасида батафсил фактлар, асосли таҳлиллар ва мулоҳазаларни баён этади.

Besner D. & Hildebrandt N. (1987)¹⁴ “Япон канасини оғзаки ўқиш орфографияси ва фонологик коди” мақоласида канжи (хитой иероглифи)да ёзилган сўзлардан кўра “katakana” (хорижий сўзлар учун махсус алифбо)да ёзилган сўзлар фонологик расшифровкаси рухий лексикага етиб бориши ҳақида изланишлар олиб борган.

Tanaka va Konishi¹⁵ (1990) “katakana” hyouki tango no shori-katei [Semantic processing of “katakana” words: Effects of script frequencies] / “katakana” сўзларининг семантик жараёнлари: скрипт частоталари таъсири/ номли тадқиқотларида “katakana”да ёзилган сўзларнинг қўлланиш частотаси билан бирга уларнинг фонологик расшифровкаси руҳиятга етиб бориши бўйича психолингвистик таҳлилларни амалга оширганлар.

¹⁰ Поливанов Е.Д. Психофонетические наблюдения над японскими диалектами. - Пг., 1917.

¹¹ Конрад К.И. Синтаксис японского национального литературного языка. - М., 1937.

¹² Неверов С. В. Вопросы построения информационных текстов вещания на японском языке // Тезисы докладов пятой научной конференции по японской филологии ИСАА при МГУ. - М., 1975. / Неверов С. В. Общественно-языковая практика современной Японии. - М., 1982.

¹³ Yuko Igarashi, The Changing Role of Katakana in the Japanese Writing System: Processing and Pedagogical Dimensions for Native Speakers and Foreign Learners: Doctor Of Philosophy in the Department of Linguistics. Dissertation.- Canada, 2007. PHILOSOPHY in the Department of Linguistics. University of Victoria. 2007.

¹⁴ Besner D., Hildebrandt N. Orthographic and phonological codes in the oral reading of Japanese kana // Journal of Experimental Psychology: Learning, Memory, and Cognition. - London, 1987. - №13(2). - P.335-343.

¹⁵ Tanaka, H., Konishi, K. Katakana hyouki tango no shori-katei [Semantic processing of “katakana” words: Effects of script frequencies] // Shinkei Shinrigaku [Japanese Journal of Neuropsychology].- Tokyo, 1998. -, №6(4), - P. 11-18.

Tamaoka, Hatsuzuka, Kess va Bogdan¹⁶ (1998) ўзларининг “Hiragana tai “katakana”: Goi oyobi gijigo no syori niokeru hyouki no shinkinsei kouka” [The script familiarity effect on the processing of Japanese words and pseudo-words] /“Японча сўзлар ва псевдо-сўзлар ривожланишида таниш ёзув таъсири”/ номли тадқиқотларида шуни аниқладиларки, кам частотали “katakana”да ёзиладиган ўзлашма сўзлар “hiragana”да ёзиладиган кам частотали ўзлашма сўзларга қараганда ривожланиш суръатлари тезроқ. 139 та “katakana”да ёзилган ўзлашма сўзлар япон халқи учун тушунарли ва таниш, лекин айнан шу 139 та ўзлашма сўз “hiragana”да ёзилса, япониялик буни тушунмайди. Мазкур тадқиқот таниш ёзув ва сўз частотаси сўзни эслаб қолишда муҳим омил эканлигини далиллар билан таъкидлайди. Айнан шу мавзуда Kess va Bogdan va Miyamoto¹⁷ (1999) каби олимлар “The Japanese mental lexicon: Psycholinguistic studies of kana and kanji processing” (Япон рухий лексикаси: Kana ва Kanji жараёнида психолингвистик изланишлар) номли тадқиқотларида келтирганлар.

Tsubone, Suzuki, Sakamoto va Kamiya (2001)¹⁸ “Gakushuusha kara mita koukatekina goi no shidouhou/gakushuuhou: Ankeeto kekka yori [Effective ways for teaching and learning vocabulary from the foreign student’s viewpoint: Results of a questionnaire” (Хорижий талабалар нуқтаи назари бўйича сўз ўргатиш ва ўрганишнинг самарали йўллари) номли тадқиқотларида чет эллик талабалар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўзлашма сўзларни ўргатиш ва ўрганишнинг самарали йўлларини излаганлар. Тадқиқот сўровномалар натижаси асосида амалга оширилган.

Yamamoto M. “Japanese attitudes towards bilingualism: A survey and its implications” (Японларнинг билингвизмга бўлган муносабати: таҳлилий ахборот ва уларнинг аралашуви) сарлавҳали мақоласида инглиз тилининг бошқа

¹⁶ Tamaoka K., Hatsuzuka M., Kess J.F., Bogdan, D.R. Hiragana tai “katakana”: Goi oyobi gijigo no syori niokeru hyouki no shinkinsei kouka [The script familiarity effect on the processing of Japanese words and pseudo-words] // Dokusyo Kagaku, - - Tokyo, 1998, № 42(1). – p.1-15.

¹⁷ Kess J.F., Miyamoto T. The Japanese mental lexicon: Psycholinguistic studies of kana and kanji processing. - Philadelphia; Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 1999.

¹⁸ Tsubone Y., Suzuki S., Sakamoto F., Kamiya M. Gakushuusha kara mita koukatekina goi no shidouhou/gakushuuhou: Ankeeto kekka yori [Effective ways for teaching and learning vocabulary from the foreign student’s viewpoint: Results of a questionnaire]. /aire]. Koide Kinen Nihongo Kyouiku Kenkyukai Ronbunshuu [Papers of the Japanese Language Teaching Association in Honor of Professor Fumiko Koide] 9, 107-130.

тиллерга қараганда баландроқ мавқеъга эга эканлиги тўғрисидаги хулоса университетда ўқувчи талабалар учун билингвизм тушунчасини сўровномалар ва тажрибалар орқали аниқланган. Келинган натижа шуни кўрсатадики, талабаларнинг 73 фоиз дан кўпроғи билингвизм деганда япон тили ва инглиз тилини англашларини кўрсатган бўлсалар, 17 фоиз талабалар билингвизмда япон тили ва хитой тили ёки япон тили ва корейс тилига ишора қилганлар.¹⁹

Tsubaki N. ўзининг “Gairai-nijuugo ni tsuite [A note on doublets of borrowing words]” /“Ўзлашма сўзларда дуплетлар”/номли илмий ишида ўзлашма сўзларда дублетларни таҳлил қилиб, келиб чиқиши бир сўз бўлиб, япон тилида икки хил кўринишда пайдо бўлиб, икки хил маъно англатишини далиллар билан исбот қилган. Масалан, инглизча сўз “strike” (иш ташлаш, зарба) ストライキ “sutoraiki” кўринишида “иш ташлаш” ストライク “sutoraiku” бейсбол спорт туридаги ҳужумни англатади.²⁰

Glass (шиша, ойна)	ガラス garasu ‘депаза ойнаси’	グラス gurasu ‘алкогол ичимлик ичиш учун махсус стакан, бокал’
Machine (машина, дастгоҳ, механизм)	マシン mishin ‘тикув машинаси’	マシン mashin ‘тикув машинасидан бошқа машиналар’
Cup (чашка)	コップ koppu ‘алкоголсиз ичимликлар учун махсус идиш’	カップ kappu ‘чашка’
Meter (метр : узунлик ўлчов бирлиги)	メートル me-etor ‘метр : узунлик ўлчов бирлиги’	メーター me-ta-a ‘жиҳоз, ускуна, аслаҳа’
Iron (темир, дазмол)	アイロン airon ‘дазмол’	アイアン aian ‘гольф клублари турларидан бири’
Bass (бас)	バス basu ‘басс – овоз	ベース be-esu ‘муסיкий курол’

¹⁹ Yamamoto M. Japanese attitudes towards bilingualism: A survey and its implications. In M. G. Noguchi & S. Fotos (Eds.), Studies in Japanese bilingualism. - Clevedon; Buffalo; Toronto; Sydney: Multilingual Matters LTD, 2001. – P. 24-44.

²⁰ Tsubaki N. Gairai-nijuugo ni tsuite [A note on doublets of borrowing words] // Onseigakkai Kaihou [Bulletin of the Phonetic Society of Japan]. - Tokyo, 1987. - №184. – P.8-10.

Японлашган инглизча сўзларни тушуниш инглиз тилида сўзлашувчи вакиллар учун қийинчиликлар туғдириши Tamaoka ва Takatori (“To what extent do Americans understand Japanized English loanwords?”²¹ “Америкаликлар япончалашган инглизча сўзларни қай даражада тушунадилар?”) томонидан ўрганилган бўлиб, бу тадқиқотчилар 36 та япон тилини ўрганаётган америкалик талабалар билан 36 та япон тилидан умуман бехабар талабаларнинг тушуниш япончалашган ўзлашмаларини тушуниш даражаларини солиштирдилар. Хулосага кўра, япон тилини ўрганаётган америкалик талабалар яхшироқ натижада жавоб бердилар. Чунки, япон тилини ўрганаётган талабалар, нафақат тил билан, балки Япония маданияти, ижтимоий ҳаёти билан ҳам таниш бўлганлари натижа яхши бўлишига қўл келган. Tamaoka ва Takatori томонидан ўтказган кузатувларига кўра, қуйидаги хулосаларни берадилар: Биринчидан, талабалар япончалашган инглизча сўзларни инглизча асл маъносидан келиб чиқиб тушунишга ҳаракат қиладилар. Масалан, オープンカー ‘oorunkaa’ (open car) сўзини “усти очик машина” деб тушунишлари табиийдир. Лекин, бундай жумла соф инглиз тилида учрамайди. Иккинчидан, талабалар сўзни инглиз тили йўли билан тушунишлари мумкин. Масалан, ゲームセンター ‘geemusentaa’ инглиз тилидаги “game center” (ўйин маркази). Бош сўз – отни от аниқлаб келиши инглиз тилига хосдир, инглиз тили қоидаларидан келиб чиқиб, япончалашган сўзларнинг маъносини англашлари мумкин, деб кузатувларига изоҳ берадилар.²²

Inoue, Kess ва Miyamoto²³ ҳам ўзларининг “Second language learners’ acquisition of “katakana” borrowings in Japanese: Help or hindrance?” (Иккинчи тил ўрганувчиларининг япон тилида ўзлашма сўзларда “katakana”нинг кўникмалари: ёрдам берадими, чалғитадими?) илмий мақолалари

²¹ Shibasaki H., Tamaoka K., Takatori Y. To what extent do Americans understand Japanized English loanwords?: Investigating knowledge and inference of loanword meanings //Nihongo Kagaku [Japanese Linguistics].-Tokyo, 2002.

²² Shibasaki H., Tamaoka K., Takatori Y. To what extent do Americans understand Japanized English loanwords?: Investigating knowledge and inference of loanword meanings //Nihongo Kagaku [Japanese Linguistics].-Tokyo, 2002.

²³ Inoue T., Kess J.F., & Miyamoto T. Second language learners’ acquisition of katakana borrowings in Japanese: Help or hindrance? In the Committee for Publishing the Festschrift for Dr. Takashi Yoshida (Ed.) // Aspects of psycholinguistics, second language acquisition, and language education, Fukushima University. – Fukushima, 2001. P.49-70.

“katakana”нинг ўрганиш даражалари, салбий ва ижобий томонларини таҳлил қиладилар. Мақолада шундай таъкидланади: лекин ўзлаштирилган сўзлар инглиз тили қоидаларидан ташқари ҳолатда япончалаштирилган бўлса, буни тушуниш албатта қийинчилик келтириб чиқаради. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, яна бир муаммоли тарафи шундаки, кўпгина японияликлар “katakana”да ёзиладиган сўзларни аслида инглизча деб биладилар. Ўқув масканларида ўқитувчилар “katakana” сўзларга алоҳида урғу беришни муҳим эмас, деб ҳисоблайдилар. Натижада, японча “katakana”дан инглизча шаклига тўғри транслитерация қилсалар ҳам, семантик торайиш, кенгайиш ёки бутунлай узилиш оқибатида маъно англай олмайдилар, деб келтирадилар Inoue, Kess ва Miyamoto.

Бу муаммони япон тадқиқотчилардан Tamura, T. ҳам “Eigo kyouiku to “katakana” eigo: “katakana” eigo wo eigo kyouiku ni ikasu to iukoto” [English education and “katakana” English: To utilize “katakana” English in English education] (Инглиз тили таълими ва “katakana” инглиз тили: инглиз тили ўргатишда “katakana” инглиз тилини қўллаш) номли ўз илмий мақоласида Японияда инглиз тили ўргатаётганда “katakana”да ёзиладиган келиб чиқиши инглизча сўзларни ҳам қиёсий ўрганиш тарзида ўргатиб, фонологик, морфологик ва семантик ўзгаришларини аниқлаш, буни дарсликларга киритиш долзарб масала эканлигини далиллар ва таҳлиллар билан ёритади.²⁴

Tanaka H., ва Konishi K. япон тадқиқотчилари ““katakana” hyouki tango no shori-katei” [Semantic processing of “katakana” words: Effects of script frequencies]. (“Katakana” сўзларда семантик жараён: Скрипт частотаси таъсири) илмий мақоласида²⁵ қизиқарли тадқиқотни амалга оширадилар. 6-8 ёшли япон болаларда ўтказилган тажрибада улар учун “hiragana” эслаб қолиниши энг осон, иккинчи ўринда “katakana”, энг қийини эса “канжи” эканлиги аниқланди. 9-10 ёшли болаларда эса, тадқиқот натижалари “hiragana” энг осон, “канжи”

²⁴ Tamura. Eigo kyouiku to katakana eigo: katakana eigo wo eigo kyouiku ni ikasu to iukoto [English education and katakana English: To utilize katakana English in English education] // The Economic Journal of Takasaki City University of Economics.- Tokyo, 1987. -№ 30(1, 2). - P. 319-329.

²⁵ Tanaka H., Konishi K. Katakana hyouki tango no shori-katei [Semantic processing of “katakana” words: Effects of script frequencies] // Shinkei Shinrigaku [Japanese Journal of Neuropsychology].- Tokyo, 1998. -, №6(4), - P. 11-18.

осонлиги бўйича иккинчи ўринда, “katakana” эса энг қийинлигини кўрсатади. 10-11 ёшли болалар учун эса эслаб қолиш учун “hiragana” билан “канжи” бир хил даражада осон, “katakana” эса қийин эканлиги ўрганилди. Бу натижалар хулосасига кўра айтиш мумкинки, “hiragana” билан бирга ёзилувчи “канжи” ёзувига ўрганган япон ўқувчилари (Japanese readers) учун “katakana” – “унча таниш бўлмаган ёзув” даражасига етиб келмоқда.

Шунингдек, мазкур мавзу бўйича кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борган, жумладан рус тадқиқотчиси Алпатовнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Олимнинг «Англоязычные заимствование в японском языке и американизация и японской массовой культуры»²⁶, «Япония: Язык и общество»²⁷, «Гайрайго в современном японском языке»²⁸ каби қатор илмий ишлари мазкур мавзу масалари тадқиқотига етарлича хисса қўшган.

Япон тилига хорижий сўзлар, асосан инглиз тилидан сўзлар ўзлашиши борасидаги мавзу бўйича кўплаб тилшунослар изланган илмий ишлар, илмий мақолалар, ўқув қўлланмаларни ўрганиб чиқар эканмиз, мазкур мавзу, нафақат япон лексикасида, балки, инглиз лексикаси учун ҳам долзарб мавзулигича қолаётган, кўплаб чуқурроқ ва муфассал тадқиқотларга мухтож аҳамиятли масалалардан бири эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот тавсифий методга²⁹ асосланди. Тавсифий методни олишдан мақсад шундан иборатки, ушбу методда “gairaigo”га таълуқли аутентик маълумотлар асосида таҳлил қилинган ҳамда тилга оид материаллар синхроник аспектига таълуқлидир. Маълумки, тилшуносликда шу аспектга таълуқли бўлган тил маълумотларини таҳлил қилишда ушбу метод маъқул деб топилган. Ушбу метод қўлланилиш жараёнида йигилган аутентик материалнинг ички ва ташқи кўринишларини тилда таҳлил қилиш назарда тутилади.

²⁶ Алпатов В. М. Англоязычные заимствование в японском языке и американизация и японской массовой культуры // Япония: Культура и Общество в эпоху НТР. - М., 1985.

²⁷ Алпатов В. М. Япония: Язык и общество. – М.: «Муравей», 1988.

²⁸ Арешидзе Л.Г., Алпатов В.М. Гайрайго в современном японском языке // лексические заимствования в языках современного Востока. - М., 1991.

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (иккинчи жилд) 2-ж. – Тошкент-2006. 672 б.

Тавсифлашда объект (предмет)га таъриф берилди, ундаги сифатлар илмий мақсад нуктаи назаридан баҳоланди. *Margaret Pine Otake*ning “Gairaigo-Remodelling language to fit Japanese”³⁰ (“Gairaigo” - япон тилига мослаштириш учун тилни ўзгартириш) номли докторлик диссертацияси, *Осипова Л.И.*нинг “Активные процессы в современном русском словообразовании”³¹ (Замонавий рус тили сўз ясалишида фаол жараёнлар) номли докторлик диссертацияси; *В. Алпатов*нинг “Why do we need gairaigo”³² (“Gairaigo” бизга нима учун керак?) номли илмий мақоласи; *Кимие Ошима*нинг “Semantic and Structural Shift Patterns of Gairaigo in Japan”³³ номли тадиқиқоти ишнинг методологик асоси қилиб олинди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур мавзунинг фактлар, назарий ва амалий манбалар, жонли нутқлар ёрдамида ўрганилганлиги, ўзлашмаларни иложи борича атрофлича структур ва семантик жиҳатдан кундалик ҳаётини мисоллар тасниф ва таҳлил этилганлиги япон тили ўрганувчилар учун назарий кўникмалар бериш билан бирга, ўзлашмалар ва уларнинг япон тилига мослашиши борасида ўзига хос хусусиятларини кенгрок очишга, сўз маъноларини англаган ҳолда, сўзларни тўғри ва ўрнида қўллаш билишига ёрдам беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур тадқиқот иши тузилиш жиҳатидан 3 та қисмдан иборат: Кириш, асосий қисм, хулоса. Ишнинг охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати гуруҳларга бўлинган ҳолда кўрсатилган.

Кириш қисмининг таркиби ва тартиби Низомнинг VII бандига мос ҳолда тўлиқ асосланди ва шакллантирилди.

- Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
- Тадқиқот объекти ва предмети;

³⁰ Margaret Pine Otake. Gairaigo- Remodelling language to fit Japanese. – Tokyo: Department of International Language and Culture, - 2008.

³¹ Осипова Л.И. Активные процессы в современном русском словообразовании: Суффиксальная универбация, усечение: докт. филол.наук. дисс. автореф. - М., 1999. – 45 стр.

³² Алпатов В. М. Англоязычные заимствование в японском языке и американизация и японской массовой культуры // Япония: Культура и Общество в эпоху НТР. - М., 1985.

³³ Oshima Kimie. Semantic and Structural Shift Patterns of Gairaigo in Japan. – Tokyo: “International Christian University”, 2002.

- Тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- Илмий янгилиги;
- Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи;
- Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;
- Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- Иш тузилмасининг тавсифи

Асосий қисм 3 та бобдан иборат. Ҳар бир боб ўз номланишига эга ва бир неча қисмларга бўлинган. Ушбу қисмлар ўз навбатида номига эга ва бу номлар бобга мантиқан боғлиқдир. Ҳар бир боб сўнгида қилинган иш хулосалари келтирилган. Ишнинг охирида умумий хулоса ҳам келтирилган.

I БОБ. ЯПОН ТИЛИ ЛЕКСИКАСИДА ЧЕТ ТИЛИДАН КИРГАН ЎЗЛАШМАЛАР ТАЪСИРИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ФАОЛ ЖАРАЁНЛАР

Япония дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга давлат ҳисобланиб, деярли барча мамлакатлар билан кўп соҳаларда яқин алоқаларга эга. Бу эса, ўз навбатида, япон тилига ҳам таъсир кўрсатиб, кундан-кунга япон тилшунослиги лексикасида ўзлашма сўзларнинг сони ошиб бормоқда. Бундай сўзларнинг кундалик ҳаётда қўлланила бошлаши билан бирга япон тилига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ҳар бир давлатда қадимги даврлардан

одамларнинг суҳбати жараёнида қўлланилиб, занжир тарзида авлоддан-авлодга ўтиб боровчи ва шу билан бирга, айнан бир давлатнинг ўзига хос маданияти, нарсаларга нисбатан бўлган қарашлар ва фикрлаш доирасига асосланган ҳолда япон тилида ҳам чет тилларидан ўзлашган сўзлар вужудга келди. Албатта бунда ҳам тарихий жараёнларнинг ўрни каттадир.

Бугунги кунда халқаро тил даражасига етган инглиз тили бутун дунё тилларига, жумладан япон тилига ҳам ўзининг катта таъсирларини ўтказмоқда. Япон тилига инглиз тилининг таъсири 100 йилдан ортиқ тарихга эга экан, ўзлашишнинг ўзига хос жиҳатлари етарлича аҳамиятли ва муаммолидир.

Япон тили лексикаси 3 гуруҳга бўлинади: 和語 WAGO - соф япон тилига хос сўзлар; 漢語 KANGO – хитой тилидан кирган сўзлар, 外来語 GAIRAIGO – инглиз ва бошқа Европа тилларидан ўзлашган сўзлардир.

KANGO – 漢語 Хитой тилидан ўзлаштирилган ёки хитой тилидан ўзлаштирилган элементлардан яратилган японча сўзлардир. 漢語 “kango” сўзининг маъноси «хитойча сўзлар»дир. 漢語 “kango” япон лексикасида ажратилдиган 3та гуруҳнинг биттасидир. Япон тили луғатининг 60 фоизи

漢語 “kango”дан иборатдир. Уларнинг 18 фоизи оғзаки нутқда фаол қўлланилади.

Маълумки, Хитойнинг катта ҳудуди, ҳамда шаклланган маданияти Япония, Корея, Вьетнам ва бошқа Шарқий Осиё тилларига узоқ ўтмиш давомида таъсир этиб келган.

Япон халқида ёзув тизими мавжуд бўлмаган даврда, ёзув тизимига эга, академик билимлар юксаклигига эришган мамлакат бўлмиш Хитойдан ёзувни ўзлаштирдилар. Хитой сўзлари япон талаффузи таъсирига учради. Масалан, ўрта хитой тилига мансуб, 火藥/xwa¹jak/ (ўқдори) сўзи корейс тилига “*hwayak*” ва япон тилига “*ka-yaku*” тарзида ўзлаштирилган. Ҳаттоки хитой тилида мавжуд бўлмаган, ёки маъно англатмайдиган иероглифлар бирлашмаси японлар томонидан луғатга киритилди.

“Kango” va “wago” сўзларини солиштирамиз:

	“Kango” сўзлар	“Wago” сўзлар
Кеча	昨日 きのう <i>киноу</i>	昨日 さくじ つ <i>сакужитсу</i>
Тил, сўз	言葉 ことば <i>котоба</i>	言語 げんご <i>генго</i>
Ўйин-кулгу	遊び あそび <i>асоби</i>	遊戯 ゆうぎ <i>юуги</i> ³⁴

漢語 “kango” сўзлари кўпроқ зиёли қатлам томонидан, расмий нутқларда қўлланилиб, оғзаки нутқда 和語 “wago” қўлланилади. Баъзи одамлар ўзларининг юқори қатлам вакили эканлигини кўз-кўз қилиш учун оғзаки нутқда 漢語 “kango” сўзлардан фойдаланадилар. Бундай феълга эга шахслар оддий омма томонидан ижобий қабул қилинмайди. Улар бу ҳолатни мақтанчоқлик, димоғдорликка йўйдилар.

外来語 “gairaigo”нинг луғавий маъноси “ташқаридан кирган тил” бўлиб, Японияда асосан Европа тилларидан кирган сўзлар ҳамда инглизча сўзларга нисбатан шу атама қўлланилади. Ҳозирги кунда япон тилшунослари 外来語 “gairaigo”нинг ўзини уч гуруҳга бўлиб ўрганмоқдалар:

1. カタカナ語 “Katakanago”
2. 外国語 “Gaikokugo”
3. 和性英語 “Wasei eigo”³⁵.

Биз тадқиқотимизда ўзлашган сўзларни таҳлил қилишда, асосан 外来語 “gairaigo”га мурожаат қиламиз.

³⁴ <http://www.tofugu.com/2013/07/25/> / (Borrowing. Part of the languages of Japanese)

³⁵ Takako Tomoda. Defining the concept of loanword in Japanese: Results from a survey of 860 respondents. – Tokyo: “Monash university linguistics papers”, 2000.

1) **カタカナ語 Katakana**. Маълумки, япон тилида чет тилидан ўзлашган сўзлар учун махсус алифбо – **カタカナ** “katakana” мавжуд. Мазкур гуруҳдаги сўзлар “katakana” алифбосида ёзиладиган сўзларни ўз ичига олади. Инглиз ва Европа тилларидан кириб келган сўзлардан ташқари, япон тилига хос машхур сўзлар, сленг терминлари, тижорат номлари “katakana”да ёзилади. Масалан, “katakana”да ёзиладиган **プウタロウ puutaroo** (ишсиз одам), **バツイチ batsuichi** (турмушидан ажрашган киши), **キッコマン kikkoman** (компания номи), **トクホン tokuhon** (маҳсулот номи) сўзларининг бирортаси ҳам ўзлашма сўз эмас.

2) **外国語 Gaikokugo**. Луғавий таржимаси: “чет тили сўзи”. Лекин япон тилидаги “gaikokugo”ни натурализация жараёни билан ўзлашгани сабаб, “чет тили сўзи” деб айтиш ноўриндир. Масалан, **ホワイト [howaito] = white [wait]**

3) **和性英語 Wasei eigo**. Япончалаштирилган инглиз тили. [Инглиз + инглиз] ёки [япон+инглиз] тарзида комбинация ҳодисаси билан ясалган сўзларга “wasei eigo” деб ном берилган. Масалан, **ボヂコン bodikon** (инглиз+инглиз) – инглиз тилидаги “body” (бадан, тана) сўзи ва “conscious” (онгли, сезувчан, хушёр) сўзи қисқартмаси билан комбинацияси натижасида ҳосил бўлиб, япон тилида “қоматини кўз-кўз қилиш мақсадида тор кийинувчи аёл” маъносини англатади. Яна бир мисол тарзида, интернационал сўз даражасига етган **カラオケ “Karaoke”** сўзи ҳам **和性英語 “wasei eigo”** туркумига хосдир. “Kara” **から**– японча сўз “очик, бўш, -сиз” маъносини берса, “oke” – orchestra (оркерстр) сўзининг қисқартмасидир. Яъни “оркерстрсиз” маъноси билан “караоке” сўзи пайдо бўлган.

Юқоридаги таъриф ва мисоллардан кўриб турганимиздек, япон тилида ўзлашмалар ўзлашиши ҳаддан ташқари ўзига хосдир, шу билан бирга япон тилини ўрганаётган хорижликлардан ташқари, тил вакилларининг ўзларига ҳам мушкулликлар туғдириши табиийдир. Бугунги кунда, япон тилига хорижий сўзлар ўзлашиши натижасида хорижий тил япон тилида ўз софлигини йўқотиб бораётганлиги, хорижий сўзнинг оригинал варианты, ҳамда 外来語 “gairaigo” бир-биридан фонологик, морфологик, ва ҳатто кўп ҳолларда семантик жиҳатдан фарқ қилиши, тилшуносликнинг бу соҳадаги кундалик долзарб мавзуси бўлиб, кўп тадқиқотчиларни ўйлантираётган масала даражасига етиб келган. Тадқиқотчилар 外来語 “gairaigo” борасида қуйидаги фикрларни келтирадилар: “Албатта, дунёдаги барча тиллар бир-биридан сўз ўзлаштиради, лекин япон тили ўзлаштириш бобида ниҳоятда чегарадан чиқиб кетган”, деб ёзади The New York Times³⁶ газетаси. “Биз инглиз тилини ўрганаётган бир пайтда, 外来語 “gairaigo”ни япон тилига мослаштиришдан умуман маъно йўқ”³⁷. “Чет тилларни бу тарзда кўпол ўзлаштирилиши япон миллатининг интеллигентлик даражаси, ҳамда маданиятининг кушандасига айланади”³⁸. “Инглиз тили япон тилининг оддий фонетик системасига мослаштирилиб, оригинал талаффузда катта бузилиш содир бўлди”³⁹.

Биз ушбу бобда япон тилига ўзлашмаларнинг кириб келиш тарихи, сабаблари ҳамда муаммоли ҳолатларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

1.1 . Япон тилига чет тилидаги сўзларнинг ўзлашиш тарихи

Япон тилида социолингвистик вазият ҳақиқатдан ўзига хосдир. Маълумки, социолингвистика тил ва жамиятнинг ўзаро бир-бирига таъсир йўллари тадқиқ қилади. Япон тили чет тилларидан сўзларни ўзлаштиришда узоқ тарихга эга, ва ҳозирги кунда ҳам тез суратлар билан хорижий сўзлар япон тили лексикасини бойитиб бормоқда.

³⁶ The New York Times: Feb. 21, 1995

³⁷ Asahi Shimbun, March 2, 1995.

³⁸ Asahi Shimbun, March 7, 2000.

³⁹ Reischauer, 1977: 396.

Япон тили чет тиллар билан мулоқот қилиш орқали ривожланган тилдир. Айниқса милодий IV асрда ўзларида ҳеч бир ёзма алоқалар тизими бўлмаган бир даврда, японлар хитой иероглифларини 漢語 (kango) ёзув воситаси сифатида қабул қилдилар.

Кейинчалик, айнан шу иероглифларга асосланиб, ўз талаффузларига хос ひらがな hiragana (соф японча сўзлар) ва カタカナ “katakana” (хорижий сўзлар учун) алифболари вужудга келди.

1500-йилдан бошлаб Япония Европа билан алоқаларни йўлга қўйгач европача сўзлар ёки европача товушларни қўллаш бошланди. Аввалига XVI аср бошларида Португалиядан Японияга савдогарлар, ҳамда миссионерлар кела бошлагач, португал тилидан ўзлашма сўзлар япон тили луғатидан жой ола бошлади. XVII аср бошларида эса голланд савдогарлари Японияга тез-тез ташрифлари сабаб голланд тиллари ҳам япон тили лексикасининг ўзлашма сўзлари бойишига таъсир этмай қолмади. Японияда ҳали маълум бўлмаган озиқ-овқатларнинг кириб келиши ўзи билан янги “gaikōgo”ларни олиб кирди. Масалан, ジャガイモ [жагаимо] *картошка* сўзи “Жакарта илдири” сўзидан ҳосил бўлган. カボチャ [кабоча] *қовоқ* “Камбоджа” сўзидан ҳосил бўлган. Шунингдек, 1867-йиллардан япон ёшлари ғарбий давлатларга Европа технологияларини ўрганиб келиш учун ўқишга юборилиб, бу талабалар Японияга юборган хатларида европача сўзларни “katakana” ҳарфи билан ифодалаб, хорижий сўзларни аралаштириб ёза бошладилар. Ундан сўнг Мейжи асрида (XIX-XX аср) Германия ва Франция мамлакатларидан янги сўзлар оқиб кела бошлади. Немис тилидан асосан Европа тиббиётига оид сўзлар япон лексикасида ўрнини топди. XIX асрдан бери асосан инглиз тилидан сўзлар ўзлашиб келяпти.

1859-йилда Япония Токио университети қошида инглиз тили курслари очила бошлади. 1887-йилгача барча машҳур сиёсатчилар ва муаллифлар бу курсларга қатнай бошладилар. Бу ҳам кўпгина инглиз тили сўзларининг япон лексикасида ўрнашиб олишига замин яратди.

Тарихий жараённи ўрганиб, айтиш мумкинки, японияликлар даврлар оша турли мамлакатларнинг хорижий сўзлари таъсири остида қолганлар.

Япон тилшуноси Бен Олах япон тилига чет тилидан ўзлашган сўзлар борасида шундай таъкидлайди: “Бугунги кунда японлар томонидан кенг қўлланилаётган инглиз тили ўзлашма сўзлари миқдори Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ва айниқса, сўнгги йигирма йил ичидаги Америка маданияти таъсири ҳамда японларнинг ўзларининг ҳам интилишлари натижасида жадал ўсиб борди. Япон миллий тили тадқиқот институтининг 1964-йилдаги ҳисоботида кўра, япон тилидаги ўзлашма сўзларнинг 80,8 фоизи инглиз тилига тегишли бўлган”⁴⁰.

Япон тилига хорижий сўзлар ўзлашиш тарихи (асосий тиллар – ўзлашган сўзлар кўп)		
Милодий IV аср	Хитой иероглифлари (биринчи марта ёзув воситаси сифатида)	科学者 — kagakusha (олим); 東洋学 — touyougaku (шарқшунослик)
1549-1638 йиллар Илк Эдо асри	Португал тили (Португалидан келган савдогар ва миссионерлар орқали)	タバコ - tabako – (тамаки, сигарет)
1603-1853 йиллар Эдо асри	Голланд тили (Голландиядан савдогарлар келиши орқали)	ビール - bi-iru – (пиво)
XIX -XX аср Мейжи асри	Немис ва Француз тиллари (Германия ва Франция савдогарлари орқали)	カルテ — karute (немис т.) – <i>Карте (бемор касаллик тарихи)</i> ズボン — zubon (француз т.) - жупон (шим)

⁴⁰ Ben Olah. English Loanwords in Japanese: Effects, Attitudes and Usage as a Means of Improving Spoken English Ability // Journal of Bunkyo Gakuin University Anthropology. Tokyo, 2007. - № - 9(1). - P. 177-188.

XIX аср ярми – шу кунгача	Инглиз тили (Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ва ҳозирги Америка маданияти таъсири сабабли)	スムーズ – sumi-izu - (силлиқ, равон)
XX аср – ҳозиргача	Корейс тили (асосан озиқ-овқат номлари)	キムチ kimuchi "кимчи"
Қўшимча тиллар – ўзлашган сўзлар кўп эмас		
Испан тили	てんぷら – tempura – темпура (таом номи)	
Рус тили	コンビナート - konbina-ato - комбинат (корхона)	
Санскрит тили	セツナ - setsuna – момент (он, дам)	

1868-йилдаги *Мейжи инқилобидан* кейинги даврларда Япония дунё ҳамжамиятига илдам қадамлар билан чиқди, бу эса, Япония деярли 250 йил мобайнида “ёпиқ давлат” сифатида ҳаёт кечирган япон халқи билан чет элликлар ўртасидаги мулоқотларнинг имконияти яратилди.

Мейжи давридан бошлаб, чет тилидан кирган ўзлашма сўзлар Японияга оммавий равишда оқиб кириб, японлар қулоқлари орқали эшитган хорижий сўзларни шу ҳолатида “*katakana*” да ёзиб, тилга қабул қилиб келдилар. Инглиз тилидан кирган ўзлашмалар ўзлашма сўзларнинг асосий қисмини ташкил этиб, япон жамиятига кириб келди.

Япон тилида ўзлашмаларни ўзлаштиришда калькаләш асосий ўриндадир.⁴¹ Масалан, хитой тилидан ўзлашган сўзларни япончалаштириш (*wasei kango*), хорижий сўзларни ўз талаффузларига ва япон тили кайфиятига мослаштириш орқали ўзлашмаларни калькалаган ҳолда ишлатадилар.

1.2. Ўзлашмаларнинг қўлланиш сабаблари ва ўсиш суръатлари

Япон тилига инглиз тили сўзларининг кенг ўзлашиш сабаблари турличадир. Ўз даврида ўзлашма сўзлар япон тилида мавжуд бўлган семантик бўшлиқ ва лексик етишмовчиликлар туфайли ҳам қабул қилина бошлаган. Ўзлашаётган хорижий тиллар япон тилида барқарор бўла ола олишига яна бир

⁴¹ <http://en.wikipedia.org/wiki/Gairaigo> (Gairaigo)

сабаб – ғарб тилларига ривожланиш ва модернизация белгиси сифатида қаралар эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ўзини АҚШдек иқтисодий, ҳамда технологик ривожланиш жиҳатдан илғор мамлакатга айлантиришга ҳаракат қила бошлади. Шу тариқа японияликларнинг америкаликлар ҳаёт тарзига тақлид қилиш оқибатида, беихтиёр ўз она тили нутқларини инглизча сўзларни аралаштириб қўллай бошладилар.

Японияда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт жараёнида хорижий сўзлар куч-қудрат, бойлик ва обрў, нуфуз рамзлари бўлиб, кундалик ҳаётда уларнинг қўлланилиши табиий ҳолатга айланиб борди.

Shibatani манбаларида кўрсатилишича, 1859-йилдаёқ “Genkai” луғати таркибида 551 та ўзлашма сўзлар бўлган. Бу луғатдаги сўзларнинг 1,4 фоиз ини ташкил қилган.⁴²

Tomoda Takako манбасига кўра, бир асрдан сўнг, 1956-йилдаги ўзлашмалар устидаги изланишларга кўра, “Reikai Kokugo Jiten” луғати 1428 та (3,5фоиз) ўзлашма сўз, 1989-йилда эса “Nihongo Daijiten” луғати 13,300 та (10фоиз) ўзлашма сўздан иборат бўлган.⁴³

*MakGregor*⁴⁴ (2003) ўз тадқиқотида япон тилидаги ўзлашмаларни ўрганган ҳолда, қуйидагича таъкидлайди: “Ўзлашмалар луғати ўсишда давом этмоқда”. 2000-йилда нашр қилинган, олим *Sanseido* томонидан ўрганилган “katakana” луғатида 52,500 та хорижий ўзлашмалар кузатилган. Бу кўрсаткич 1972-йилда 20 000 та ўзлашма сўзни ташкил қилган эди.

Сўнгги йилларда Япония замонавийлик, иқтисодиёт жиҳатидан қудратли жамиятга айланган бўлса-да, чет тили ўзлашмалари японияликлар учун ўзига хос “мода” тили, қолаверса, замонавий (башанг) ва ёқимли тил сифатида хизмат қилмоқда.

⁴² Masayoshi Shibatani. The languages of Japan. – UK: “Cambridge University Press”, 1990.

⁴³ Tomoda Takako. The impact of loanwords on modern Japanese // Japanese Forum. Tokyo, 1999. - № -11(1). – P. 231-253.

⁴⁴ Ben Olah. English Loanwords in Japanese: Effects, Attitudes and Usage as a Means of Improving Spoken English Ability // Journal of Bunkyo Gakuin University Anthropology. Tokyo, 2007. - № - 9(1). - P. 177-188.

*Daulton*⁴⁵ (2004) таъкидлаганидек, инглиз тили билан бўлган социолингвистик мулоқотнинг асосий манбаси – Японияда Оммавий ахборот воситалари, ва айниқса, мода журналлари ҳамда янги замонавий технологиялар, тижорат рекламаларидир.

Япония тижорат рекламаларида ўзлашмаларнинг фаол қўлланилиши – реклама қилинаётган маҳсулот ёки хизматга нисбатан истеъмолчиларнинг эътиборини жалб эттириш усулидир. Одатда ўзлашма сўзлар “katakana” ёки “romaji” (лотин ёзуви)да қалинлаштириб ёзилади. (Масалан: ‘**SALE**’; ‘**I feel Coke**’)

Социолингвист *Takashi*⁴⁶ томонидан амалга оширилган тадқиқотда 513 та телевизион рекламалар ва 406 та ёзма рекламалар текширилиб, улардаги матнларда 21, 149 та сўздан 5,555 таси, яъни 23 фоизи ўзлашма сўзлар бўлган.

Ўзлашмалар бўйича изланишлар шуни кўрсатадики, XX аср ўрталаридан Япония жамияти ўзлашмаларни ўз ихтиёрлари билан, “хурсандчилик билан” юқори суръатларда қабул қилиб келмоқдалар.

Oshima Kimie тадқиқотида 1952-йилдан 1997-йилгача бўлган давр ичидаги “Asahi shinbun” газетаси матнларида қўлланилган ўзлашмалар ўрганилиб, улар кўрсаткичи 45 йил ичида 2,5фоиз дан 10,1фоиз га ўсган.⁴⁷

Honna N. мақоласида айтилишича, 1995-йилда оғзаки нутқдаги ўзлашмалар кўрсаткичи 13фоиз га етган эди.⁴⁸ Япон тилидаги ўзлашма сўзлар японча характердаги “японлашиш” ҳодисасига юз тутган. Япон тилидаги инглиз тили ўзлашма сўзлари “маданиятнинг тилга таъсири ҳодисаси”нинг яққол намунаси дир.

⁴⁵ Daulton F.E. The comprehension of English loanwords in the Japanese media. // Journal of Multilingual and Multicultural Development. – UK, 2004. - № 25(5). - P. 285-296.

⁴⁶ Takashi K.A. Sociolinguistic analysis of English borrowings in Japanese advertising texts. – Toyoma: “World Englishes”, 1990. – p. 327-341.

⁴⁷ Oshima Kimie. The movement of gairaigo usage: The case of the Asahi newspaper from 1952 to 1997. – Tokyo: Bunkyo Gakuin Daigaku Gaikokugo Gakubu. 2004. – p. 91-102.

⁴⁸ Honna Nobuyuki. English in Japanese Society: Language within language // Journal of Multilingual and Multicultural Development. – UK, 1995.- №16 (1). – P. 45-61.

Япон тилида ўзлашма сўзлар 外来語 “gairaigo” — Оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳукумат ҳамда халқ орасида долзарб мунозара ва бахсларга сабаб бўлаётган катта масалага айланиб қолди.

Бир савол туғилади: “Ўзлашмаларнинг япон тилига бундай катта суръатлар билан кириб келиши оқибатида инглиз тилини билмайдиган аҳолининг ҳоли нима кечади?” Таъкидлаш жоизки, Япония аҳолисининг катта қисми рекламалар, аёллар ва ёшлар журналларидаги ўзлашма сўзлар маъносини тушунмайдилар. Кўпгина ёшлар эса бу ўзлашма сўзларнинг маъносига ёки келиб чиқишига қизиқиб ҳам кўрмасдан қўллашлари кузатилади. Ўзлашма сўзларни қўллаб суҳбатлашиш, “katakana” ёки лотин алфавитида ёзиш, айниқса, ёшлар орасида “нуфузлилар (элит) абзосиман” деган ақидани вужудга келтирган. Япониянинг тарихига назар солсак, яқиндагина хитой иероглифларини билиш ва ёза олиш “олий нуфуз” белгиси эди. Лекин “kango” (хитой иероглифлари) ва “gairaigo” (ўзлашма сўзлар) қўлланилиши ўртасида фарқ бор. Иероглифларнинг талаффузи японлар томонидан кашф этилган бўлса-да, оригинал шакл сақланиб қолган.⁴⁹ Хитойча ва японча талаффузлар бир-биридан фарқ қилишига мисол келтирсак, (学生 gakusei (японча талаффуз) - 学生 hue sheng (хитойча асл талаффузи)) “gairaigo” эса, “kango”дан фарқли ўлароқ, шакли ҳам, талаффузи ҳам ўзгариб ўзлашган сўзлардир. “Kango” ҳам, “gairaigo” ҳам Японияда миллийлаштирилган ҳолда қабул қилинди. Муаммо шундаки, “gairaigo”да шакл сақланиб қолишига ва фонетика, тил синтаксиси қоидаларига амал қилмай кўр-кўрона ўзлаштирилмоқда.

Бир мақолада, японияликларнинг “gairaigo” ҳақидаги фикрлари ҳақида шундай ёзилади: “Баъзи “gairaigo” маънолари америкаликларга тушунарсиз бўлса, ҳеч қиси йўқ. Муҳими, биз ўзимиз тушунамиз”.⁵⁰

Ғарб таърифи билан айтилганидек, “ихтирочи японлар” сўз ўзлаштиришда ҳам, аввал хитой тили, кейин озроқ корейс тили, ва сўнгра

⁴⁹ Алпатов В.М. Япония: Язык и общество. – М.: «Муравей», - 1988. – С. 92-93.

⁵⁰ Stanlaw J. "For Beautiful Human Life": the Use of English in Japan. // Re-Made in Japan. Everyday Life and Consumer Taste in a Changing Society. –London, 1992. P-75.

европа ва англиз тилларини мослаштириш билан ўз ихтироларини кўрсатдилар. Нима бўлганда ҳам, бу ўзлашмалар асл тил вакиллари томонидан таний олиб бўлмас даражага етган бўлса ҳам, япон жамиятида мослашмоқда, яшамокда ва ривожланмоқда.

1.3. Япон тилига чет тилидан сўзлар ўзлашиши натижасида вужудга келган мунозарали масалалар таҳлили

Хорижий тиллар ва япон тили орасидаги интеграция сабаб, тартибсиз равишда “*katakana*” сўзлари (ўзлашма сўзлар) ҳосил бўлиб келди. Бунинг натижасида англиз адабий тилидан японча кўринишдаги фақатгина Японияда тушуниш мумкин бўлган англизча сўзни фарқлаш қийинчилик туғдириб, хорижликлар билан мулоқот чоғида тўсиқ бўлиб қолди. Ушбу ҳол Япония ичида кенг тарқалган бўлса-да, хорижликлар учун тушунарсиз, асл шаклидан, ва ҳаттоки, маъносидан фарқ қилувчи японча кўринишдаги англизча ўзлашмалар кўпайиб, англиз тили ўқитиш тизимида тартибсизликлар келиб чиқди.

Умуман олганда, япон тилида чет тилларидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзлар қандай муаммо келтириб чиқариши мумкин? Японча кўринишдаги ўзлашмалар японлар учун ҳам хорижликлар учун ҳам муаммолар келтириб чиқариши шубҳасиз. Япон тилида эквиваленти мавжуд бўлишига қарамай, чет тилидан кирган сўзларни қўллашда ташаббус кучаётганини манбалар воситасида кузатяпмиз. Ўз навбатида, бу кекса ёшдаги япониялик аҳолига “модадаги сўзлар”ни тушунишда муаммолар келиб чиқади. Шунингдек, япон тилида чет тилларидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзлар фақатгина Японияда амал қилиб, хорижликлар учун тушуниш қийин. Бу япон адабий тили меъёрларининг бузилишига олиб келмасмикин, деган фикрлар япон тилшунослигини мулоҳаза ва мунозараларга тортмоқда.

Yashiro ⁵¹ ўзининг “Multilingual Japan” мақоласида шундай ёзади: “Маълум бир муддат чет элда яшаган японияликни олайлик. Болалари япон тилини яхши билмайди. Японияга қайтгач, болалар японлаштирилиши

⁵¹ Yashiro Kyoko. Japan's Returnees. // Multilingual Japan.- Clevedon-Philadelphia-Adelaide, 1995. - P.150-151.

мақсадида махсус мактабларга борадилар. Лекин у ерда болаларнинг чет тилидаги соф билимлари бир чақага ҳам олинмайди. Чунки болалар чет тили сўзларининг японлашган вариантыни билмасликлари камчиликларидир.”

Leo Loveday⁵² шундай таъкидлайди: “Инглиз ва япон тили алоқалари монолингуал жамият учун олий даражада бўлса ҳам, япон тилида “gairaigo” жараёнини ғарблаштиришдан кўра, ғарб элементларидан япон жамиятини узоқлаштириши тобора ойдинлашиб бормоқда. Лекин барча соҳаларда, жумладан, маданият ва тилда ҳам рўй бераётган жаҳон глобализацияси, ғарб стандартларининг дунё бўйлаб кенгайиши натижасида, кўп ўзгаришлар бўлиши, ҳаттоки, миллийлаштиришга қаттиқ эътибор берадиган Японияда ҳам тил маданият ва тил вазияти ўзгариб кетиши мумкин.”

Япон тилига хорижий сўзларнинг ўзлашиш жараёнида иккита асосий масала мунозараларни келтириб чиқармоқда. Биринчиси тўғри талаффуз қилиш муаммолари⁵³ (*Yano Y.*) бўлса, иккинчиси асл маънонинг ўзгариши ёки йўқолишидир⁵⁴ (*Tanaka K. va Tanaka S.*). Талаффуз ва маънога тегишли бўлган бу икки муаммо японияликлар инглиз тилида гапирганларида эшитувчи учун тушунишда қийинчиликлар туғдиради. Бу муаммонинг ечими сифатида инглиз тили ўқитувчиларидан ҳам ўқувчиларидан ҳам ўзлашган сўзларнинг оригинал талаффузи ва маъно доираларини алоҳида ўрганишлари талаб этилади.

Талаффуз муаммолари. Ўзлашма сўзлар япон тилида “katakana” алифбосида, ва баъзида лотин алифбосида ёзилади. Япон тили алифбоси бўғинлар асосида бўлгани туфайли, ўзлашма сўзлардаги деярли ҳар бир ундошдан кейин унли ҳарф талаффуз қилинишига тўғри келади. Масалан: Вьетнам сўзини олайлик. Япон алифбосида “vi” ёки “ve” товушини ифодаладиган фонема йўқлиги сабаб, унинг ўрнига “be” фонемаси ишлатилади. “t” ҳарфи “katakana”нинг “to” товушли, “m” ҳарфи эса, “mu” товушли белгиси орқали ифодаланади. Вьетнам - ベ ト ナ ム (betonamu).

⁵² Loveday Leo. Language Contact in Japan. - New York: “Oxford University Press”, 1996.

⁵³ Yano Y. World Englishes in 2000 and beyond. – Tokyo: “World Englishes”, 2001. – P.119-132.

⁵⁴ Tanaka K., Tanaka S. A survey of Japanese sources on the use of English in Japan. –Toyoma: “World Englishes”, 1995.- p.117-135.

Табиийки, “Бетонаму” сўзини эшитган япон тилидан хабари йўқ хорижликнинг ҳаёлига бирдан “Вьетнам” сўзи келиши амри маҳол. Ўзлашмалар “katakana” алифбосига мослаштирилиши натижасида ундошлардан кейинги унлилар ҳисобига сўзлар кенгайиб кетади ва кўп ҳолларда вақтни тежаш мақсадида, бу кенгайган сўзлар қисқартириб айтилади. Масалан: инглиз тилидаги “apartment” (турар жой) сўзи 「アパート」 (apa-to) бўлиб ўзлашган. Сўзлар қисқартирилиши япон тили вакиллари орасида шу қадар урф бўлганки, бунинг оқибатида, ҳатто кўпчилик японлар, бу қисқартма сўзнинг оригинал вариантыни ҳам билмайдилар. Баъзи икки инглизча сўз қўшилиб, ҳар иккаласи ёки биттаси қисқариш кўринишида қўлланилади. Масалан, инглиз тилидаги “personal computer” (шахсий компьютер) - パソコン (pasokon) бўлиб ўзлашган.

Инглиз тилида 12 та унли товуш ифодалаш йўллари мавжуд бўлса, япон тилида фақатгина 5 та унли товуш бор. Бу шуни кўрсатадики, кўпгина инглизча сўзлар “katakana”га мослаштириш учун ҳам фонологик ўзгаришларга дуч келишга мажбур.

Фонологик ўзгариш			
<i>Ўзгариш тури</i>	<i>Инглизча сўзлар (асл варианты)</i>	<i>Ўзлашмалар (япон тилига ўзлашган варианты)</i>	<i>Таржимаси: (ўзбекча)</i>
Товушларнинг кенгайиши	Cream	クリーム (kuri-mu)	Крем, қаймоқ
	Steak	ステーキ (sute-ki)	Бифштекс, стейк
	Taxi	タクシー (takushi-)	Такси
Қисқартириш	Television	テレビ (terebi)	Телевизор
	Supermarket	スーパー (su-pa-)	Супермаркет
	Accelerator	アクセル (akuseru)	Тезлатгич (машина педали)
	Air	エアコン (eakon)	Кондиционер

Қисқартириш /комбинация	conditioner		
	Word processor	ワープロ (wa-puro)	Ворд процессор
	Personal computer	パソコン (пасокон)	Шахсий компьютер
Фонологик ўзгариш	Bath	バス ba-su)	Ҳаммом
	Bus	バス (basu)	Автобус

Япон тили сўзлашувида ўзлашмалар аҳамияти. Япон тилида ўзлашма сўзларнинг кўплигини ҳисобга олсак, бу тил ўргатишда яхши восита бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Япон тилидаги вариантини асл вариантга солиштирган ҳолда, фонологик ва маъновий ўзгаришларига эътибор берган ҳолда ўргатилса, бу ўрганувчилар учун икки томонлама ижобий натижа бериши мумкин. Биринчиси, инглиз тилини тўғри ўргансалар, иккинчиси, ўз тилларидаги мавжуд ўзлашмалар тарихи ҳақида маълумотга ҳам эга бўладилар. Лекин ўрганувчиларнинг ўзлашмаларга бўлган муносабатларини (ижобий ёки салбий эканлигини) ҳам ҳисобга олиб дарс ўтиш мақсадга мувофиқдир деб таъкидлайди *Ando*⁵⁵ ўз мақоласида.

Фикримизча, инглиз тили ўқитувчилари тил ўргатиш жараёнида сўзларнинг асл шакли ва маъноларига эътибор беришдан ташқари, тил муҳити, вазияти, шунингдек, маданиятини ҳам инобатга олишлари, ҳамда, тилга бўлган ижобий муносабат кайфиятини уйғотишга ҳаракат қилишлари зарурдир.

Япония инглиз тили ўрганувчиларида оғзаки нутқдан кўра, ёзма нутқнинг яхши ривожланишида ҳам айниқса талаффузда ўзларидан қониқмасликлари асосий сабабдир. *Loveday*⁵⁶ ёзишича, ўқитувчи инглиз тилини эмас, инглиз тили атмосферасини ўқувчиларга сингдириши керак.

⁵⁵ Ando K. Katakana eigo to eigo kyōiku [Katakana English and English Education] – Nagoya: “Nagoya keizai daigaku jinbunkagaku ronshu 60”, 1997.- P.1-18.

⁵⁶ Loveday L. Japanese sociolinguistics: An introductory survey. Journal of Pragmatics, 10. 1986. - P. 287-326.

Токио шаҳридаги Комазава университети талабаларидан “Япон тилидаги ўзлашмалар қўлланишига бўлган муносабатларини” аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилганда, 13,2 фоиз талабалар салбий, 86,8 фоиз талабалар ижобий муносабатда эканлигини билдирганлар. Шунингдек, талабалар ўзлашмаларни инглиз тили дарсларида солиштириб ўргатилиши ҳақидаги таклифларини киритганлар. 8,4 фоиз талабалар оммавий ахборот воситалари, тижорат рекламаларида қўлланиладиган ўзлашма сўзларнинг деярли 50 фоизини тушунмасликларини ва шунинг учун ҳам муносабатлари кескин салбий эканлигини билдирганлар.

Япония ҳукумати япон тилига тартибсиз ўзлашишда давом этаётган инглизча сўзлар устидан назорат қилишга ҳаракат қиляпти. Чунки, айнан ўзлашмалар сабаб катта авлод билан ёш авлод ўртасида тил тушуниш бўйича тўсиқ пайдо бўлиб қолган. Инглиз тилидан хабари йўқ баъзи ёшлар ҳам ўз тилларини тушунмаслик даражасига келиб қоляптилар.

Бу муаммо нафақат инглиз тилини ўрганувчи японияликлар, балки аввал япон тили кейин инглиз тилини ўзлаштираётган бошқа миллат вакиллари, жумладан, ўзбек талабалари учун ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шундай экан, япон тили ўқитувчилари ҳам айнан ўзлашма сўзларни ўргатаётганда, оригинал шакли ва маъноси билан солиштириб ўргатсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган фикрдамиз.

1-боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Япония жамиятида ўзлашма сўзлар ҳақиқатдан ўта долзарб масаладир. Кўпгина япон тилшунослари, жамиятшунослари мазкур масала бўйича бир нечта тадқиқотлар ўтказган бўлишларига қарамай, бу мавзу ҳамон ечим ва чоралари топилиш ўрнига, кундан кунга ўзлашма сўзлар Япония руҳида ўзлашиш суръатлари ўсиб бормоқда. Тилшунослар томонидан амалга оширилган изланишлар ўрганилиб чиқилар экан, тадқиқотчиларнинг барчаси мазкур масалага долзарб муаммо сифатида қараб, “gairaigo”нинг ўсиш суръатлари, мослашиш жараёнлари ва аҳолига бўлган таъсири, ҳамда аҳолининг “gairaigo”га бўлган муносабатларини

кўриб чиқиб, ўз статистик хулосалари, вазиятдан келиб чиқиб билдирган фикрларини келтирганлар.

Япон тилига чет тилидаги сўзларнинг ўзлашиш тарихини ўрганар эканмиз, XVI асрлардан бошлаб, Европа давлатларининг Японияга савдо-сотик, ҳамда миссионерлик мақсадларида ташриф буюриши оқибатида европача сўзлар ҳам япон тилида япончалашиб ўзлаша бошлаб (португал, голланд, немис, франсуз тиллари), охири юз йил ичида инглиз тилини тез суръатлар билан ўзлашиш жараёнлари кўриб чиқилди.

Япон тилида чет тилларидан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзларнинг қўлланилиш сабаблари ва ўсиш суръатлари ҳақида изланишларимиз натижасида, япон тилига ўзлашма сўзларнинг қуйидаги икки гуруҳ сабаблари аниқланди: тилга таълуқли ва тилга таълуқли бўлмаган яъни, лингвистик ва экстралингвистик сабаблар. Биринчи гуруҳга ўз даврида япон тилида мавжуд бўлган лексик етишмовчилик ва семантик бўшлиқни мисол келтиришимиз мумкин.

Иккинчи гуруҳга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- II жаҳон урушидан сўнг япон халқининг америкача ҳаётга тақлид қилиши ва интилиши;
- ғарб тиллари – ривожланиш ва модернизация рамзи сифатида қаралганлиги;
- хорижий сўзларни қўллаш куч қудрат, обрў, нуфуз, бойлик, замонавийлик рамзлари бўлиб, ўзлашма сўзлар оммавий ахборот воситалари, тижорат рекламалари, брендлар ва ёшлар нутқида кишини жалб қилувчи восита сифатида қаралиб, “мода” тусига кирганлиги;
- европа давлатларининг Японияга савдо сотик, ҳамда миссионерлик мақсадларда ташриф буюриши оқибатида европача сўзлар ҳам япон тилида япончалашиб ўзлаша бошлаши.

Интернет сайтларидаги япон лексикаграфик ишларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Нашр этилган йили қанчалик олдинги бўлса, ўзлашмалар сони шунчалик кам бўлиб, йиллар ўтиши мобайнида

лексикографик луғатларда чет тилларидан кириб келган ўзлашмалар сони ҳам ошиб борганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, 1859 йилда чоп этилган япон тилидаги лексикографик ишларда 551 та “gairaigo” мавжуд бўлган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 52,500 тани ташкил этган. 1859 йилдан 2000 йилгача “gairaigo”нинг ўсиш сурати 95.2 фоизни кўрсатади.

Япон тилига чет тилидан сўзлар ўзлашиши натижасида вужудга келган мунозарали масалалар ҳақида айтадиган бўлсак, бу каби тез суръатларда “gairago”нинг ўсиши нафақат япон тилшуносларини балки япон тилида сўзлашувчилар ўртасида, шунингдек оммавий ахборот воситаси вакиллари томонидан ҳам долзарб масала сифатида кўтарилди ва улар ҳам “gairaigo”га бўлган ўз муносабатларини ифодалай бошлашди. Япониядаги ўқув йилларим мобайнида, япон талабалари ўртасида “gairaigo”га таълуқли анкета ўтказиб қуйидагиларни аниқладим. Ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари ўртасида “gairaigo”нинг ишлатилиши қулай ва ёшлар ичида оммалашган деган хулосага келинди. Аммо масаланинг иккинчи тарафи ёши катталар ичида ҳозирги кунда чет тилидан ўзлашган сўзларнинг маъносига тушунмай қийналаётган вакиллар борлигини ҳам унутмаслик керак. Ўзлашмаларнинг ниҳоятда кўплиги ва тартибсиз ўзлаштирилиши натижасида кекса ёшлилар ва ёшлар ўртасида тил тушунишда тўсиқ ҳосил бўлмоқда.⁵⁷

⁵⁷ “Япония ва Ўзбекистон маданиятини қиёсий ўрганиш: интеллектуал ва моддий бойликларни излаб топиш имкониятлари” мавзuidaги халқаро илмий анжуман. - Тошкент: “ТДШИ”, 2014. - 238 б.

II БОБ. ЯПОН ТИЛИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎЗЛАШМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ, СЎЗ ЯСАЛИШ ҲОДИСАЛАРИ

Ҳозирги кунда инглиз тили дунё тили сифатида оммалашиб бормоқда. Ҳар бир давлатда ушбу тил чуқур ўқитилмоқда. Япония - ривожланган давлатлар таркибига кирганлиги боис, инглиз тилига катта эътибор берилади. Японияда мактабдан бошлаб инглиз тили ўқитилади ва ҳозирги кунда инглиз тилида гаплашувчилар сони ўсиб бормоқда. Ушбу кишиларнинг нафақат инглиз тилида сўзлашишини кузатиш мумкин балки, япон тилида гаплашганларида ҳам инглиз тилининг интерференция ҳодисаси кузатилади. Одатда ўзлашма сўзлар фонетик, морфологик, грамматик ва лексик-семантик хусусиятларини сақлаб қолса, япон тилидаги ўзлашмаларда бунинг аксини, яъни хорижий сўзларнинг оригиналликдан узоқлашиб, янгича сўз ясалишини кузатамиз. Шунингдек, япон тили лексикасида япон тили ҳамда инглиз тилидан ташкил топган ясама сўзлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Япон тилида инглизча сўзлар ўзлашишида ўзига хос сўз ясалиш ҳодисалари мавжуд.

Ушбу бобда тез суръатлар билан япон лексикасида ўзига хос тарзда ўрнашаётган инглизча сўзлар структур таҳлил қилинади. Инглиз тили ўзлашмалари япон тили атмосферасига мослашар экан, тўлиқ сўзни фақат фонологик жиҳатдан бузиб, ўз қоидаларига бўйсундириб (fax – ファックス

[fakkusu] ; headphone -ヘッドホン[heddohon]; limousin -リムジン[rimujin] кабул қилишдан ташқари, қуйидагича сўз ясалиш ҳодисаларига дуч келади: аффиксация усули (derivation), аралашуш (blending), калькалаш (calque), комбинация (combination) ва синтактик мослашув (syntactical naturalization).

Аффиксация усули. Икки тил нутқларида сўзлашувчи сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўз ҳосил қилинишига аффиксация усулида сўз ясалиши дейилади. (масалан: ing. Shame+less / уят+сиз / 恥知らず⁵⁸)

Аралаш усули. Бу усулда икки ёки ундан кўп сўзлар ёки сўз қисмлари бирлашиши ҳодисаси кузатилади. Масалан: инглиз тилидаги “smog” сўзи “smoke - тутун” ва “fog - туман” сўзларининг аралашувидан японча “スモーク” сўзининг келиб чиқиши фикримизга бир мисолдир.

Калькалаш усули. Бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзларни сўзма-сўз ёки негизма негиз таржима қилиш усулидир. Масалан, инглиз тилида “to lose face” деган бирикма аслида хитой тили 丟臉/丢脸 иборасининг сўзма сўз таржима қилиниши эвазига ясалган бирикма бўлиб, ўзбек тилида “камситилмоқ; нуфузини йўқотмоқ” деган маъноларни англатади.

Комбинация усули. Бунда икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бирикуви (инглиз тилида маънога эга ва маънога эга бўлмаган қўшма сўз ёки сўз бирикмаси), гибридлар ҳосил бўлиши (инглиз+япон; япон+инглиз; инглиз+бошқа хорижий тил).

Синтактик мослашув усули. Бу ҳолатда инглизча сўз ва японча кўмакчи феъл, ёки инглизча сўзнинг ўзига япон тилидаги феълларга хос бўлган -る [ру], -う [у] қўшимчаларини қўшиш, инглизча сўз ва япон тилида сифатларга хос бўлган -な [на], -い [и] қўшимчаларини қўшиш, шунингдек, инглизча от + японча する [суру] (қилмоқ) ёрдамчи феълнинг бирикуви ва бошқа ҳолатлар келтирилади.

⁵⁸ Bauer Hernández Approaches to Conversion / Zero-Derivation. – New York: “Waxmann Münster”, 2005. - P. 131.

Япон тилида инглизча сўзлар ўзлашишида ўзига хос сўз ясашиш ҳодисаларини қуйида мисоллар ва таҳлиллар билан ўрганамиз.

2.1. Аффиксация усули

Бу усулда икки ёки ундан кўп сўзлар ёки сўз қисмлари бирлашиши ҳодисаси кузатилади. Масалан, инглиз тилидаги “smog” сўзи “smoke -тутун” ва “fog -туман” сўзларининг аралашувидир. Ушбу ҳолат япон тилига “katakana” алифбосида ўзлашма сўз сифатида “スモーク” кўринишида кириб келди. Шу каби яна бир мисол, “brunch” “ブランチ” сўзи “breakfast-нонушта”, “lunch-тушлик” сўзлари аралашмаси бўлиб, “кечиккан нонушта” маъносини англатади.⁵⁹

Инглизча тўлиқ ва қисқартмали, ҳамда ҳар ҳил тилларга мансуб сўзларнинг қоришмасини “gairaigo” сифатида яшадан ташқари “ихтирочи япон халқи инглиз ва бошқа хорижий тилларга хос аффиксларни (суффикс ва префикс) қўшиш билан янгича сўзлар яратадилар.

2.1.1. Суффикслар қўшилиши

 **-ter:** FURI-TA- フリーター сўзи тўлиқ иш кунда эмас, соатбай ишлайдиган нотўлиқ иш кунли ишчиларга нисбатан қўлланилиб, келиб чиқиши инглизча FREE (бўш, озод) ва немисча ARBEITER (иш) сўзидан “**TER**” қўшимчаси олиниб, FREETER деган янгича сўз ҳосил бўлган.

NAITA—ナイター инглизча NIGHT (тун) сўзига “**-ER**” (-увчи)от ясовчи аффикси (teach+er – ўқитмоқ - ўқитувчи/ write+er ёзмоқ/ёзувчи каби)қўшилиши орқали“night game” – “тунги ўйин”(видео ўйинлар) маъносини англатувчи сўз яратилган.

 **-er:** РОЕМА - ホエマー РОЕМ – инглизча “шеър” ва “**-ER**” испанча аффикс билан бирикиб, РОЕМЕР – “шоир” маъносини бермоқда. Инглиз тилида “poet”.

⁵⁹ Crystal David. The Penguin Dictionary of Language. – London: Penguin Books, 1999.

Юқоридаги мисолларда инглизча ёки бошқа хорижий тилга мансуб сўзларга аффикслар қўшиш ҳолатларига гувоҳ бўлдик. Аффикслар қўшилиши нафақат хорижий сўзларга, ҳатто японча сўзларга қўшилишини ҳам кузатдик.

✚ **-tic:** Инглиз тилига хос сифат ясовчи аффикс – тис (roman+tic, drama+tic каби) японча сўзга қўшилиб, отдан сифат яшаш ҳоллари ҳам учрайди. Япон тили фонетикасига мослашган ҳолда “**-tic**” аффикси “chikku” деб ёзилади ва талаффуз қилинади. АКІНАВАРАСНІККУ ^{あきはばら} 秋葉原チック Акихабарага хос, Акихабарача, Акихабараники. (Токиодаги туман номи) パソコンチック – [PASOKONCHIKKU] - /personal-computer + tic/ - “шахсий компьютерга хос”.

✚ **-ize** – シンプルイズ [SHINPURAIZU] (ing. simple (осон) –ize (фёъл ясовчи суффикс)) – “осонлаштириш” маъносинидаги бу сўз аслида инглиз тилида “simplize” эмас, балки “simplify” дир.

✚ **-ic** (сифат ясовчи суффикс) ファンタジック [FANTAJIKKU] (ing. fantasy (фантазия, тасаввур)-ic – (sif.yas. aff)m- “фантазияга эга” маънода қўлланилади.

✚ **-ful** (сифат ясовчи суффикс) イメージフル [IME-JIFURU] image-ful) – “тасаввурли” маъноси билан қабул қилинган.

✚ **-zation::** (от ясовчи суффикс) ファミリゼーション [FAMIRIZE-SHON] /family-zation/.

✚ **-ing:** сифатдош, ҳаракат номи ясовчи мазкур суффикс 「アルキング」 [ARUKINGU] (^{aruku}歩く + -ing) ^{aruku}歩く японча “юрмоқ”, “сайр қилмоқ” инглизча –ing суффикси билан, сайр қилиш ҳаракат номи яратилган.

Японча ўзига хос композицион ўзлашмаларда қуйидагича суффикслар учради: -al, -an, -ee, -er, -ful, -ing, -ism, -ist, -izer, -less, -logy, -ness, -tic, -topia, -zation ва ҳ.з.

2.1.2. Префикслар қўшилиши:

✚ **mini-:** (кичрайтириш префикси мини-япон тилида ҳам шу маънода қўлланилади)

ミニカー [MINIKA-] /mini car/ - кичик машинага нисбатан “мини” префикси қўлланлиб янги сўз ясалган. Инглиз тилидаги асл номланиши “midget car” – “кичик машина”. [minisu-pa-] /mini supermarket/ супермаркет/ - кичик супермаркетга нисбатан қўлланилувчи бу сўз инглиз тилида мавжуд эмас.

✚ **dis-** – сифат, от, феълларга қўшилувчи бу префикс (м.н. disrespect-хурматсизлик, dislike-ёмон кўрмоқ; disagree-норози) япон тилида ҳам ижобий сўздан салбий маъно ясаш учун қўлланилса-да, бу ҳолат тартибсиз равишда амалга ошади. Яъни инглиз тили лексик қоидаларига амал қилмайди. デイスイ ンテリ [DISINTERI] сўзи инглизча префикс “dis-” ва “intelligent” сўзлари қоришмаси бўлиб, “ўқимишли эмас”, “зиёли эмас” маъноларида қўлланилади.

✚ **semi-** セミダブル [SEMIDABURU] /semi+double/

✚ **multi-** マルチタレント [MARUTITARENTO] /multi+talent/

✚ **micro-** マイコン [MAIKON] /micro+computer/

Япон тилидаги ўзлашмаларда қуйидаги префиксларни учратамиз:

anti-, auto, cine-, dis-, inter-, micro-, midi-, mini-, multi-, neo-, non-, poli-, semi, sub-, techno-, un-ва бошқалар.

2.2. Аралаш усули

Аралаш усули қуйидаги категорияларни ўз ичига олади:

Акронимлар: сўз бирикмаси сўзларининг ҳарфлари бирлашмасидир. (Inglizcha –LASER- light amplified by stimulated emission of radiation.)⁶⁰

Қисқартириш (clipping or shortening) – сўзларнинг редукцияси (қисқариши) билан ясалган сўзларга айтилади. Масалан: fax (facsimile), flu (influenza) and bot (robot).⁶¹

2.2.1. Акронимлар

Акронимлар – сўз бирикмасидаги сўзлар ҳарфлари ёки сўз қисмлари бирлашмасидир. Японча кўринишдаги инглизча ўзлашмаларда “katakana”да ифода этилган сўзларни аббревиатура шаклига келтириб, қисқартириб қўллаш

⁶⁰ <http://en.wikipedia.org/wiki/Acronym> (Acronyms)

⁶¹ [http://en.wikipedia.org/wiki/Clipping_\(morphology\)](http://en.wikipedia.org/wiki/Clipping_(morphology)) (Clipping)

кўп кузатиладиган ҳодисадир. Маълумки, аббревиациялар кенгайиб кетган атамалар, фразаларни қисқартириш билан ҳосил бўладиган фраза вариантдир.

「^{s h i - e m u}シーエム」 CM - (c[o]m[mercial]) - реклама, 「^{j i - m a - k u}ジーマーク」 Gmark (G[ood] [design] mark) – деган инглиз тилидаги ҳолича аббревиатурага келтирган сўздан, 「^{y u - f o -}ユーフォー」 (UFO=U[nidentified] F[lying] O[bject]) (Номаълум Учувчи Жисм), 「^{t i - p i - o -}ティピーオー」 (TPO=T[ime], P[lace], O[ccasion]) (вақт, жой, ҳодиса) деб айтиладиган Японияда пайдо бўлган аббревиатураларгача мавжуд.

「^{kokusayrengou}国際連合」 (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) ни 「^{kokuren}国連」 яъни (БМТ) шаклида қисқартириб қўлланилади. Сўзларнинг бош ҳарфларини олиш каби 「^{w a - d o p u r o s e s s a -}ワードプロセッサ」 (ёзув машинкаси) ни қисқартириб 「^{w a - p u r o}ワープロ」 деб аташ одатий ҳолдир. Бу ҳодиса япон тили морфологиясида сўзнинг ўрта қисмини қисқартириш деб ҳисобланса, японча кўринишдаги ўзлашма сўзларнинг вазиятидан келиб чиққанда сўз яшашнинг ўзига ҳос усули деб юритилади. Фақатгина мураккаб қўшма сўзлардагина эмас, балки, содда сўзларда ҳам мураккаб қўшма сўзлар сингари жарангдорлик хусусияти бўлса, дарҳол аббревиатура шаклига қисқартирилган мисолларни келтириш мумкин.

Масалан:

「^{t o r a p e n}トラペン」 TOREPAN - инглизча Transparency – шаффофлик;
「^{ko re po n}コレポン」 KOREPON - Correspondent - муҳбир сўзларининг акронимияга учрашини кузатамиз. Япон тили ўзлашмаларида инитсиал аббревиатуралар ва акронимлик мавжуддир.

- 「イニシャルイズム」 (инитсиал аббревиатуралар) – ҳарфлари бирма-бир алифбодаги транскрипцияси бўйича ўқиладиган сўзлар бўлиб, одатдаги сўзлар каби бир текисда ўқилмайди.

Масалан:

«FBI» - エフビーアイ Efu-Bi-Ai (Federal Bureau of Investigation- Federal Tergov byurosi), «NHK» Enu-EChi-Ke Nippon Hoso Kyokai (Japan Broadcasting Corporation - Япония телекўрсатув корпорацияси).

- 「アクロニム」 (акронимлик) – одатдаги сўзлар сингари бир текис ўқиладиган аббревиатуралардир.

NEET - "Not in Education, Employment, or Training"⁶² – ҳеч қандай иш билан шуғулланмайдиган, ўқимайдиган ёшларга нисбатан ишлатилувчи бирикмадир. Бу акроним биринчи бўлиб Бирлашган Англия Қиролликларида қўлланилган, лекин кейинчалик Япония, Корея ва Тайван каби бошқа давлатларда жуда оммалашган.

Акронимлик	Японча айтилиши	Келиб чиқиши	Изоҳ
CM	シーエム (<i>shī-emu</i>)	commercial message	Реклама
GW	ゴールデンウィーク (<i>gōruden uīku</i>)	Golden Week	Май ойининг биринчи таътил ҳафтаси
NG	エヌジー (<i>enu-jī</i>)	no good	Окнинг антоними сифатида қўлланилади. Кўпинча филм ва телевидения соҳасида қўлланиладиган акроним
SP	エスピー (<i>esupī</i>)	Special	Телевидения сериалларининг махсус эпизоди
W 杯	ワールドカップ (<i>wārudokappu</i>)	World Cup	ФИФА Футбол бўйича Жаҳон кубоги

«AIDS» (OITS), «UFO» (NUJ) каби акронимлар инглиз тилида қандай ўқилса, япон тилида ҳам айнан шундай ўқилади.

Шунингдек, япон тили доирасида яратилган ўзига хос акронимлар ҳам мавжуддир.

OL – オーエル Office Lady – ишбилармон, яхши касбдаги аёлларга нисбатан қўлланилади.

⁶² "16- to 18-year-olds not in education, employment or training (NEET)". Department for Education. 12 July 2011. Accessed 24 August 2011. Archived 24 August 2011.

POKEMON –ポケモン – Poketto Monsuta - [ポケットモンスター]
(Pocket Monsters) – Чўнтак Маҳлуқлари – машхур мултфильм ва видеоўйин
номи. Японияда шу каби яратилган баъзи акронимларни келтириб ўтамиз.

PURIKURA プリクラ purinto kurabu (Print Club) Автоматик фотоаппарат.

MUKKU ムック magazine + book A cross between a magazine and a book.

Япония жамияти ҳаттоки машхур исмларни ҳам акроним тарзида
қўллашлари расм бўлиб бормоқда.⁶³

Транскрипция	Японча акроним кўриниши	Исм	Японча тўлиқ шакли	Изоҳ
<i>Burapi</i>	ブラピ	<i>Buraddo Pitto</i> (Brad Pitt)	ブラッド・ピット	Голливуд актёри Бред Пит
<i>Dikapuri</i>	ディカプリ	<i>Reonarudo Dikapurio</i> (Leonardo DiCaprio)	レオナルド・ディカプリオ	Голливуд актёри Леонардо Ди Каприо
<i>Hashiryū</i>	橋龍	Ryūtarō Hashimoto	橋本龍太郎	Япониялик сиёсатчининг исми
<i>Kimutaku</i>	キムタク	<i>Takuya Kimura</i>	木村拓哉	Япониялик қўшиқчи

Япон тилидадаги бу тартибдаги акронимлар пайдо бўлиши инглиз тилидан хабари бўлмаган ёки тўлиқ жумлани эшитмаган одам учун мушкул бўлгани сабаб, акронимларни оригинал вариант билан биргаликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Япон тилида инглиз тилидан тўғридан-тўғри ўзлаштирилиб, японча талаффузга бўйсундирилган акронимлардан ташқари, япон тили муҳити доирасида яратилган янгича акронимлар ҳам оммада кенг тарқалган нутқ бирликларидан биридир.

2.2.2. Қисқартириш усули

⁶³ Benua Laura. Identity Effects in Morphological Truncation, in J.N. Beckman, L. Walsh Dickey, S. Urbanczyk (eds.) // Papers in Optimality Theory. University of Massachusetts. - Amherst, 1995. – p. 77-136.

Инглиз тилидан кириб келган сўзлардаги ундош товушлар орасига японча фонетик қоидаларига кўра, унли товушлар қўйиш ҳисобига сўзлар жуда узайиб кета бошлади. (Масалан: Apartment – アパートメント [apa-tomento].) Узун сўзлардан қочиш мақсадида ўзлашма сўзлар қабул қилинишидан аввал ёки кейин қисқартирила бошланди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу усулда инглизча туб ва мураккаб сўзларнинг бўлиниши, яъни сўзнинг маънога эга ва эга бўлмаган қисмлари тушиб қолиши, сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда биринчи ёки иккинчи сўзнинг қисмлари тушиб қолиши ёки иккала сўзнинг қисқартирилиши ҳолатларини кузатамиз. Бу масала бўйича бир неча тадқиқотчилар изланишлари ўрганилиб (Daulton, F. E., Gairaigo: The Built-in Lexicon: The Common Loanwords in Japanese Based on High-Frequency English Vocabulary and their Effect on Language Acquisition⁶⁴; Hashimoto, R., English Loanword Interference for Japanese Students of English⁶⁵; Umegaki, M., Nihon gairaigo no kenkyū)⁶⁶ фактларини ўрганганиб ҳамда умумлаштирган ҳолда қуйидагича классификация қилишни жоиз деб топдик.

- 1) Содда сўзларнинг бўлиниши;
- 2) Мураккаб ва сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда аффиксларнинг тушиб қолиши ва сўзларининг бўлиниши;
- 3) Мураккаб (қўшма) сўзларда маъноли қисмнинг тушиб қолиши;
- 4) Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда олд сўзнинг бўлиниши;
- 5) Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда орт (охирги) сўзнинг бўлиниши;
- 6) Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда барча сўзнинг бўлиниши;
- 7) Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда маъноли қисм ёки сўзнинг тушиб қолиши.

➤ **Содда сўзларнинг бўлиниши:**

⁶⁴ Daulton F.E. Japan's Built-in Lexicon of English-based Loanwords. - UK: "Multilingual Matters Ltd", 2007. p. 9-11, 13, 15-22.

⁶⁵ Hashimoto R. English Loanword Interference for Japanese Students of English. - Mankato: "Mankato State University", 1992.

⁶⁶ Umegaki M. Nihon gairaigo no kenkyū . - Tokyo: "Kenkyusha", 1963.

Бутун бир маънони ифода этадиган, қисмларга ажратилиши мумкин бўлмаган сўзлар бўлинади. Масалан: инглизча “diamond” (олмос) сўзи туб сўздир. Аммо япончалаштириб ўзлаштириш оқибатида, бу сўзнинг фақат иккита боғини қабул қилинган. DAIYA – ダイヤ (ダイヤモンド [daiyamondo]) - **dia** • **mænd**. Инглиз тилида “dia” ёки “mond” ҳеч қандай маънога эга эмас. Мазкур йўл билан амалга оширилган сўзларга мисоллар келтирамиз: KATSU – カツ **cut** • **let** (котлет) бу сўзда фақат “cut” бўғини ўзлашган. PANKU- パンク **punc** • **tæe** (шина, тешик); NEGA – ネガ **nega** • **tive** (салбий); INTERI – インテリ **intelli** • **genee** (ўқимишлилик, зиёлилик); KOROKKE – コロッケ **croque** • **tte** (крокет – таом номи); ZEMI-ゼミ **semi** • **naæ** (семинар); RAMUNE ラムネ **limona** • **de** (лимонад); SANDO サンド **sand** • **wieh** (сендвич); TOIRE トイレ **toile** • **t** (ҳожатхона)⁶⁷. Юқорида келтирган мисолларимиз сўзнинг охиридан бўлинишини кўрсатса, яъни орт бўлиниш бўлса, япон тилига ўзлашмалар ўзлашишида инглизча сўзда олд бўлинишни ҳам кузатамиз. НИС NISU – **vaæ** • **ниш** (варниш, лак); HOUMU – **plat** • **форм** (платформа, минбар).⁶⁸ Япон тилида япончалашган ўзлашма сўзлар ясалишида, сўзда орт бўлиниш жуда сермахсулдир. Олд бўлиниш эса кам ҳолларда учрайди.

➤ **Мураккаб ва сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда аффиксларнинг тушиб қолиши ва сўзларининг бўлиниши:**

Япон тили морфологиясига умуман яқинлиги бўлмаган инглиз тили морфологик қоидалари япон тилига ўзлашиб ўз кучини йўқотади. Инглиз тили сўзи таркибидаги кўплик, “is” нинг қисқартмаси, ҳамда қаратқич келишигини ифодаловчи аффикс “-s”, ва равишдош, сифатдош, сифат, от ясовчи “-ing”, ҳамда, сифат, сифатдош, равишдош ясовчи “-ed” қўшимчалари япон тилига ўзлашганда тушириб қолдирилади.

⁶⁷ Japan Times Weekly. December, 1983.

⁶⁸ NHK Television «Nyuusuno mado». Changes in the Conditions of Part-timeworkers. November 27, 1983.

-s – (лар) , ‘s аффиксларининг түшиб қолиш ҳолатига мисоллар:

(Японча “katakana” транскрипциясини ажратиб кўрсатиш мақсадида, бош ҳарфлар билан ифодалаймиз.) sunglasses - SANGURASU サングラス (кўзойнак); off limits - OFURIMITTO オフリミット (таъқиқлар); olympics – ORIMPIKKU オリンピック (олимпия); slippers - SURIPPA スリッパ (шиппак); time’s up ТАЙМУ-АППУ タイムアップ (вақт бўлди); manners - MANAA マナー (одағ).

Феълнинг ўтган замонини, ҳамда равишдош, сифатдош ясовчи ‘-ed’ аффиксининг түшиб қолишига мисоллар:

condensed milk – KONDENSUMIRUKU コンデンスミルク (куюлтирилган сут); corned beef - KOONBIFU コーンビーフ (тузланган мол гўшти); mashed potatoes - MASSHUPOTETO マッシュポテト (пюре, пишган ва эзилган картошка).

‘-ing’ аффиксининг түшиб қолишига мисоллар: skating rink - SUKEITORINKU スケイトリンク (чанғи учиш яхмалағи); spelling – SUPERU スペル (ҳарфлаб айтиш); frying pan - FURAI PAN フライパン (това).

Инглиз тилидаги от ясовчи ‘-ism’, ‘-tion’, ‘-sion’, ‘-ment’ ‘-er’ морфологик аффикслар ҳам япон тилига ўзлашганда түшириб

қолдирилади: ACHIBU achievement А Ч И Б (ютуқ); ANAUNSU announcement А Н А У Н С А (эълон); APAATO apartment А П А Р Т (кўп хонадонли, кўк қаватли уй); INFURE inflation И Н Ф Р Е (инфляция); ENGEIJIRINGU engagement ring Э Н Г Е И Ж И Р И Н Г (унаштириш узуги); DEPAATO department store Д Е П А Р (савдо маркази); TEREVI television Т Е Р Е В И (телевизор).⁶⁹

Юқоридаги мисоллардан кўриб турганимиздек, инглиз тилига хос суффикслар (орт кўшимчалар) япончалаштириш жараёнида қабул қилинмаган. Шунингдек, мураккаб сўзларда нафақат аффиксларнинг тушиб қолиши, у билан

⁶⁹ Мисоллар қуйидаги манбалардан олинди: 1) Kansaisu Gairaigo Jiten. (trans. Concise Gairaigo jiten). –Tokyo: Sanseido, 1997. 2) Gairaigo to Gendaishakai (trans. Gairaigo and Modern Society.) -Tokyo: Kokuritsu Kokugo Kenkyuujo, 2006. 3) Kay Gillian S. Gairaigo. In The Oxford Companion to the English Language.- New York: “Oxford University Press.”, 1992. - p. 427-428. 4) wikipedia. “Japanese abbreviated and contracted words. <en.wikipedia.org/wiki/Japanese_abbreviated_and_contracted_words> 2007.

бирга сўзнинг бирор қисмининг бўлиниши ҳолатини бир сўзнинг ўзида учратиш мумкин. [Сўз бўлиниши+аффикс йўқолиши] шаклида сўз ясалишига мисол келтирамиз: IRASUTO – **illust** · ra/ tion^{aff i ks}イラスト (расм, расмли безак) – бу ерда сўз негизи illustra-, аффикс эса –tion бўлиб, ўзлашиш жараёнида аффиксдан ташқари, негиз сўзнинг охирги бўғини ҳам тушириб қолдирилиб, «illust - [irasuto]»нинг ўзи иллюстрацион маъносига қўлланилади. - BIRU–**buil** · d/ing ビル (бино); KONE –**conne** · c/ tion コネ (алоқа); KONBI –**combi** · na/ tion コンビ (комбинация); KONPE –**compe** · ti/ tion コンペ (мусобақа); RINABIRI rehabilitation リハビリ (реабилитация), APURI アプリ **appli**/ca/ tion (ариза), PURO – プロ **pro**/fession/ al (профессионал, моҳир); SAIN サイン **sign** · ature (имзо, дастхат); APO アポ **appo** · int/ ment (учрашув, учрашув белгилаш) каби сўзлар ҳам мураккаб сўзларда аффикс тушиб қолишидан ташқари сўз парчаланиши ҳолатига мисол бўлади.

➤ **Мураккаб (қўшма) сўзларда маъноли қисмининг түшиб қолиши** ҳолатлари ҳам бўлиб, буни INFURA インフラ **infra**/structure (инфраструктура); SUPA- スパー **super**/market каби мисоллар орқали кузатиш мумкин.

➤ **Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда олд сўзнинг бўлиниши**

Япон тилига инглиз тили сўзларининг мослашиш жараёни сўз бирикмаларининг ўзлашишида ҳам кузатилади. Маълумки, сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ сўзлар бирлашмасидан ташкил топган бўлиб, японлар учун бу каби фраза ёки ибораларни бутунлигича қўллаш сўзни жуда узайиб кетиши сабаб ноқулайлик туғдиргани учун, бирикмалардаги биринчи сўз, ёки охирги сўз, баъзан ҳамма сўз қисқартирилиб ўзлаштирилган. Шунингдек, сўз бирикмаларида маъноли қисмларнинг, сўзларнинг тушиб қолиш ҳолатларини ҳам кузатамиз. Энг кўп тарқалган мослашишдан бири сўз бирикмасидаги олд сўзнинг бўлиниш ҳолатидир: SUTANDOPURE スタンドプレ (намуна ўйини)

сўзи аслида инглиз тилидаги “grandstand play” сўзининг мослашган вариантыдир. Кўриб турганимиздек, олд сўз “grandstand” бўлинишга дуч келган. スタンドプレー [sutandopure] – **grand** · **stand play** (намуна ўйини). Изланишларимиз давомида қуйидаги мисолларни ҳам кузатдик: ARUMIFOIRU – アルミフイル- **alumi** · **foil** (алюмин фолга); ENGE-JIRINGU – エンゲージリング **engage** · **ring** (унаштирув узуги); ПАТОКА- – パトカー **pet** · **car** ; KOSUPURE – コスプレ **cos** · **play** (қахрамонлари ҳар хил костюмдаги манга, аниме); MERU メール **e-mail** (электрон манзил).

➤ **Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда орт (охирги) сўзларнинг бўлиниши**

Бу ҳолат япон тилида етарлича учрайди. ЕАКОН - air **con** · di/tion/ er エアコン (кондиционер); «air» сўзи тўғридан-тўғри ўзлаштирилиб, иккинчи сўз - conditioner сўзи қисқаришга юз тутган. Ундан фақат биринчи бўғини қабул қилинган. «con-ditioner». TSUA-KON ツアーコン **tour con** · duetər (экскурсовод); НАПИЭНДО ハピエンド **happy end** · ing (бахтли якунланиш). Бундай қисқариш шакллари бошқа шаклларга караганда бироз каммаҳсул эканлиги аниқланди.

➤ **Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда барча сўзларнинг бўлиниши**

Сўз бирикмаларида барча сўзларнинг қисқартирилиб, янгича “gairaigo” ясалиши япон тилида жуда кенг тарқалган, фаол усуллардандир. Кузатувларда учраган кўплаб мисоллардан айримларини фикримиз исботи сифатида келтириб ўтамыз: TOREPAN トレパン **tra** · **pan** · ts (спортда машк қилиш иштони, спорт кийими); PASOKON パソコン **perso** · **com** · pūter (шахсий компьютер); MASHUPOTTO マッシュポテト **mash** · **potato** · es (эзилган картошка, пюре); DEJIKAME デジカメ **digi** · **came** · ra (рақамли фотоаппарат); SEKUHARA セクハラ **sexu** · **hara** · ssmēt (шахвоний безорилик); HANSUTO ハンスト **hun** · **st** · rike (очик

кўзғолон); MOBO モボ – **mo** · **deɪn** **bo** · **y** (замонавий йигит); MOGA モガ **mo** · **deɪn** **gir** · **ɪ** (замонавий қиз) – MOBO ва MOGA 1920-йилларнинг сленги бўлиб, Европага тақлид қилиб кийинадиган япон йигит ва қизларига нисбатан ишлатилади; WA—PURO ワープロ **wo** · **ɪd** **pro** · **eɛsɔː** (матн процессори); AMEFUTO アメフト **ame** · **ɪeɪn** **foot** · **baɪ** (америка футболли); DONMAI ドンマイ **don** · **ɪmi** · **ɪd** (ҳеч қиси йўқ); OL (OUERU) オウエル **o** · **ɸiːe** **l** · **ady** (яхши ишда ишлайдиган аёл); OURAI オウライ **a** · **ɪ** **riɰ** · **ɪ** (ҳаммаси яхши, ҳўп); PUROSERU プロレス **pro** · **fɛʃiənal-wres** · **ɪɪŋ** (профессионал кураш); TEREKA テレカ **tele** · **ɸhəne** **sa** · **ɪd** (телефон карточкаси); RIMOKON リモコン **remo** · **ɪe** **con** · **ɪeɪ** (масофавий бошқарув, пульта).

➤ **Сўз бирикмаси билан ифодаланган сўзларда маъноли қисм ёки сўзнинг тушиб қолиши**

Мазкур усул инглиз тилидан хабари бор ёки йўқ бўлишидан қатъий назар, барча япон тили ўрганувчилари, ва ҳатто Япониядаги катта авлодни ҳам сўз тушуниш имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Фақат луғатга қараб сўзнинг аслида қайси сўздан келиб чиққан ва қандай ҳолат учун қўлланишини билиш мумкин. Бу албатта айниқса, тил вакиллари учун ҳам ёқимли ҳолат эмаслигини катта ёшли япон халқи томонидан матбуот, ОАВ учун берган интервьюларидан билиш мумкин.⁷⁰

Инглиз тилидан кириб келган сўз бирикмаларидаги маъноли қисм тушиб қолиш ҳолатларига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: РААМА パーマ **permanent** wave (соч химияси /сўзма-сўз таржима: доимий тўлқин, доимий жингалак) *wave* –“жингалак” маъноли қисм тушиб қолмоқда; ДЕРА-ТО デパ ー ト **department** store (савдо маркази) store – “раста” сўзи тушиб қолган; GIBBU ギ ッ プ **give** up (бирор фаолиятни тўхтатиш, қўл силташ, таслим бўлиш) тушиб қолган маъноли қисм: “up” – кўмакчиси; МО-NINGU モーニン

⁷⁰ NHK Television «Nyuusuno mado». Changes in the Conditions of Part-timeworkers. November 27, 1983.

グ **morning** coat (расмий кийим)⁷¹ (*сўзнинг тарихи XIX асрда эрталаб расмий кийим (костюм шим) кийиб отда юрувчи жентельменларга бориб тақалади. Шунинг учун “morning - эрталаб, тонг” сўзи бу ерда “расмий”, “кундузги” маъносини ифодалайди*⁷²); RASHSHU ラッシュ **rush** hour (тиғиз пайт); FURONTO フロント **front** desk (меҳмонхона ва бошқа жойлардаги қабул столи /reception desk/); REGI レジ cash **register** (чек бериш машинаси); SUTORAIKU ストライク labour **strike** (ишчилар қўзғолони); RAJIKASE ラジカセ radio cassette **recorder** (магнитофон); BORUPEN ボールペン ball-**point** pen (шарикли ручка); ACHI—BU アチーブ **achievement** test (bilim sinovi); PATO パート part **time** (нотўлиқ иш кунда ишлаш); PUSHSUHOON プッシュホン push **button** phone (кнопкали телефон); HAMUEGGU ハムエッグ ham **and** egg (чўчка гўшти ва тухум); AFUTASABISU アフタサービス after **sales** service (хариддан кейинг хизмат).

Ўзлашма сўзларни қисқатириш усули япон тилида жуда кенг тарқалган усул бўлиб, япон тили ўрганувчилари, япон катта ёшли вакиллари ва ҳатто айрим ёшлари учун сўз тушунмаслик муаммоларини келтириш билан бирга, янгича япон тилига ҳам ўхшамайдиган, инглиз тилидан ҳам мутлақо йироқ бўлган ўзига хос сўз пайдо бўлиб, япон лексикасини бир пайтнинг ўзида ҳам бойитмоқда, ҳам лексик чигалликларга сабаб бўлмоқда.

2.3. Калькалаш усули орқали сўз ясалиши

Бу усул бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзларни сўзма-сўз ёки негизманегиз таржима қилиш усулидир.⁷³ Бунда япон тилида айниқса жумлалар қандай сўзлар бирикуви билан ҳосил бўлган бўлса, ўша японча сўзларнинг инглизча вариант билан қориштириб қўллаш, жумлаларда жой алмашинувини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, ибораларни сўзма-сўз таржима қилиш ҳолатларини ҳам кузатамиз.

⁷¹ Konsaisu Gairaigo Jiten. (trans. Concise Gairaigo jiten). –Tokyo: Sanseido, 1997.

⁷² http://en.wikipedia.org/wiki/Morning_dress (Morning dress)

⁷³ Calque, *The American Heritage Dictionary of the English Language: Fourth Edition. 2000* (Calque)

Масалан ^{てきん}手金 [текин] асл японча сўз бўлиб, ^{te}手 - “қўл” ва ^{kin}金 “пул” сўзлари бирлашмасидан ясалган мазкур қўшма сўз – “гаровга қўйилган пул” (ing. “deposit”) деб таржима қилинади. Японлар сўзни калъкалаш ҳолатига учратиб, ^{te}手 - “hand” ва ^{kin}金 “money” сўзларини қайта қўйиш билан янгича сўз ясаганлар. ^{tekin}手金 = 「^{handomane}ハンドマネー」 HANDOMANE- “hand+money.

Японлар жуда ҳам эҳтиёткорлик билан тарбия қилинган, ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак, “папалаб” ўстирилган қизга нисбатан 「^{hakoirimusume}箱入り娘」 - яъни “кутидаги қиз” иборасини қўллайдилар. Кутилган, кутилмаган қизиқ ва ғалати ихтиро ва натижалар соҳиблари – японлар бу бирикмани ҳам ўзларича инглизчалаштириб, 「^{bokkusugaru}ボックスガール」 - BOKKUSU GA-RU - “box girl” тарзида калъкалаш усулини юзага келтирганлар. Айнан шу иборанинг аслида инглиз тилидаги эквивалент ибораси қуйидагичадир: ““She’s led a *sheltered life*”” (Ёпиқ ҳаётда тарбияланган қиз); “She has been kept in **cotton wool**” (Пахта ичида ўстирилган қиз) – ўзбек тилида ҳам худди шундай маънони берувчи ибора “онаси ўпмаган қиз”га тўғри келади.)

“Ресторан, тунги клуб, бар каби жойлар бизнеси”, “таваккал бизнес” маъносини берувчи японча ^{みずしょうばい}水商売 [mizushoubai] – ^{mizu}水 - “сув” ва ^{shoubai}商売 “бизнес” сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган иборадир. Мазкур бирикма идиоматик характерда бўлишига қарамасдан, юқоридаги мисолларимиз каби, калъкалаш усули билан инглизчалаштирилган ва натижада ^{ウォータービジネス}WO-TA-BIJINESU – “water business” сўзи ҳосил бўлган. ^{みずしょうばい}水商売 [mizushoubai] нинг соф инглизча таржимаси “uncertain trade”, “chancy trade”, “restaurent, bar or night club business” кабилардир.

Шунингдек, калъкалаш усулининг яна бир шакли, япон жонли нутқида шартли белги ёки жаргонлар сифатида “katakana” да ёзилган сўзнинг жойлашув тартибини алмаштириш орқали ҳам ҳосил болади.

ツンパ TSUNPA сўзи パンツ PANTSU сўзининг ўқилиши билан ҳосил бўлган. А · N · TSU ↔ TSU · N · PA. [PANTSU] инглизча “pants” – “калта иштон, ичкийим, шортик” сўзидан олинган бўлиб, [TSUNPA] ҳам айти шу маъноларда, жаргон сифатида оғзаки нутқда қўлланилади.

Жаргонлашишга яна бир мисол - グラサン [GURASAN] – サングラス [SANGURASU] – «sunglasses» сўзининг калъкалаш кўринишидир.

Сўзларни жаргонлаштиришдан ташқари, инглиз тилидан кириб келган икки сўздан иборат жумла билан ифодаланган тушунчалардаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб ўзлаштириш ҳам япон “gairaigo” сига хосдир.

Инглиз тилидаги “Toaster oven” (toster pechi) сўзи япон тилида オーブントースター [O-BUNTO-SUTA-] “Oven toaster” тарзида ўзлашган. Ҳудди шу каби инглизча “Sales campaign” (“савдо ишлари ташкилоти”) キャンペーンセール [KYANPE-NSE-RU] “campaign sale” кўринишида қабул қилинган.^{74/75/}

Ўзлашма сўзлардан калъкалаш усули билан сўз ясаш япон тилида унча кўп учрамаса-да, ўзига хос хусусиятлари билан изланишлар талаб қилади.

2.4. Комбинация усули орқали сўз ясалиши

Комбинация усули икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бирикуви бўлиб, япон ўзлашмаларида тарқалиш кўлами жуда кенг. Бундай комбинацион бириккан қўшма сўзларнинг кўпчилиги япон тилида маъно англатса-да, оригинал тили – инглиз тилида ҳеч қандай маъно англатмайди ёки ғализ маъно ҳосил қилади. Айти инглиз тилидаги маъноси билан мутлақ мос “gairaigo”лар япон тилида кам миқдорни ташкил қилиб, улар орқали комбинация йўли билан ясалган ўзлашма сўзлар кузатилган, тўпланган мисолларнинг морфологик ўзгаришидан келиб чиқиб, қуйидагича тасниф қилдик:

1. Тўлиқ инглизча сўзлар комбинацияси;
2. Қисқартирилган инглизча сўзлар комбинацияси;
3. Гибрид бирикмалар:

⁷⁴ Yokoi Tadao. Gairaigono Goten. (Noto'g'ri gairaigo lug'ati). – Tokyo: Jiyukokuminsha, 1981.

⁷⁵ Kay G. English loanwords in Japanese. – Toyoma: Toyama Medical and Pharmaceutical University, “World Englishes”, 1995.- p.72.

а) Инглизча ва японча сўзларнинг қоришуви: “инглизча сўз+японча сўз” ёки “японча сўз+инглизча сўз” шакли

б) Инглизча ва бошқа хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар қоришуви: “инглизча сўз”+ хорижий сўз” ёки “хорижий сўз+инглизча сўз” шакли

Юқорида келтирилган икки мисолимиз аралашган ҳолда ҳам келишини кузатиш мумкин.

2.4.1. Тўлиқ инглизча сўзлар комбинацияси

Бу усулда икки тўлиқ инглизча сўз ўзлаштирилиши ва бириктирилиши натижасида янги сўз ҳосил қилинади. Баъзи ҳолларда икки сўз бирикмаси инглиз тили лексикасида мавжуд бўлган бирикмадан айна андоза олса /ice cream – “aisu kurimu” アイスクリーム, кўп ҳолларда эса фақатгина япон миллати вакилларига тушунарли бўлиб, бундай “gairaigo” инглиз тили луғатида мавжуд бўлмаган сўз ва бирикмалардир. Мазкур сўз ясашиш усулига мисол келтирамиз: BEBI-KA - ベビーカー “baby car”. Инглиз тилидаги “baby” - гўдак, бола ва “car” – машина, автомобил сўзларининг бирикмасидан ясалган бу “gairaigo” - япон тилида “болалар аравачаси” маъносини беради. “Baby car” деган бирикма инглиз тилида йўқ бўлиб, мазкур маънода инглиз тилида “pram”, “stroller” сўзлари қўлланилади.

AMERIKANKONI - アメリカンコーヒー бу икки тўлиқ сўз - “american” - америкача ва “coffee” - қаҳва сўзларининг комбинацияси инглиз тилида аслида “weak coffee” бўлиб, “юмшоқ кофе” (кофе кукуни кам солинган ичимлик) деган маъносида қўлланилади. BUKKUKABA - ブックカバー япон тилида “китоб муқоваси” маъносини берадиган book cover (“book” – китоб, “cover” – муқова, қоплама) сўзини инглиз тили луғатларидан топа олмаймиз. Китоб муқоваси инглиз тилида “dust jacket”дир. Инглиз тилида мавжуд бўлмаган, япон тили кайфиятидан келиб чиқиб яратилган яна бир мисол - PE-PA-DORAIBA - ペーパードライバ инглиз тилидаги “paper” - қоғоз, ҳамда “driver” – ҳайдовчи – икки тўлиқ инглизча сўзлар бирикувидан ҳосиб бўлиб,

“хайдовчилик гувоҳномасига эга, аммо машина бошқаришни билмайдиган одам” ларга нисбатан қўлланилувчи кинояли сўздир.

Шунга ўхшаш яна бошқа мисолларни жадвал кўринишида таҳлил қиламиз:

“Gairaigo” транскрипцияси ва японча кўриниши	Инглизчаси	Асл инглиз тилидаги варианти	Ўзбекчаси
BAKKUMIRA - バックミラー	Back mirror (орқа; ойна)	Rear view mirror	Машина орқа томонини кўрадиган
BAKKUNANBA - バックナンバー	Back number (орқа; рақам)	Back issue	(Журнал) олдинги нашр
BEDDOTAUN - ベッドタウン	Bed town (кровать; шаҳарча)	Bedroom suburbs	(Талабалар шаҳарчаси)
RABUHOTERU - ラブホテル	Love hotel (севги; меҳмонхона)	“mavjud emas” (hotel for couples)	Жуфтликлар учун махсус меҳмонхона
BIJINESUHOTERU ビジネスホテル	Business hotel (бизнес; меҳмонхона)	Budget hotel; no-frills hotel	Компания ишчилари учун меҳмонхона
KABINATENDANT O カビンアテン ダント	Cabin attendant (кабина, борт; ҳамроҳ, иштирокчи)	Flight attendant	Стюардесса, стюард (Самолётда хизмат қилувчилар)
CHERI-BOI	Cherry boy	“mavjud emas”	Бўйдоқ йигит

チェリーボーイ	(олча; йигит)	a male virgin	
CHIAGA-RU チアガール	Cheer girl (кувнок; қиз)	A female cheerleader	(ишда, хизматда) рухлантирувчи аёл ходим
NO-KURE-MUNO- RITA-N ノークレームノーリ ターン	No claim no return (Талаб йўқ, қайтариш йўқ)	Sold “as is”	Сотилган нарса қайтариб олинмайди
ENJINKII エンジンキー	Engine key (машина; калит)	Car key	Машина калити
ONRIWAN オンリーワン	Only one (фақат; бир)	One of a kind, unique	Ўзига хос, нодир
OPUNKA- オープンカー	Open car (очик; машина)	Convertible car	Тепа қисми очик машина

2.4.2. Қисқартирилган инглизча сўзлар комбинацияси

Инглизча сўзларни комбинацияга киритиш билан уларнинг ҳажми узайиб кетиши оқибатида сўзлардан бирини, ёки барчасини қисқартириб, кейин бириктириш усули ҳам япон тилида “gairaigo”ларнинг ўзига хос сўз ясалиш хусусиятидир. Япон тили она тили бўлмаганлар ва япон катта авлоди учун, икки тўлиқ сўзнинг бирикмасидан тахминий маъно англаш имконияти бўлса-да, қисқартирилган сўзлар комбинацион ясалиши сўзни тушуниш даражасини янада чегаралаб қўяди. ANISON アニソン сўзини ўқиш билан, бу аслида инглиз сўзларидан ясалган деган ҳақиқатга ишониш қийин албатта. Anime + song (аниме кўшиғи) сўзлари қисқартмаларидан ясалган бу сўз япон мултфилмларидаги (аниме) кўшиқлар учун қўлланилади. ANISON - Anime – инглизча “animated” – жонлантирилган, мултипликациялаштирилган сўзининг

япончалашган варианты, ҳамда “song” кўшиқ, ашула сўзларини бирикувидан ҳосил бўлган. Бу каби жуда кўплаб мисолларни ҳозирги кунга келиб япон лексикасида тез-тез кузатяпмиз.

Шундай мисоллардан баъзиларини таҳлил қиламиз.

Жуда ғализ ва тушуниш учун қийин бўлган “ихтиро қилинган ўзлашмалар” япон лексикасида талайгина. Уларни тушуниш учун ҳар бир тил ўрганувчиси алоҳида изланишига тўғри келмоқда. Шундай чалкашликлар келтириб чиқарувчи мисоллардан бири – ARUBI сўзи. Аслида икки сўзнинг бош ҳарфларининг японча талаффузга мослаштирган ҳолда, пайдо бўлган сўздир. (R (ar) ; V (bi))

ARUBI – 「アールビー」 – RV – инглизча **Recreational Vehicle** – барча қулайликларга эга /ҳожатхона, кроват/ саёҳат автобусига нисбатан қўлланилади. Яна шундай қизиқ ва чалкаш мисоллардан бири OB オウビー (oubii) ва OG オウジー (oujii)дир. OB – “old boy” - Оуби (oubii)/ OG – “old girl” Оужӣ (oujii) – сўзларининг бош ҳарфларигина олинган бўлиб, сўзма-сўз инглиз тилидан “қари йигит” ва “қари қиз” деб таржима қилинувчи мазкур бирикмалар “аввалги ишчи”, “аввалги кўшиқчи”, “собик талаба”, “собик спортчи” ва ҳ.з. маъноларни билдириб, аввал фаолият кўрсатган, айна дамда вазифада бўлмаган шахсларга (OB – эркакларга, OG – аёлларга) нисбатан қўлланилади.⁷⁶

MAZAKON マザコン инглиз тилидаги “mother” – она ва “complex” – ёқимсиз ҳиссиёт, безовталиқ сўзлари комбинациясидир. “Mother” сўзи тўлиқ, “complex” сўздан “com” қисми ўзлаштирилган. Бу сўз япон тилида “аёл характеридаги эркак” ларга нисбатан истехзо билан қўлланилади.

Даромадли, шароити ҳам яхши жойда ишловчи аёлларга нисбатан японлар OL オウエル сўзини кўп қўллайдилар. OL – “Office Lady” сўзининг бош ҳарфлари бирикуви.

O-TOBAI オートバイ – (мотоцикл) инглиз тилида мавжуд бўлмаган “auto bicycle” сўзининг қисқартмасидир. (auto – авто; bicycle – велосипед).

⁷⁶ www.abbreviations.com/gairaigo (Gairaigo)

Мазкур маънода инглиз тили луғатларидан “motorcycle” ва “motorbike” сўзларини топамиз.

ENSUTO エンスト инглизча “engine” – мотор, машина ва “stop” – тўхтамоқ сўзлари қисқартмали бирикмасининг инглизча асл варианты – “engine breakdown” бўлиб, “двигателнинг ишдан чиқиш” ҳолатига нисбатан қўлланилади.^{77/78}

Икки сўзни қисқартириб, яъни кесиб ўзаро бириктирилиши “аралаш сўзлар” деб ҳам аталади. Фикримиз ойдинроқ бўлиши учун мисол келтирсак: (аралаш сўзлар (ing.) «portmanteau words») BRUNCH - инглиз тилидаги кесилган, аралаш сўздир, яъни «brunch» (кечиккан нонушта) мазкур тилдаги «breakfast» (нонушта) ва «lunch» (тушлик) сўзларидан ҳосил қилинган бўлиб, икки сўзни қориштириб, бошқа бир янги сўз ясалганини англатади. Японча кўринишдаги инглизча қисқартирилган сўзлар бирикувида сўзнинг ўрта қисмидан синиши/кесилишини кузатамиз. Масалан: ара-teru アパーテル (apart[ment] hotel) - (уйли бино + меҳмонхона) = кўп қаватли меҳмонхона; ko-porasu コーポラス [in]corpora[ted] [hou]se) = корпоратив уй ва ҳ.з.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида кўриб чиқилган тўлиқ ёки қисқартмали инглизча сўзлар бирикувининг деярли ҳеч қайсиси инглиз тили лексикасида мавжуд эмас, у сўзлар фақатгина япон жамияти доирасидагина тушунарлидир.

Юқоридаги мисоллардан кўрилганидек, бу турдаги японча “gairaigo”ларни ўзлаштириш ҳақиқатда чалкашликларга ва қийинчиликларга олиб келади. Сабаби барча япон тили ўрганувчилари инглиз тилидан хабардор эмас, ёки хабардор бўлган тақдирда ҳам, бундай комбинацион сўзларни бир кўришда асл маъносини тушуна олиш амри маҳол. Албатта алоҳида махсус луғатлар орқали изланиш орқалигина сўзнинг моҳиятини тушуниш мумкин.

2.4.3. Гибрид бирикмалар

Бобимизнинг бу қисмида япон тилидаги сўз ўзлаштиришдаги ўзига хосликлардан бири - гибрид бирикмаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

⁷⁷ Yaponiya filmi. *Gokusen* (ごくせん) - starring Yukie Nakama, Oguri Shun, and Jun Matsumoto. 2002

⁷⁸ *Kimi wa Petto* (きみはペット) - starring Koyuki and Matsumoto Jun. 2003.

Гибрид сўзлар⁷⁹ инглизча сўзнинг японча морфемаси билан қоришиши орқали ясалган сўзлардир.

Кузатувлар натижасига кўра гибрид бирикмаларни қуйидагича таснифлашни жоиз деб топдик.

- a) [япон+инглиз] ёки [инглиз+ япон] шакли;
- b) [япон + хорижий сўз] ёки [хорижий сўз+ япон] шакли;
- c) [хорижий сўз+инглиз] ёки [инглиз+хорижий сўз] шакли.

*[Хорижий сўз] сирасига инглиз ва япон тилига хос бўлмаган ҳар қандай тилдан кирган ўзлашмани киритдик.

Энг кўп тарқалган гибрид бирикмалар японча ва инглизча сўзларнинг қоришуви йўли билан ҳосил бўлган

[инглиз+япон] шакли:

MORATORIAMUNINGEN – モラトリアム人間 “moratoriom” –
инглизча (ишдан тўхташ) ва ^{にんげん}人間 [ningen] – японча (инсоният, инсон)
сўзлар қоришмаси – “ўқимишли, аммо ишсиз одам”ларга нисбатан қўлланилади.

MAIKAAZOKU マイカー族 “My car 族” бирикмаси – сўзма-сўз “my car
(ing.) менинг машинам; “族” [zoku] (яп.) эга, соҳиб деган таржималарга эга
бўлиб, MAIKAAZOKU сўзи – Японияда “автомобиль эгаси” маъносида
қўлланилади.⁸⁰

[япон+инглиз]шакли:

HABURASHI 歯ブラシ тиш четкаси. 歯 [ha] (яп.) – тиш; ブラシ
[burashi] (ing.) brush – четка сўзи ўзлашмасидир.

SHOUENE 省エネ – энергияни тежамоқ. 省 [shou] (яп.) сақламоқ,
тежамоқ; エネ [ene] – (ing.) energy /энергия/ сўзининг қисқартмаси.

IKEMEN –いけメン – (イケメン) - いけ [ike] (яп.) иккер [ikeru] –
фешлининг қисқартмаси; メン – (ing.) men – эркаклар сўзлари бирикмаси япон

⁷⁹ 混種語: <http://ja.wikipedia.org/wiki/> (ウィキペディア)

⁸⁰ Ootsubo H. “katakana”, hiragana. In S. Oono & T. Shibata (Eds.), Moji [Characters], Iwanami Kouza Nihongo 8. - Tokyo: Iwanami Shoten, 1977. – P.249-299.

тилида [ikemen] – келишган йигит/еркак, замонавий йигит/еркак маъноларида қўлланилади.

DENSHIRENJI 電子レンジ. Япония янги техникага японча ном беришда япон тили анъаналарига ҳам риоя қилиб, японча ва инглизча сўзлар аралашмасини пайдо қилганлар. 電子 – [denshi] (яп). электроник; レンジ [renji] – (ing.) плита маънолари билан, 電子レンジ [denshirenji] – микротўлқинли печ маъносида хизмат қилади.

NATSUMERO 懐メロ – японча 懐かしい [natsukashii] (соғинмоқ, қўмсамоқ) сифатидан 懐 [natsu] қисми ва инглизча “melody” – (музыка) сўзидан ‘melo’ қисми олиниб, 懐メロ - носталгик музыка деб таржима қилинади.

[япон + хорижий сўз] шакли:

/япон+голланд/: WAGOMU 輪ゴム - 輪 [wa] – (яп.) доира ва GOMU – (голланд) – “gom” – резинка сўзлари бирикмаси бўлиб, “думалоқ резинка” (резинка боғич) маъносида қўлланилади.

[хорижий сўз+ япон] шакли:

/франсуз+япон/: SABORU サボる –иш/дарсга бормаслик, иш/дарс қолдирмоқ маъноларида қўлланувчи мазкур гибрид бирикма аслида франсузча sabo(tage) сўзидан “sabo” қисми олиниб, унга японча феъл аффикси る [ru] қўшилган.

/португал+япон/: SHABONDAMA シャボン玉 – sabão (port.) – sovun + 玉 (ingl.) шарик бўлиб, “совун кўпиги/шариги” (soap bubble) маъносидадир.

[инглиз + хорижий сўз] шакли:

/инглиз+немис/: MUNUSARUTO – ムーサルと “moon” – инглизча (ой) ва “salto” – немисча сўзлар қоришмаси – “профессионал кураш ҳийлалари, манёврлари” ёки “артистик гимнастика манёврлари” маъноларида япон аҳолиси томонидан қўлланилади.

[хорижий сўз+ инглиз] шакли:

/португал+инглиз/ RASHAMEN – “Японияда яшайдиган хорижлик” маъносини берувчи бу гибрид бирикманинг ўз тарихи бор. “Раха” – португалча “қўй териси” ва “man” – инглизча “киши, одам” деб таржима қилинувчи сўзлар иштирокидаги бирикма таҳлилида қўй териси билан хорижликнинг қандай алоқаси борлигини ўрганиш қизик албатта. Авваллари, Японияга кўчиб келаётган хорижликларнинг (айниқса, португаллар) уй ҳайвонлари, жумладан ит, қўй ва ҳ.з.ларга қизиқиши, ва ҳаттоки итлари билан бирга ухлашлари япон аҳолисида “ит билан яқинлик қилади” деган шубҳа уйғотиб, португалияликларга нисбатан “rashamen” – “қўй териси одами” – деб лақаб қўйганлар. Бу ерда “қўй териси” эвфемизм сўз бўлиб, маъжозий маънода, ҳамма уй ҳайвонлари маъносини англаган. Rashamen – “қўй териси одами” – “ҳайвон билан яқинлик қилувчи” одам маъносида лақаб сифатида қўлланилган. Ҳозирги кунда луғатлардан “Япониядаги хорижлик” таржимасини топамиз.

Муаммо шундаки, бирлашган икки инглизча сўз япон тилида маънога эга, аммо ҳудди ўша сўзни кўп ҳолларда инглиз тили луғатларидан топа олмаймиз. Чунки, бутунлай мавжуд бўлмаган, қўлланилмайдиган сўз комбинациясини ҳосил қилиб, алоқа истеммолига кириши бир томондан япон тилининг сўз бойлигини оширса, иккинчи томондан инглиз тилини ўрганишда қийинчиликлар туғдириши аниқ. Чунки япон халқи бу комбинацион йўл билан ҳосил бўлган “gairaigo”ни инглиз тилидан кирган деб ўйлаб, инглиз тили ўрганиш ёки суҳбат жараёнида айнан ўша “gairaigo”ларнинг инглизча талаффузида қўллаб, суҳбат ғализлигига, нутқнинг тушунарсиз бўлишига олиб келиши мумкин.

2.5. Синтактик мослашув усули

Синтактик мослашув усули ҳолатларида инглизча сўз ва японча кўмакчи феъл ёки инглизча сўзнинг ўзига япон тилидаги феълларга хос япон ўлган – る [ru], -う [u] қўшимчаларини қўшиш, инглизча сўз ва япон тилида сифатларга хос бўлган –な [na], -い [i] қўшимчаларини қўшиш, шунингдек инглизча от +

японча する [suru] (қилмоқ) ёрдамчи феълининг бирикуви ва бошқа ҳолатлар келтирилади.

Инглиз тилидан япон тили луғатига кирган ўзлашма сўзлар тилнинг синтактик тузилиши билан мослашиши лозим. Япон тилининг грамматик хусусиятлари ўзлашма сўзлар билан осонгина адаптацияга киришаётганлигини манбалар орқали аниқлаш мумкин. Япон тили грамматикасида от сўз туркумига кирувчи ўзлашма сўзлар тилга ҳеч қандай синтактик ўзгаришларсиз тўғридан-тўғри кириб келган. Жинс. ҳодиса ёки рақамлардаги ўзгаришларни билдирадига таснифлар ёки суффикслар мавжуд эмас. Шунингдек, номинал ўзлашма сўзлар осонгина япон оғзаки тил граматикасига мослаша олади. Аммо, ўзлашма сўзлар япон тилидаги умумий феъл ясовчи кўрсаткич “suru” (to do) орқали қулай ҳолда феъл сўзларга айлантирилади. Масалан: shawaa suru (take a shower – душ қабул қилмоқ), shoppingu suru (go shopping - харид қилмоқ), kuria suru (clear or complete - оидинлаштирмоқ), shea suru (share – улашмоқ). Сифат ясовчи “na”, “i” ва равиш ясовчи “ni” қўшимчалари ҳам инглиз ўзлашмалари билан ассимиляцияга киришади⁸¹.

Феъл ясах: (инглизча сўз + る [-ru], う [u] қўшимчалари билан)

DEMORU 「^{de mo ru}デモる」 (demo[nstration]+る) – “to demonstrate” – кўрсатмоқ,

намойиш қилмоқ

SAIKURU 「サイクル」 (cycle+ru) - “to cycle”

DABURU 「ダブる」 (double) – “to repeat” – такрорланмоқ, қайтарилмоқ

kare wa daigakuichinen o dabu tta

彼は大学一年をダブった – У биринчи курсда икки марта ўқиди. (He

repeated the first course at the University)

TORABURU 「トラブる」 (trouble) “to encounter or experience trouble, to break down or not function as expected” – муаммога йўлиқмоқ, кутилгандек натижага эришмаслик.

⁸¹ Rosenhouse J. and Kowner R. Globally Speaking: Motives for Adopting English Vocabulary in Other Languages. - Clevedon: Multilingual Matters, 2008

KOPIRU 「コピーる」 (copy-る) – “to copy” – нусха кўчирмоқ, андоза олмоқ.
SHAWARU 「シャワる」 (shower-る) – “take a shower”- душ қабул қилмоқ.
ZERORU 「ゼロる」 (zero-る) – “to be zero” – нолга айланмоқ.
DEKORU 「デコる」 (decoration+る)- “to decorate” – безатмоқ, ясатмоқ.
TERORU 「テロる」 (terror+る) – “to terrorize” – террорчилик қилмоқ.
HAMORU 「ハモる」 (harmony-る) – “to harmonize” – мослаштирмоқ.
MEMORU 「メモる」 (memo-る) – “to take a note” – белгиламоқ, қайд

қилиб кўймоқ.

AJIRU 「アジる」 (agitation+る) – “to agitate” – ташвиқот юргизмоқ, агитатсия қилмоқ.

a j i r u y o i n a e n z e t s u
アジるような演説 – Provocative speech – ташвиқот нутқи.

Сифат ясаш: オバーな англизча “over” сўзига японча сифат кўшимчаси —на кўшилиб, равишдан сифат ясалиш билан бирга, англизча сўзга японча грамматик элемент кўшилиши орқали синтактик мослашув усули юзага келган. Мисол: オバーな言い方 – オバー [ОВА-] англизча равиш “over” (finished) – “тугаш, ўтиб кетган гап, тугаган масала”. Шунга ўхшаш сифат кўшимчаси орқали синтактик мослашув йўли билан ясалган сўзларни кўпгина мисоллар гувоҳи бўлдиқ.

リッチな [RICHCHINA] “rich” (бой, бадавлат) + сиф. яс. афф. [-na]

タフな [TAFUNA] “tough” (қаттик) + с. афф.

ハードな [HA-DONA] “hard” (оғир, қаттик) + с. афф.

トレンヂな [TORENDINA] “trendy” (кенг тарқалган, модадаги) + с. афф.

Равиш ясаш: Инглиз ўзлашмалари японча равиш кўшимчаси に [-ni] кўшилиши орқали осонгина равишга айлана олади.

タフに [TAFUNI] - tough + равиш яс.қ. [ni] – қаттик тарзда

ハードに [HA-DONI] – hard + равиш яс.қ. [ni] – оғир тарзда.

Суффикслар ва морфемалар қўшиш орқали ўзлашма сўзлар бора-бора япон тили синтактик структураси билан ассимиляцияга киришиши мумкин.⁸²

2-боб бўйича хулоса

Япон тилида инглиз тили ўзлашмаларининг таркибий таҳлили, сўз ясалиш ҳодисалари хулосаси сифатида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Таркибий таҳлил жиҳатидан япон тилида кундалик ҳаётга оид инглиз тилидан ўзлашган сўзларни жамиятнинг турли хил соҳаларида учратишимиз мумкин. Шулардан, энг кўп учрайдиган ўзлашмалар шаҳарларда яшовчиларнинг оғзаки нутқида кузатилади. Чунки, шаҳарда яшовчи аҳолининг кўпчилиги икки тилде бемалол сўзлашувчилардир (япон тили+инглиз тили). Улар инглиз сўзларни суҳбат давомида ҳеч қандай тўсиқларсиз осонгина япон тили нутқларида ишлатадилар. Уларнинг сўзлашиш нутқи давомида оддий, ясама, мураккаб ҳатто инглиз гапларини ҳам кузатиш мумкин. Лекин, ушбу ўзлашган сўзлар барчаси японча талаффуз қилинади. Биз япон тилига инглиз тилидан ўзлашган ўзлашма сўзларни морфологик жиҳатдан сўз ясалиш усулларини ўрганар эканмиз, асосан беш хил усулни учратдик: Аффиксация усули, аралаш усули, калькалаш усули, комбинация усули, синтактик мослашув усули.

Юқорида келтирилган сўз ясалиш усуллари япон тили сўз ясалишида ҳам характерлидир. Шунинг учун ҳам чет тиллардаги формантларни олиб японча сўзга қўшадилар.

Сўз ясалиши натижасида янги пайдо бўлган сўзлар этимологик бир хил эмас. Бу каби сўзлар чатишма сўз деб аталади. Келтирилган мисоллар кўпинча япон сўзлашув тилида учрайди. Улардан баъзиларини ёзма кўринишда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, оммавий ахборот воситалари, рекламалар ва эълонлар фикримизга мисол бўлади.

Кўрсатилган турлар ичида акронимлар кўплаб учратилади. Чунки бизга маълумки, япон тилида узун сўзлар ишлатилиш хусусияти жиҳатидан мос эмас.

⁸² Rosenhouse J. and Kowner R. Globally Speaking: Motives for Adopting English Vocabulary in Other Languages. - Clevedon: Multilingual Matters, 2008

Аммо, япон тили ўз лексикасида ҳам эквиваленти мавжуд бўлишига қарамай, “замонавийлик” белгисини рўқач қилиб ўзлаштирилаётган “gairaigo”ни чегаралаш чоралари япон тилининг ўзига хослиги, миллий кайфияти, тил маданиятини сақланиб қолиши учун муҳимдир.

III БОБ. ЯПОН ТИЛИДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Япон тилига ўзлашган ўзлашма сўзлар семантик жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилиш масалалари япон тили лексикасида, япон тилшунослигининг семантика ва стилистика соҳаларида ўрганилиши зарур бўлган долзарб масаладир. Чунки, япон тилига асрлар давомида ўзлаштирилган хорижий сўзлар, айниқса сўнгги йилларда ҳаддан ташқари катта кўламда “оқиб келаётган” инглизча сўзлар “япончалашар” экан, нафақат шаклий ёки талаффуз жиҳатдан ўзгаришларга, “японча янгича кўриниш ихтиролари”га учрайди, балки кўп ҳолларда маъно майдони ҳам ўзгариши: кенгайиши, торайиши ёки бутунлай ўз маъносидан четлашиб ўзлашиш ҳолатларини кузатамиз. Бу жараёнлардан хабардор бўлиш муҳим бўлиб, япон тили ўрганувчилари ўзлашма

сўз маъносини тушунишда англашилмовчиликларга дуч келишлари табиий ва кузатиб келинаётган ҳолатдир.

Семантика юнонча: *σῆμαντικός* *sēmantikós*, "мазмунли, маъноли, муҳим" сўзидан олинган бўлиб, маъноларни ўрганувчи соҳадир. Лингвистик семантика нутқда қўлланган маъноларни ўрганади.⁸³

Япон тили тилшунослигида ўзлашмаларнинг семантик жиҳатдан ўзгаришларга учраши ҳақида олимларнинг тадқиқот ишларини учратдик. Жумладан, Хонна (1995)⁸⁴ ўзлашма сўзларни семантик жиҳатдан 7 та категорияга бўлиб таснифлайди: семантик торайиш ва семантик шифт; япончалашган инглизча жумлалар; аббревиациялар; акронимлар; қўшма аббревиациялар; инглизча ва японча аралаш сўзлар ва сўз ўйини.

Ishiwata⁸⁵ нинг илмий мақоласида ўзлашма сўзлар қабул қилиниши орқали янги маъно, янги ғоя ифодаланиши; эски ўзлашма, эски сўзларнинг ўрнига янгича сўзларнинг қўлланиши; эфвемизмлар ифодаланишидаги семантик масалалар ёритилади.

Kimie Oshimанинг фикрича, бугунгача қилинган тадқиқотлар семантик ўзгаришлар ҳақида умумий маълумотларни келтирган холос. Kimie Oshima "Gairaigo" нинг япон тилига зарарли томонлари нуқтаи назаридан ўрганилган ва исботланган тадқиқотлар ҳамон етишмаслигини таъкидлайди.⁸⁶

Daulton⁸⁷нинг фикрига кўра, япон ўзлашмаларида 3 та семантик ўзгариш бўлиб, улар семантик шифт, семантик торайиш ва кенгайишдир.

Кау G.нинг ёзишича, ўзлашма сўзларнинг маъноси баъзида японлар томонидан тўлиқ тушунилмайди ва буни муҳим деб ўйламайдилар ҳам, чунки

⁸³ <http://en.wikipedia.org/wiki/Semantics> (Semantics)

⁸⁴ Honna Nobuyuki. English in Japanese Society: Language within language // Journal of Multilingual and Multicultural Development. – UK, 1995.- №16 (1). –P. 45-61.

Evfemizm (yun. *Euphemismos*- eu-yaxshi+phemi-gapiraman) *qo'pol, dag'al, beadab so'z va iboralar o'rniga muloyim, yoqimli, shirin so'zlar ishlarilish usuli*

⁸⁵ Ishiwata Toshio. Nihongo no ndka no Gaikokugo. – Tokyo: Iwanami Shoten, 1985.

⁸⁶ Oshima Kimie. Semantic and Structural Shift Patterns of Gairaigo in Japan. – Tokyo: International Christian University, 2002.

⁸⁷ Daulton F.E. Japan's Built-in Lexicon of English-based Loanwords. - UK: "Multilingual Matters Ltd", 2007. – p. 9-11, 13, 15-22.

оригинал маънони сақлаб қолиш учун ҳеч қандай туртки бўлувчи куч ҳам йўқ. Бу сабаблар ўзлашма сўзларнинг семантик ўзгаришларига олиб келади.⁸⁸

“Gairaigo”нинг семантик ва структур ўзгаришлари масалалари охириги 50 йил ичида махсус соҳалар, жумладан, иқтисодиёт, маданият ва спорт соҳалари доирасида таҳлил қилинган.

Япон тили лексикасидаги семантик бўшлиқларни тўлдириш мақсадида инглиз тилидаги сўзлардан фойдаланилган. Инглиз тилидаги сўзлар қабул қилинаётганда, ўзлашма сўзларнинг маънолари семантик ўзгаришга мажбур бўлади, кичик ўзгартирилишдан то инглиз тилидаги маъносини бутунлай ўзга маного томон яқинлаштирилади. Баъзи япон тилидаги ўзлашма сўзлар инглиз тилидаги асл маъносига қиёсланилганда маъновий сўзлари торайиши ёки кенгайиши ҳам кўп кузатилади.

Ўзлашмаларнинг семантик ўзгаришларига カニング kanningu (cunning (айёр) – cheating (алдаш, шпаргалка) , フレッシュマン furesshuman (freshman (ўқишга, ишга янги чиққан одам – new employer - янги ишчи) , マンション (mansion –катта уй – western-style apartment or condo - европача русумдаги уй) , スナック snakku (snack - енгил таом – small drinking establishment - кичик ичимлик жойи) , スマート смаато smaato (smart – ақлли, зукко – slender or sleek - озғин) , シャープペン shaapu pen (sharp pen - ўткир ручка – mechanical pencil - механик ручка) ва タレント (talent – истеъдод) каби сўзларни мисол қилиш мумкин.

Японлар кўпгина ибораларни ҳам инглиз тилидан бор ҳолича ўзлаштириб қўллайдилар. 空気が読めない KUUKIGA YOMENAI – cannot pick up atmosphere (ҳавони ўқий олмаслик, об-ҳавони билмаслик) – тушунмаслик, хабардор бўлмаслик маъноларида қўлланилади. Ёки, аксинча, асли японча бўлган ибораларни кўр-кўрона инглизча таржима қилиб қўллаш ҳам модадаги урфлардандир. Масалан, японча 箱いる娘 HAKO IRU MUSUME – (кути

⁸⁸ Kay G. English loanwords in Japanese. – Toyoma: Toyama Medical and Pharmaceutical University, “World Englishes”, 1995.- p.72.

ичидаги қиз) иборасининг маъноси “еҳтиётлаб парваришланган қиз” бўлиб, ибора инглиз тилига ボックスガールボックスガール BOKKUSU GARU (box girl) деб таржима қилинган. Иборага биринчи марта гувоҳ бўлаётган ўқувчи маънони англамай қолиши мутлақо табиийдир. Инглиз тилидан таъсирланиб, лексиканинг янада ранг-баранг бўлиши истагида ўзлашмаларнинг фонетика, морфологиясини ўзгартириш билан бирга, семантикасига ҳам ўзгаришлар киритаётгани учун ҳам кўпгина тилшунослар ўзлашма сўзларни “ўзлашма сўз” эмас, “япончалашган инглиз тили” деб ўрганишни маъқул кўрадилар.

Тадқиқотнинг ушбу бобида “япончалашган” сўз ва бирикмаларда учраган қуйидаги семантик ўзгариш ҳодисалари масалаларини ўрганишни вазифа қилиб олдик:

- ✓ Семантик кенгайиш;
- ✓ Семантик торайиш;
- ✓ Семантик шифт;
- ✓ Семантик амелиорация;
- ✓ Семантик пеёративлик (pejoration);
- ✓ Семантик маъно кўчиш ҳодисалари.

Сўзларни семантик ўзгаришига кўра таснифлаш тартиби William O'Grady; John Archibald; Mark Aronoff; Janie Rees-Millerning ‘Contemporary Linguistics’⁸⁹ (Замонавий лингвистика) китобидаги “**Semantic change**” (Семантик ўзгаришлар) номли мақолага асосланди.

3.1. Семантик кенгайиш

Семантик кенгайиш сўзнинг тарихдан мавжуд бўлган ёки оригинал маъноси сақланиб, янада кўпроқ маъноларда қўлланилишига айтилади. Инглиз тилидан мисол келтирсак, ўрта асрлар инглиз тилида “кичик қушча” – *bridde* деб номланган. Йиллар оша, бора-бора, бу сўз “*bird*” га ўзгариб, ҳозирда умумий ҳамма қушларга нисбат беради.

⁸⁹ William O'Grady; John Archibald; Mark Aronoff; Janie Rees-Miller. Contemporary Linguistics. – London: Macmillan Education, 2010.

Японияда хорижий сўзлар ўзлаштирилиб, ўз маъносини сақлаган ҳолда, маъно кенгайишлари жонли нутқда акс этган, ҳамда ОАВ манбаларини ўрганиб чиқиш натижасида қуйидаги мисолларда кузатилди:

Trump – инглизча сўз инглиз тилида “қарта ўйинидаги кўзир”⁹⁰ маъносида қўлланилади. Япон тилига ўзлашган “trump” TORANPU トランプ “қарта” маъносида қўлланилади.

トランプさえあれば、自分で占うことができますよ。誰にも知られたくないようなことも、こっそりと占えます♪⁹¹

[*Toranpu sae areba, jibun de uranau koto ga dekiru ndesu yo. Darenimo shira retakunai yōna koto mo, kossori to uranaemasu.*]

(Қарта ингиз бўлса, ўзингиз ҳам фол оча оласиз. Ҳеч кимга билдиришни хоҳламаган нарсаларни ҳам сирли аниқлай оласиз.)

Мазкур жумладан ҳам аниқлаш мумкинки, trump (қарта кўзири) сўзи япон тилида (қарта) семантик кенгайиш ҳодисасига учраган.

Инглиз тилида “*jinx*” сўзи “бахтсизлик, мусибат” маъноларида қўлланилади. Япон тилига JINKUSU ジンクス кўринишида ўзлашган “*jinx*” – “яхшилиқ ва ёмонликни башорат қилувчи ирим-сиримлар” маъносини англатади. Кўриниб турибдики, инглиз тилида фақат салбий маънони билдирган сўз, япон тилида ҳам салбий, ҳам ижобийликдан дарак берувчи ирим-сиримлар маъносига ўзгариб, семантик кенгайиш ҳолатини юзага келтирган.

日本茶を煎れた時に、茶柱が立っていると 幸運! 古くから日本にある ジンクス です。⁹²

[*Nihon cha o ireta toki ni, chabashira ga tatte iruto kōun! Furuku kara Nihon ni aru jinkusudesu.*]

(Японларда чой қуйганингизда, чой шамаси туриб қолса, бу **яхшилиқдан** даракдир. Бу қадим қадимдан Японияда мавжуд **иримдир**.)

⁹⁰ <http://www.uzbek-dictionary.com/>

⁹¹ <http://www.experttrumps.com/divination/>

⁹² <http://matome.naver.jp/odai/2135393627916144101> (まとめ)

生活の上での習慣やジンクスはもとより、恋愛でのジンクスはかなり痛いしキツイ⁹³

[*Seikatsu no ue de no shūkan ya jinkusu wa motoyori, ren'ai de no jinkusu wa kanari itaishi kitsui.*]

(Кундалик ҳаётимиздаги иримлар шубҳасиз оғриқли, лекин севгидаги иримлар унданда ёмон оғриқлидир.)

Бу ерда *jinx* JINKUSU ジンクス нинг салбий маъноси қўлланилган.

Семантик кенгайиш ҳолатига мисоллардан бири инглиз тилидаги “ехтиёжлар” маъносини билдирувчи “needs” сўзи япон тилига NIIZU ニーズズ кўринишида ўзлашиб, “ехтиёжлар ва талаб” маъносида хизмат қилади.

お客様のニーズに 100фоиз 答える良質な記事の作り方.⁹⁴

[*Okyakusan no nīzu ni 100-pāsen to kotaeru ryōshitsuna kiji no tsukurikata*]

(Аудиториянинг талабларига 100фоиз жавоб берадиган мақола ёзиш усули.)

Мазкур жумлада “needs” [niizu] ニーズ сўзи “талаб” маъносида қўлланилган.

Инглиз тилидаги “homepage” (сайтнинг бош саҳифаси) сўзи ҳам япон тилига семантик кенгайиш йўли билан ўзлашган бўлиб, HOOMUPPEEJI ホームページ – “сайтнинг бош саҳифаси” маъносидан ташқари, “вебсайт” ва “интернет” маъноларида ҳам қўлланилиши кузатилади деб ёзади Марк Ирвин ўзининг “Loanwords in Japanese”⁹⁵ (“Япон тилида ўзлашмалар”) китобида япон тилида бу каби семантик кенгайиш ҳолатлари у қадар кўп бўлмаса-да, япон талабалари ҳамда япон тилини ўрганаётган хорижликлар учун семантик кенгайишга учраган сўзларнинг японча ва инглизча маъноларини эслатган ҳолда таълим бериш мақсадга мувофиқдир.

3.2. Семантик торайиш

⁹³ <http://www.excite.co.jp/News/> (News Japan)

⁹⁴ <http://ilovex-mt5.xsrv.jp/> (ジンクス)

⁹⁵ Mark Irwin. Loanwords in Japanese. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamin Publishing Company, 2011.

Семантик торайиш кенгроқ маънода қўлланган сўзнинг тарихий ёки оригинал маъносидан узоқлашиб, фақат бир маъноси сақланиб қолишига айтилади. Масалан, ўрта инглиз тилида “meat” сўзи – “овқат, таом” маъносини билдирган бўлса, бугунги кунда овқатларнинг бир тури “гўшт” маъносида қўлланилади. Япон тилида ўзлашма сўзларда семантик торайиш семантик кенгайишдан кўра кўпроқ учрайдиган ҳодисадир. Масалан, инглиз тилидаги “машина, механизм” маъноларини англатувчи “machine” сўзи япон тилига ‘MISHIN’ ミシン тарзида ўзлашиб, семантик торайган ҳолда, фақат *тикув машинаси*га нисбатан қўлланилади.

ミシンのかんたん大人服⁹⁶

[*Mishin no kantan otona-fuku*]

(**Тикув машинаси**да осон тикиладиган катталар кийими.)

KANNINGU カンニング инглиз тилида “айёр, маккор” маъносини билдирувчи мазкур сўз, ўз маъносидан анча узоқлашиб, япон тилида имтиҳонда “шпаргалка” ишлатиш маъносидагина келади.

早稲田大学、立教大学には合格していたが、いずれも、カンニングの事実が確認されたとして、合格が取り消された。⁹⁷

[*Wasedaigaku, Rikkyōdaigaku ni wa gōkaku shite itaga, izure mo, kan'ningu no jijitsu ga kakunin sareta to shite, gōkaku ga torikesa reta.*]

(Васеда Университети ва Риккёу Университетига муваффақиятли кирган талабаларнинг *шпаргалка* ишлатганликлари аниқланиб, уларнинг кириш имтиҳони натижалари бекор қилинди.)

Ўзлашмаларда семантик торайиш ҳолатига қатор мисолларни келтириш мумкин. Балиқ тури “tuna” (туна) япон тилига ツナ TSUNA шаклида ўзлашиб, фақат консерваланган туна балиқни номлаш учун хизмат қилади. Умумий

⁹⁶ ww.amazon.co.jp/ロックミシンのかんたん大人服

⁹⁷ “大学入試、カンニング厳戒 携帯振動音で即失格も 不審行為に警告書、会場内の巡回増”. *日本経済新聞*(日本経済新聞社). (2012年1月12日) 2015年3月12日閲覧。

маънода “туна балиғи” – японча - 鮪 ‘maguro’ деб аталади. Бунга сабаб, “консерваланган туна” XX аср бошида биринчи марта ишлаб чиқарилган бўлиб, Японияга нотаниш таом сифатида АҚШдан кириб келган. Бу таомни инглизча номи билан атаб, семантик торайишни вужудга келтирганлар.

ツナは、日本ではマグロの油漬け缶詰について言うことが多い。⁹⁸

[Tsuna wa, Nihonde wa maguro no abura-dzuke kandzume ni tsuite iu koto ga ōi.]

(Туна – кўпинча Японияда ёғда маринадланган, консерваланган туна балиққа нисбатан қўлланилади.)

Маълумки, Япония халқи ҳам гуручсевар халқ. Ўзининг соф япон тилисида гуруч маъносини англатувчи 米 “kome” (хом гуруч) ва 御飯 “gohan” (пишган гуруч) каби сўзлар бўлишига қарамасдан, инглизча “rice” (гуруч) сўзини (RAISU ライス) ҳам ўзлаштирганлар. Японлар ライス “raisu” сўзини асосан, японча маданиятдан узоқда бўлган, Европага хос таомлар олдида гарнир сифатида тарелкада тортиладиган, таёқчалар билан эмас, балки қошиқ ёки вилка билан ейладиган гуручга нисбатан қўлланилади. Кўриб турибмизки, япон лексикасидан “rice” – “гуруч” сўзи жуда ҳам тор маъно билан жой олган.

カレー ライスを食べる時、スプーンをコップの水に付けてから食べる人が多い。⁹⁹

[Karē raisu o taberu toki, supūn o koppu no mizu ni tsukete kara taberu hitoga ōi]

(Kare raisu (гуручли каре)ни еяётганда кўп одамлар қошиғини идишдаги сувга ботириб олиб ейдилар.)

Шунингдек, Шарқий Осиё вакиллариغا бегона бўлган минтақа - Европадан кириб келган урф, европача таомлар ва жиҳозларни ўз инглизча номи билан қўллаш орқали ҳам сўзлар семантик торайиш ҳодисасида учрайди.

⁹⁸ <http://ja.wikipedia.org/wiki/ツナ>

⁹⁹ <http://detail.chiebukuro.yahoo.co.jp> (解決済みの Q&A)

Масалан, テーブル 'TEBURU' - “стол” сўзи фақатгина европача кўринишдаги столга нисбатан қўлланилади. Японча миллий тилида “стол” -机 TSUKUE деб ифодаланади.

Европага хос бўлган ҳолат, жой ва нарсалар учунгина ўзлашма сўз қўллаш ҳам семантик торайишга олиб келиб, япон луғатини бойитиш билан бирга, ўрганувчилар учун англашилмовчиликлар ҳам туғдириши мумкин.

Шундай мисоллардан, RESUTORAN レストラン - “restaurant” (ресторан) Ғарб усулидаги ошхона; KAPPU -カップ- “cup” (чашка) ғарбга хос идиш; GURASU - グラス - “glass” (стакан); JUUSU - ジュース - “fruit juice” (мева шарбати) кабилар маълумотимизнинг яққол исботидир.

Япон тилида “олма” меваси соф японча りんご 'RINGO' деб номланса-да, олма пирогои ғарбдан кирган таом бўлгани учун, уни アップルパイ APPURUPAI (“Apple pie”) деб номлайдилар.

アップルパイのレシピや作り方をご紹介します。¹⁰⁰

[*Appurupai no reshipi ya tsukurikata o go shōkai*]

(Олма пирогининг рецепти ва тайёрланиши ҳақида маълумот берамиз.)

Ўзлашмаларнинг семантик торайиш ҳодисасига учраб япончалашишига мисоллар талайгина бўлиб, билингвизм (япон ва инглиз тили) учун ҳар иккала тилдаги асл маъносини билиш аҳамиятлидир.

3.3. Семантик шифт

Семантик шифтда сўз ўзининг асл маъносини йўқотиб, янги маъно касб этади. Баъзи ҳолларда янги маъно аввалги маъно билан алоқадорликка эга бўлиши ҳам мумкин. Бу жараён йиллар ўтиши билан, ёки бир тилидан бошқа тилга сўз ўзлашиши билан юз беради. Масалан, жуда ҳам яқин-яқингача инглизча “gay” сўзи – “хурсанд, хушчакчак” маъноларида қўлланилиб келарди. Бу сўз дунёда бесоқолбозлик иллоти ёйилиши оқибатида, ҳозирги кунда мазкур

¹⁰⁰ <http://recipe.rakuten.co.jp/category> (楽天)

сўз “бесоқолбоз, ўз жинсига мойил” маъноларини англлатмоқда. Кўриняптики, сўз аввалги маъносини умуман сақламаган.¹⁰¹

Япон тилида *семантик шифт* ўзлашмаларнинг тўлиқ ўзлашишидан ташқари, сўзларни қисқартириш, ёки маъноли қисмини тушириб қолдириш натижасида ҳам юзага келади. Масалан, инглиз тилидан “*department store*” (савдо растаси; универмаг) сўзи япон тилига “store” сўзи тушириб қолдирилиб, “department” сўзининг бир қисми сақланиб, *デパート* DEPAATO тарзида ўзлашган. Ваҳоланки, инглиз тилида “*department*” ва ‘*depart*’ сўзлари мутлақо алоҳида, бошқа сўздир. “*Department*” – “бўлим” маъносини билдирса, “*depart*” – “жўнамоқ”, “тарк этмоқ” маъноларини англатади. Япон тилида “савдо растаси” маъносида қўлланилган “depart” сўзи ўз маъносида эмас, балки “department” сўзининг бир қисми шаклида қўлланилиб, семантик шифт вужудга келган.

この10年ほど、デパートでほとんど買い物をしなくなりました。スーパーや通販の方が安いし、便利だからです。¹⁰²

[*Kono juu nen hodo, depāto de hotondo kaimono o shinaku narimashita. Sūpā ya tsūhan no kata ga yasuiishi, benri dakara desu.*]

(Супермаркет ва почта буюртмаси арзонроқ ва қулайроқ бўлгани учун охириги 10 йиллар ичида универмаг (mall)ларда харид сони камайиб кетди.)

Яна қизиқ мисоллардан, PEERAADORAIBAA - *ペーパードライバー* икки хил сўзнинг ўзлашмаси билан семантик шифт ҳодисасини кўрамыз. Инглиз тилидаги “paper” (қоғоз) ва “driver” (хайдовчи) сўзлари бирикмаси бўлган “paper-driver” қўшма сўзи инглиз тилида мавжуд эмас, “қоғоз” ва “хайдовчи” сўзларининг бирикмаси япон тилида “хайдовчилик гувоҳномаси бўлса ҳам, машина ҳайдай олмайдиған” кишиларга киноя тарзида ишлатилувчи бирикмадир.

¹⁰¹ William O'Grady; John Archibald; Mark Aronoff; Janie Rees-Miller. Contemporary Linguistics. – London: Macmillian Education, 2010.

¹⁰² <http://okwave.jp/ka/k1512737.html> (*デパート*)

ペーパードライバー (paper driver) とは、自動車運転免許証を取得し、現に有効な免許を保有しているものの、普段運転することがない者や、運転する機会がない者をいう。略してペードラとも言う。¹⁰³

[*Pēpādoraibā (paper driver) to wa, jidōsha unten menkyoshō o shutoku shi, gen'ni yūkōna menkyo o hoyū shite iru mono no, fudan unten suru koto ga nai mono ya, unten suru kikai ga nai mono o iu. Ryaku shite pēdora-tomo iu.*]

(*Peipadoraiba* (paper driver – қоғоз ҳайдовчи) – автомобилни бошқариш гувоҳномасига олган, аслида эса ҳақиқий гувоҳномага эга бўлса-да, ҳеч ҳам машина бошқармаган, ёки, машина ҳайдаш имконияти йўқ одамлардир. Қисқартирилиб, “peedora” деб ҳам юритилади.)

Японияда ишга жойлаштириш хизмати агентлиги ハローワーク HAROWAKU “*Hello work*” деб номланиб, инглиз тилидаги “Hello” ва “Work” сўзлари ўзлашмалари бирикмасидир. Сўзма-сўз таржима қилинганда “Салом, иш!” маъносини берувчи бу бирикма сўзларни семантик шифт ҳодисасига учратиб, япон тилида “ишга жойлаштириш хизмати” маъносига ўзгарган.

Инглиз тилида “*velociped*” маъносини берувчи “**bike**” сўзи япон тилида маъносидан узоқлашиб, BAIKU バイク шаклида “*мотосикл*”га нисбатан ишлатилади. Велосипеднинг японча номланиши эса 自転車 “*jitensha*”дир.

Инглиз тилидаги “олд томон” маъносидаги “*front*” сўзи FURONTO フロント шаклида япон тилида “*қабулхона столи*” маъносида қўлланилиб, кескин семантик шифтни кузатиш мумкин. Сабаби, аслида “front desk” (қабулхона столи) бўлган мазкур сўз япончалашган ўзлашмаларга хос ва кенг тарқалган хусусият асносида қисқаришга учраб, “*furonto*” (front) деб юритилиб келинади.

「ホテルのフロントで働くためには」に関するアルバイト・バイト求人情報¹⁰⁴ (эълондан)

[*Hoteru no furonto de hataraku tame ni wa' ni kansuru arubaito baito kyūjin jōhō*]

¹⁰³ <http://ja.wikipedia.org/wiki> (ペーパードライバー)

¹⁰⁴ <http://townwork.net/> (フロント)

(Меҳмонхона қабул бўлимида ишлаш учун нотўлиқ иш кунлик вакация ҳақида хабар.)

Баъзи мисолларни жадвалда кўриб чиқамиз:

Инглизча варианты	Японча кўриниши	Япончадаги маъноси
Seal (муҳр)	シール [SHIIRU]	Стикер, муҳр
Pot (идиш, гулдон)	ポット [POTTO]	Термос
Green car (зшил машина)	グリーンカー [GURIINKAA]	Биринчи класс поезд вағони
Morning service (эрталабки хизмат)	モーニング [MOONINGU]	Ерталабки нонушта (меҳмонхона)
Silver seat (кумуш жой)	シルバーシート [SHIRUBAASHITO]	Кексалар ёки ногиронлар ўтирадиган жой
My pace (at one's own pace) – (ўзича, ўзига хос)	マイペース [MAIPEESU]	Ўзича, ҳеч ким билан маслаҳатлашмайдиган
Smart (ақлли, замонавий, зиёли)	スマート [SUMAATO]	Озғин

Семантик шифтга мисол бўладиган ўзлашма сўзлар (асосан қисқартирилиш натижасида семантик шифтни юзага келтирган) япон лексикасида энг кенг тарқалган ҳолатдир.

3.4. Семантик амелиорация

Семантик амелиорацияда сўзлар асл маъносининг ижобийлашиши ҳолати кузатилади. Масалан, ўрта аср инглиз тилига хос “pretty”

「プレッティー」 сўзи – “айёр, маккор” маъноларида ишлатилиб, бугунги кунга келиб, семантик амелиорация ҳодисаси юз бериб, “ёқимтой, мафтункор” маъносида қўлланилади. Бу каби мисолларни япон тилидаги ўзлашмаларда унча кўп бўлмаса-да, лекин фаол қўлланиладиган сўзларда гувоҳ бўламиз.

Масалан, англиз тилидаги “moody” сўзи “ёмон кайфиятда, ғамгин, хафа” маъноларига эга бўлиб, япон тилида бу маъно бутунлай ўзгариб, ижобийлашган. Япон тилидаги ムーディー MUUDII (moody) сўзи “романтик” маъносида қўлланилади.

日本人女性オーナーのムーディーな日本食レストラン¹⁰⁵

[*Nipponjinjosei ōnā no **mūdīna** nipponshoku resutoran*]

(Япониялик аёл эгалик қилувчи японча **романтик** ресторан)

.....店内は、薄暗くムーディーな雰囲気、1人でも楽しめる。¹⁰⁶

[.....*ten'nai wa, usuguraku **mūdīna** fun'iki de, hitori demo tanoshimeru.*]

(Интерер қоронғироқ **романтик** атмосферада бўлиб, бир ўзингиз борсангиз ҳам завқ оласиз.)

(If someone is **moody**, they are often unfriendly because they feel angry or unhappy¹⁰⁷ – агар кимдир **кайфиятсиз** бўлса, жаҳли чиқаётгани ёки ҳафа бўлаётгани учун қўпол бўлиб қолади)

Кўриб турганимиздек, мазкур жумлаларда англиз тилидаги салбийлик тушунчаси япон тилида ўзлашиб, бутунлай ижобий маънони ўзида акс эттирган. Шунга ўхшаш мисоллардан яна бири, англизча “yell” сўзининг ўзлашмасидир. “Yell” англиз тилидаги маъноси “додламоқ, аюҳаннос солмоқ, оғриқдан қичқирмоқ” бўлса, япон тилида EERU エール (yell) – (командани) “қўллаб-қувватлаш учун қичқирмоқ, муҳлислик қилиб қичқирмоқ” маъноларида қўлланилиб, салбий маъно ижобийликка ўзгариб, семантик амелиорация вужудга келган.

ファンたちが皆でエールしました。¹⁰⁸

[*Fantachiga minnade **eeru** shimashita.*]

(Муҳлислар бараварига **қўллаб-қувватлаб қичқирдилар.**)

¹⁰⁵ <http://www.tripadvisor.jp/> (世界中の旅行者が撮影した写真)

¹⁰⁶ <http://r.gnavi.co.jp/area/aream2192/21359399/tvnews/> (ムーディー)

¹⁰⁷ Cambridge Advanced Learner's dictionary.- Cambridge: Cambridge University Press, 2008.

¹⁰⁸ onefootball.wiki.fc2.com (football news)

Naive инглиз тилида “соцца, гўл, лақма” маъноларида қўлланилиб, япон тилида *NAIBU* ナイーブ “таъсирчан” маъноси билан семантик ижобийлашувни (амелиорацияни) юзага келтирган.

ナイーブな人が多いから！いつも前置き適当過ぎです¹⁰⁹

[Naibun hitogaōi kara! Itsumo maeoki tekitō sugidesu.]

Таъсирчан одамлар кўплиги туфайли доим тушунтиришларда жавобгарлик ҳис қилинмайди.

Бу каби мисоллар жуда кўп учрамасада, ҳар бирининг инглиз ва япон тилларидаги маъноларини мисоллар орқали алоҳида тушунтиришлар билан ўргатиш япон тили ва японларга инглиз тили ўқитувчиларидан талаб этиладиган вазифалардан биридир.

3.5. Семантик пеёративлик (салбийлашув)

Семантик пеёративлик (pejoration) ёки «маъно салбийлашуви» сўзнинг оригинал ёки аввалги ижобий ёки нейтрал маъноси турли сабаблар билан салбийлашувини англатади. Масалан, инглиз тилидаги “silly” сўзи инглиз тилида “хурсанд, бахтли” маъносини билдириб, ҳозирги кунда луғатлардан “аҳмоқ, тентак” (foolish) маъносини топамиз. Шу каби мисолларни япон тилига кириб келган инглизча ўзлашмаларда ҳам учратамиз.

Масалан, *コミッション* KOMISHSHON инглиз тилидаги “commission” - “комиссия воситачилик ҳақи” маъносида қўлланилиб, япон тилига ўзлашиб, “комиссия воситачилик ҳақи” маъносидан ташқари “пора” маъносида ёки киноя билан салбий маънода ҳам қўлланилишининг гувоҳи бўламиз.

まあ、そんなこんなバリですが、コミッション、賄賂、寄付、これらのことを除けば、バリはわれわれ外国人にとっては住みやすいところです。

110

¹⁰⁹ <http://whatimi.blog135.fc2.com/blog-entry-360.html> (ナイーブ)

¹¹⁰ http://informationcenter-apa.com/gt_komisi.html (コミッション)

[*Mā, son'na kon'na no Baridesuga, komisshōn, wairo, kifu, korera no koto o nozokeba, Bari wa wareware gaikokujin ni totte wa sumi yasui tokorodesu.*]

(Баҳоси қандай бўлса ҳам, КОМИССИЯ ҲАКИ, пора, эҳсонларни ҳисобга олинмаса, биз хорижликлар учун яшашга арзон жойдир.)

クレームをつけて店員さんを泣かせてしまい ^{もうせい}, 猛省しています。

[*Kurēmu o tsukete ten'in-san o nakasete shimai mōsei shite imasu*]

(Эътироз билдириб, (шикоят қилиб) сотувчини йиғлатишгача олиб бориб, энди пушаймон еб, ачиниб ўтирибман.)

“Claim” инглиз тилидан таржима қилинганда “даъво, талаб, тасдиқ” маъноларини бериб, япон тилига ўзлашганда KUREEMU クレーム кўпроқ салбий маънодаги “даво; эътироз, шикоят” маъноларида қўлланилиб, семантик пеёративлик юзага келади.

Семантик пеёративлик япон тилидаги ўзлашмаларда жуда камдан-кам учраса-да, уларни таҳлил қилиб ўрганиш аҳамиятлидир.

3-боб бўйича хулоса

Мазкур бобда япон тилига ўзлашган ўзлашма сўзларнинг (gairaigo) семантик таҳлили 5 та категорияга бўлиб ўрганилди. Семантик кенгайиш, семантик торайиш, семантик шифт, семантик амелиорация ҳамда семантик пеёративлик – субкатегориялари William O'Grady; John Archibald; Mark Aronoff; Janie Rees-Miller qalamiga mansub “Contemporary Linguistics”¹¹¹ (Замонавий лингвистика) китобидаги “Semantic change” (Семантик ўзгаришлар) мақоласидаги назарий фактларга асосланди. “gairaigo”да семантик ўзгаришларни таҳлил қилишимиз жараёнида, жонли нутқ, ОАВ ва адабий, назарий фактлар, мисоллар кузатувлари натижасида аниқландики, япон тилидаги инглизча ўзлашмаларда семантик шифт жуда кенг тарқалган бўлиб, миқдор жиҳатдан ҳам энг юқори ўринни эгаллади. 300 дан ортиқ семантик шифтга тўғри келадиган мисоллар карточкага олинди. Бу семантик ўзгариш

¹¹¹ William O'Grady; John Archibald; Mark Aronoff; Janie Rees-Miller. Contemporary Linguistics. – London: Macmillan Education, 2010.

асосан инглизча узунроқ сўзларни қисқартириш, инглизча сўзлар иштирок этса-да, инглиз тилида мавжуд бўлмаган сўз бирикмаларини японча кайфиятда яратиш эвазига вужудга келади. Иккинчи ўринда семантик торайиш бўлиб, 287 та мисолларни карточкага олдик. Инглизча ўзлашма сўзларнинг семантик торайишининг асосий сабаби Япония халқи Европадан кириб келган нарсаларни ўз номи билан қўллашидир. Кириб келган хорижий сўз фақат европача усулдаги нарсалар учунгина хизмат қилиб, қўлланиш имкониятлари чекланиб, семантик тораяди. Масалан, “rice” (гуруч) RAISU сўзи ҳеч қачон соф японча овқатлар, ёки гуруч даласи доирасида қўлланилмайди, балки, европача таомлар олдидан тортилган гуручгагина нисбатан қўлланилади. Маҳсулдорлиги жиҳатидан учунчи ўринни семантик кенгайиш эгаллади. Бу ҳодисага биз манбаларни текшириш мобайнида кўпроқ спорт сўзлари, жой номлари ва иқтисодиётга оид сўзларда учрадик. Энг кам учраган семантик ўзгаришлар қаторини семантик амелиорация ёки семантик ижобийлашув, шунингдек? унинг акси, семантик пеёративлик, ёхуд семантик салбийлашув ўрин эгаллади.

Жамиятда тил муаммоларидан бири шуки, японияликлар ҳамма “gairaigo” японлар томонидан қўлланаётган маъноси билан инглиз тилидан кириб келган деб билладилар. Масалан, “one piece” сўз бирикмаси инглиз тилида “бир бўлак” маъносини берса, япон тилида WANPIISU – “қизлар кўйлаги”ни кўз олдимизга келтиради. Инглиз тилида “one piece”нинг “кўйлак” маъноси йўқ. Бу муаммо бора-бора инглиз тили билимларига жиддий путур етказиши кундан-кунга очиқ-ойдинлашиб бораётган манзарадир.¹¹²

Шу кунгача, ўзлашмаларнинг семантик таҳлили асосан ОАВ манбалари таҳлилига (газета, журналлар, ТВ дастурларга) таяниб келган. Кенг қўламда семантик жиҳатдан ўрганиш ҳали амалга оширилмаган, тадқиқот қилиниши зарур бўлган масалалардан биридир. Кундалик ҳаётга оид, тез-тез қўлланиладиган сўзлар доирасида шу кунгача кузатишларимиз жараёнида мукамал тадқиқот учратмадик.

¹¹² Premvadee Na Nakornpanom. Japanese English in Travel Brochures. – Tokyo, 2014.

ХУЛОСА

“Япон тилида чет тиллардан ўзлашган кундалик ҳаётга оид сўзларнинг қўлланилиши” мавзусидаги тадқиқотимизда режада кўрсатилган масалаларни ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келинди.

Ҳозирги кунда Япония жамиятида ўзлашма сўзлар ўта долзарб масаладир. Кўплаб япон тилшунослари, мазкур масала бўйича бир нечта тадқиқотлар ўтказган бўлишларига қарамай, бу мавзу ҳамон ечим ва чоралари топилиш ўрнига, кундан кунга ўзлашма сўзлар сони ўсиб бормоқда. Тилшунослар томонидан амалга оширилган изланишлар ўрганилиб чиқилар экан, тадқиқотчиларнинг барчаси мазкур масалага долзарб муаммо сифатида қараб, “gairaigo”нинг ўсиш суръатлари, мослашиш жараёнлари ва аҳолига бўлган таъсири, ҳамда аҳолининг “gairaigo”га бўлган муносабатларини кўриб чиқиб, ўз статистик хулосалари, вазиятдан келиб чиқиб билдирган фикрларини келтирганлар.

XVI асрлардан бошлаб, Европа давлатларининг Японияга савдо-сотик, ҳамда миссионерлик мақсадларида ташриф буюриши оқибатида европача сўзлар ҳам япон тилида япончалашиб ўзлаша бошлаб (португал, голланд, немис,

франсуз тиллари), охириги юз йил ичида англиз тилини тез суръатлар билан ўзлашиш жараёнлари кўриб чиқилди.

Япон тилига ўзлашма сўзларнинг қуйидаги икки гуруҳ сабаблари аниқланди: тилга таълуқли ва тилга таълуқли бўлмаган яъни, лингвистик ва экстралингвистик сабаблар. Биринчи гуруҳга ўз даврида япон тилида мавжуд бўлган лексик етишмовчилик ва семантик бўшлиқни мисол келтиришимиз мумкин.

Иккинчи гуруҳга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- II жаҳон урушидан сўнг япон халқининг америкача ҳаётга тақлид қилиши ва интилиши;
- ғарб тиллари – ривожланиш ва модернизация рамзи сифатида қаралганлиги;
- хорижий сўзларни қўллаш куч қудрат, обрў, нуфуз, бойлик, замонавийлик рамзлари бўлиб, ўзлашма сўзлар оммавий ахборот воситалари, тижорат рекламалари, брендлар ва ёшлар нутқида кишини жалб қилувчи восита сифатида қаралиб, “мода” тусига кирганлиги;
- европа давлатларининг Японияга савдо сотиқ, ҳамда миссионерлик мақсадларда ташриф буюриши оқибатида европача сўзлар ҳам япон тилида япончалашиб ўзлаша бошлаши.

Интернет сайтларидаги япон лексикаграфик ишларини тахлил қилиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Нашр этилган йили қанчалик олдинги бўлса, ўзлашмалар сони шунчалик кам бўлиб, йиллар ўтиши мобайнида лексикаграфик луғатларда чет тилларидан кириб келган ўзлашмалар сони ҳам ошиб борганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, 1859 йилда чоп этилган япон тилидаги лексикографик ишларда 551 та “gairaigo” мавжуд бўлган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 52,500 тани ташкил этган. Бу каби рақамла тахлили шини кўрсатдики, 1859 йилдан 2000 йилгача “gairaigo”нинг ўсиш сурати 95.2 фоизни кўрсатди. Бу каби тез суръатларда “gairaigo”нинг ўсиши нафақат япон тилшуносларини балки япон тилида сўзлашувчилар ўртасида, шунингдек оммавий ахборот воситаси вакиллари томонидан ҳам долзарб масала сифатида

кўтарилди ва улар ҳам “gairaigo”га бўлган ўз муносабатларини ифодалай бошлашди. Япониядаги ўқув йилларим мобайнида, япон талабалари ўртасида “gairaigo”га таълуқли анкета ўтқазиб қуйидагиларни аниқладим. Ҳозирги кунда университет талабалари ўртасида “gairaigo”нинг ишлатилиши қулай ва ёшлар ичида оммалашган деган хулосага келинди. Аммо масаланинг иккинчи тарафи ёши катталар ичида ҳозирги кунда чет тилидан ўзлашган сўзларнинг маъносига тушунмай қийналаётган вакиллар борлигини ҳам унутмаслик керак. Ўзлашмаларнинг ниҳоятда кўплиги ва тартибсиз ўзлаштирилиши натижасида кекса ёшлилар ва ёшлар ўртасида тил тушунишда тўсиқ ҳосил бўлмоқда.

Таркибий таҳлил жиҳатидан япон тилида кундалик ҳаётга оид инглиз тилидан ўзлашган сўзларни жамиятнинг турли хил соҳаларида учратишимиз мумкин. Шулардан, энг кўп учрайдиган ўзлашмалар шаҳарларда яшовчиларнинг оғзаки нутқида кузатилади. Чунки, шаҳарда яшовчи аҳолининг кўпчилиги икки тилда бемалол сўзлашувчилардир (япон тили+инглиз тили). Улар инглиз сўзларни суҳбат давомида ҳеч қандай тўсиқларсиз осонгина япон тили нутқларида ишлатадилар. Уларнинг сўзлашиш нутқи давомида оддий, ясама, мураккаб ҳатто инглиз гапларини ҳам кузатиш мумкин. Лекин, ушбу ўзлашган сўзларнинг барчаси японча талаффуз қилинади.

Биз япон тилига инглиз тилидан ўзлашган ўзлашма сўзларни морфологик жиҳатдан сўз ясалиш усулларини ўрганар эканмиз, асосан беш хил усулни учратдик: Аффиксация усули, аралаш усули, калькалаш усули, комбинация усули, синтактик мослашув усули.

Юқорида келтирилган сўз ясалиш усуллари япон тили сўз ясалишида ҳам характерлидир. Шунинг учун ҳам чет тиллардаги формант (префикс, суффикс)ларни олиб японча сўзга қўшадилар.

Япон тилига ўзлашган ўзлашма сўзлар (gairaigo)ни семантик таҳлил қилишда 5 та категория борлиги аниқланди. Семантик кенгайиш, семантик торайиш, семантик шифт, семантик амелиорация, ҳамда семантик пеёративлик – субкатегориялари William O'Grady; John Archibald; Mark Aronoff; Janie Rees-

Miller қаламига мансуб *Contemporary Linguistics*¹¹³ (Замонавий лингвистика) китобидаги *Semantic change* (Семантик ўзгаришлар) мақоласидаги назарий фактларга асосланди. “*Gairaigo*”да семантик ўзгаришларни таҳлил қилишимиз жараёнида, жонли нутқ, ОАВ ва адабий, назарий фактлар, мисоллар кузатувлари натижасида аниқландики, япон тилидаги инглизча ўзлашмаларда семантик шифт жуда кенг тарқалган бўлиб, миқдор жиҳатдан ҳам энг юқори ўринни эгаллади. Бу семантик ўзгариш асосан инглизча узунроқ сўзларни қисқартириш, инглизча сўзлар иштирок этса-да, инглиз тилида мавжуд бўлмаган сўз бирикмаларини японча кайфиятда яратиш эвазига вужудга келади. Иккинчи ўринда семантик торайиш бўлиб, инглизча ўзлашма сўзларнинг семантик торайишининг асосий сабаби Япония халқи Европадан кириб келган нарсаларни ўз номи билан қўллашидир. Кириб келган хорижий сўз фақат европача усулдаги нарсалар учунгина хизмат қилиб, қўлланиш имкониятлари чекланиб, семантик тораяди. (Мисол тариқасида *rice* (гуруч) *RAISU* сўзи ҳеч қачон соф японча овқатлар, ёки гуруч даласи доирасида қўлланилмайди, балки, европача таомлар олдидан тортилган гуручгагина нисбатан қўлланилади.) Маҳсулдорлиги жиҳатидан учунчи ўринни семантик кенгайиш эгаллади. Бу ҳодисага биз манбаларни текшириш мобайнида кўпроқ спорт сўзлари, жой номлари ва иқтисодиётга оид сўзларда учради. Энг кам учраган семантик ўзгаришлар қаторини семантик амелиорация ёки семантик ижобийлашув, шунингдек унинг акси, семантик пеёративлик, ёхуд семантик салбийлашув ўрин эгаллади.

Жамиятда тил муаммоларидан бири шуки, японияликлар ҳамма “*gairaigo*” японлар томонидан қўлланаётган маъноси билан инглиз тилидан кириб келган деб биладилар. Маслан, “*one piece*” сўзи инглиз тилида “бир бўлак” маъносини берса, япон тилида *WANPIISU* – “қизлар кўйлаги”ни кўз олдимизга келтиради. Инглиз тилида “*one piece*”нинг “кўйлак” маъноси йўқ. Бу

¹¹³ William O'Grady, John Archibald, Mark Aronoff, Janie Rees-Miller. *Contemporary Linguistics. An Introduction*, 5th edition, Chapter 7: *Semantic change*. - England, London: Macmillian Education, 2010.

муаммо бора-бора англиз тили билимларига жиддий путур етказиши кундан кунга очик ойдинлашиб бораётган манзарадир.¹¹⁴

Шу кунгача, ўзлашмалар семантик таҳлили асосан ОАВ манбалари таҳлилига (газета, журналлар, ТВ дастурларга) таяниб келган. Кенг кўламда семантик жиҳатдан ўрганиш ҳали амалга оширилмаган, тадқиқот қилиниши зарур бўлган масалалардан биридир. Кундалик ҳаётга оид, тез-тез қўлланиладиган сўзлар доирасида шу кунгача кузатишларимиз жараёнида мукамал тадқиқот учратмадик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Магистратура тўғрисида”ги 9(665) - сон Низоми. 2015 йил 2-март (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

¹¹⁴ Premvadee Na Nakornpanom. Japanese English in Travel Brochures. – Tokyo, 2014.

2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch - T.: "Ma'naviyat", 2008. 176 bet.

III. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилида:

3. Rahmatullayev Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent: "Universitet", 2006. – 59 b.
4. O'zbek tili leksikologiyasi. - Toshkent.: "Fan", 1981. – 208 b.

Рус тилида:

5. Алпатов В. М. Япония: Язык и общество. - М.: «Муравей», 1988. - 225стр.
6. Поливанов Е.Д. Психофонетические наблюдения над японскими диалектами. - Пг., 1917. – 19 стр.
7. Конрад К.И. Синтаксис японского национального литературного языка. - М., 1937. – 375 стр.
8. Неверов С.В. Общественно-языковая практика современной Японии. - М., 1982. – 178 стр.
9. Алпатов В.М. Англоязычные заимствование в японском языке и американизация и японской массовой культуры // Япония: Культура и Общество в эпоху НТР. - М., 1985. – 225 стр.
10. Арешидзе Л.Г., Алпатов В.М. Гайрайго в современном японском языке // лексичечкие заимствования в языках современного Востока. - М., 1991. – 45 стр.
11. Осипова Л.И. Активные процессы в современном русском словообразовании: Суффиксальная универбация, усечение: докт. филол.наук. дисс. автореф.- М., 1999. – 45 стр.
12. Неверов С. В. Вопросы построения информационных текстов вещания на японском языке // Тезисы докладов пятой научной конференции по японской филологии ИСАА при МГУ. - М., 1975. – 340 стр.

Инглиз тилида:

13. Ando K. "katakana" eigo to eigo kyouiku ["katakana" English and English Education]. - Nagoya: "Nagoya keizai daigaku jinbunkagaku ronshu 60", 1997.- 18 p.

14. Daulton F.E. Japan's Built-in Lexicon of English-based Loanwords. - UK: "Multilingual Matters Ltd", 2007. – 32p.
15. Kay G.S. English loanwords in Japanese. - Toyoma: Toyama Medical and Pharmacrurgical University, "World Englishes", 1995.- 110 p.
16. Kay G.S. Gairaigo. In The Oxford Companion to the English Language. - New York: "Oxford University Press.", 1992. – 450 p.
17. Takashi K.A. sociolinguistic analysis of English borrowings in Japanese advertising texts. - Toyoma: "World Englishes", 1990. – 378 p.
18. Tanaka K., Tanaka S. A survey of Japanese sources on the use of English in Japan. - Toyoma: "World Englishes", 1995.- 230 p.
19. Oshima Kimie. Semantic and Structural Shift Patterns of Gairaigo in Japan. - Tokyo: International Christian University, 2002. - 15 p.
20. Takako Tomoda. Defining the concept of loanword in Japanese: Results from a survey of 860 respondents. - Tokyo: "Monash university linguistics papers.". 2000. – 27 p.
21. Margaret Pine Otake. Gairaigo- Remodelling language to fit Japanese. Tokyo: Department of International Language and Culture, - 2008. - 17 p.
22. Tanaka K., Tanaka S. A survey of Japanese sources on the use of English in Japan. - Toyoma: "World Englishes", 1995. – 179 p.
23. Neumann William. America Encounters Japan: From Perryto MacArthur. - Baltimore: "John Hopkins University press", 1963. – 122 p.
24. Oono S. Nihongo no seiritsu [The development of Japanese]. Nihongo no sekai 1 [Within the realm of Japanese 1]. - Tokyo: Chuo Koronsha, 1980. - 230 p.
25. Ootsubo H. "katakana", hiragana. In S. Oono & T. Shibata (Eds.), Moji [Characters], Iwanami Kouza Nihongo 8. - Tokyo: Iwanami Shoten, 1977. – 310 p.
26. Graddol D. The future of English?. - London: The British Council, 1997. – 52 p.
27. Loveday L. Language Contact in Japan. - New York: Oxford University Press, 1996. – 225 p.

28. Yano Y. World Englishes in 2000 and beyond. - Tokyo: World Englishes, 2001. – 256 p.
29. Mark Irwin. Loanwords in Japanese. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamin Publishing Company, 2011. – 276 p.
30. Hashimoto R. English Loanword Interference for Japanese Students of English. - Mankato: Mankato State University, 1992. – 189 p.
31. Kess J.F., Miyamoto T. The Japanese mental lexicon: Psycholinguistic studies of kana and kanji processing. - Philadelphia; Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 1999. – 265 p.
32. Yamamoto M. Japanese attitudes towards bilingualism: A survey and its implications. In M. G. Noguchi & S. Fotos (Eds.), Studies in Japanese bilingualism. Clevedon; Buffalo; Toronto; Sydney: Multilingual Matters LTD, 2001. –130 p.
33. Masayoshi Shibatani, The languages of Japan. - UK: Cambridge University Press, 1990. – 202 p.
34. Bauer Hernández Approaches to Conversion / Zero-Derivation. - New York: Waxmann Münster, 2005. – 171 p.
35. William O'Grady, John Archibald, Mark Aronoff, Janie Rees-Miller. Contemporary Linguistics. An Introduction, 5th edition. - England, London: Macmillian Education, 2010. – 165 p.
36. Odlin Terence. Language Transfer: Cross-linguistic Influence in Language Learning. - Cambridge: Cambridge University press, 1989. – 267 p.
37. Crystal D. The Penguin Dictionary of Language. - London: Penguin Books, 1999. – 206 p.
38. Rosenhouse J. and Kowner R. Globally Speaking: Motives for Adopting English Vocabulary in Other Languages. - Clevedon: Multilingual Matters, 2008. – 195 p.
39. Ishiwata Toshio. Nihongo no ndka no Gaikokugo. - Tokyo: Iwanami Shoten, 1985. – 233 p.
40. Matsuda Y. Cross-over languages: Japanese and English // Kwansei Gakuin University Annual Studies. - Hyogo, 1985. – 96 ctp.

41. Gordilovskaya A. A study of loan color terms collocation in modern Japanese // In Proceedings of the Thirty Fourth Annual Conference of the Cognitive Science Society. 2012. – 145стр.
42. Yuko Igarashi, The Changing Role of “katakana” in the Japanese Writing System: Processing and Pedagogical Dimensions for Native Speakers and Foreign Learners: Doctor Of Philosophy in the Department of Linguistics. Dissertation. - Canada, 2007. – 296 стр.
43. Tanaka H., Konishi K. “katakana” hyouki tango no shori-katei [Semantic processing of “katakana” words: Effects of script frequencies] // Shinkei Shinrigaku [Japanese Journal of Neuropsychology]. - Tokyo, 1998. – №6(4), 180 стр.
44. Tamaoka K., Hatsuzuka M., Kess J.F., Bogdan, D.R. Hiragana tai “katakana”: Goi oyobi gijigo no syori niokeru hyouki no shinkinsei kouka [The script familiarity effect on the processing of Japanese words and pseudo-words] // Dokusyo Kagaku, - - Tokyo, 1998, № 42(1).– 88 p.
45. Shibasaki H., Tamaoka K., Takatori Y. To what extent do Americans understand Japanized English loanwords?: Investigating knowledge and inference of loanword meanings //Nihongo Kagaku [Japanese Linguistics]. - Tokyo. 2002. – 303 p.
46. MacGregor L. The Language of shop signs in Tokyo // English Today. - Tokyo, 2003. - №19(1). – 178 p.
47. Tsubone Y., Suzuki S., Sakamoto F., Kamiya M. Gakushuusha kara mita koukatekina goi no shidouhou/gakushuuhou: Ankeeto kekka yori [Effective ways for teaching and learning vocabulary from the foreign student’s viewpoint:Results of a questionnaire]. // Koide Kinen Nihongo Kyouiku Kenkyuukai Ronbunshuu [Papers of the Japanese Language Teaching Association in Honor of Professor Fumiko Koide]. - Tokyo, 2001.- 230 p.
48. Tsubaki N. Gairai-nijuugo ni tsuite [A note on doublets of borrowing words] // Onseigakkai Kaihou [Bulletin of the Phonetic Society of Japan]. - Tokyo, 1987. - №184. – 149 p.
49. Inoue T., Kess J.F., & Miyamoto T. Second language learners’ acquisition of “katakana” borrowings in Japanese: Help or hindrance? In the Committee for

Publishing the Festschrift for Dr. Takashi Yoshida (Ed.) // Aspects of psycholinguistics, second language acquisition, and language education, Fukushima University. – Fukushima, 2001. – 139 p.

50. Tamura. Eigo kyouiku to “katakana” eigo: “katakana” eigo wo eigo kyouiku ni ikasu to iukoto [English education and “katakana” English: To utilize “katakana” English in English education] // The Economic Journal of Takasaki City University of Economics. - Tokyo, 1987. -№ 30(1, 2). – 375 p.

51. Stanlaw J. "For Beautiful Human Life": the Use of English in Japan. // Re-Made in Japan. Everyday Life and Consumer Taste in a Changing Society. - London, 1992. - 90 p.

52. Yashiro Kyoko. Japan's Returnees. // Multilingual Japan. - Clevedon-Philadelphia-Adelaide, 1995. – 166 p.

53. Benua Laura. Identity Effects in Morphological Truncation, in J.N. Beckman, L. Walsh Dickey, S. Urbanczyk (eds.) // Papers in Optimality Theory. University of Massachusetts. - Amherst, 1995. – 378 p.

54. Quirk Randolph. Language varieties and standard language // English Today. - New York, 1990. - № 21(1). – 65 p.

55. Gairaigo to Gendaishakai (trans. Gairaigo and Modern Society.) - Tokyo: Kokuritsu Kokugo Kenkyuujo, 2006. – 88 p.

Япон тилида:

56. 陣内正敬『時事外来語で日本理解 大学からの超級カタカナ語』 関西学院大学出版会, 2010年. 307頁.

57. 平井美津子「和製英語の形態論」, 2003年. 255頁.

58. 利香蘭「日本語における外来語のアクセントの拍数別特徴」, 1992年. 161頁.

IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар

Ўзбек тилида:

59. “Япония ва Ўзбекистон маданиятини қиёсий ўрганиш: интеллектуал ва моддий бойликларни излаб топиш имкониятлари” мавзuidaги халқаро илмий анжуман. - Тошкент: “ТДШИ”, 2014. - 238 б.

Рус тилида:

60. Неверов С.В. Вопросы построения информационных текстов вещания на японском языке // Тезисы докладов пятой научной конференции по японской филологии ИСАА при МГУ. - М., 1975.

Инглиз тилида:

61. Daulton F.E. The creation and comprehension of English loanwords in the Japanese media. // Journal of Multilingual and Multicultural Developments. - UK, 2004. - № 25(5). – 348 p.

62. Daulton F.E. The comprehension of English loanwords in the Japanese media. // Journal of Multilingual and Multicultural Development. UK, 2004. - № 25(5). – 323 p.

63. Yamazaki T. Lack of awareness by Japanese university students of the inferences of Japanese English // Journal of the Faculty of Education. - Nagano, Shinshu University. –1997. - № 90.– 220 p.

64. Yamazaki T. Semantic recognition of loan words by Japanese university students // Journal of the Faculty of Education. Shinshu University. - Nagano, 1998. - № 93. – 121 p.

65. Honna Nobuyuki. English in Japanese Society: Language within language // Journal of Multilingual and Multicultural Development. UK, 1995.- №16 (1). – 143 p.

66. Tomoda Takako. The impact of loanwords on modern Japanese // Japanese Forum. - Tokyo. 1999. - № -11(1). – 290 p.

67. Ben Olah. English Loanwords in Japanese: Effects, Attitudes and Usage as a Means of Improving Spoken English Ability // Journal of Bunkyo Gakuin University Anthropology. - Tokyo. 2007. - № - 9(1). – 215 p.

68. Besner D., Hildebrandt N. Orthographic and phonological codes in the oral reading of Japanese kana // Journal of Experimental Psychology: Learning, Memory, and Cognition. - London. 1987. - №13(2). – 387 p.

69. Loveday L. Japanese sociolinguistics: An introductory survey. *Journal of Pragmatics*, 10. 1986. - 392 p.

Япон тилида:

70. Tanaka H., & Konishi K. Katakana hyouki tango no shori-katei [Semantic processing of “katakana” words: Effects of script frequencies]. *Shinkei Shinrigaku* [Japanese Journal of Neuropsychology]. №6(4),1998.

VI. Луғатлар

Ўзбек тилида:

71. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (иккинчи жилд) 2-ж. – Тошкент-2006. 672 б.

Рус тилида:

72. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1966. – 608 стр.

Инглиз тилида:

73. Daulton F.E. Loanword cognates and the acquisition of English vocabulary. *The Language Teacher*. 1998. - №20(1). – 111 p.

74. Crystal D. *The Penguin Dictionary of Language*. England: “Penguin Books”, 1999. – 206 p.

75. Rosenhouse J. and Kowner R. *Globally Speaking: Motives for Adopting English Vocabulary in Other Languages*. Clevedon: “Multilingual Matters”, 2008. – 195 p.

76. Calque, *The American Heritage Dictionary of the English Language: Fourth Edition*. 2000. - 1219p.

77. *Cambridge Advanced Learner’s dictionary*. Third edition. 2008. – 1699 p.

78. "Shortenings". *Oxford Dictionaries Online*. Oxford: “Oxford University Press”, Retrieved 23 November 2010

79. Yokoi Tadao. *Gairaigono Goten*.(Noto’g’ri gairaigo lug’ati). – Tokyo: Jiyukokuminsha, 1981.231p.

Япон тилида:

80. Yokoi Tadao. *Gairaigono Goten*. Tokyo: “Jiyukokuminsha”, 1981.

81. Ishiwata T. *Nihongo no ndka no Gaikokugo*. Iwanami Shoten 1985.

82. Konsaisu Gairaigo Jiten. (trans. Concise Gairaigo jiten), Tokyo. 1997.
83. Gairaigo to Gendaishakai (trans. Gairaigo and Modern Society.) Tokyo. Kokuritsu Kokugo Kenkyuujo, 2006.

VII. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

Gazetalar:

84. The New York Times: Feb. 21, 1995
85. Asahi Shimbun, March 2, 1995
86. Asahi Shimbun, March 7, 2000
87. Oshima Kimie. The movement of gairaigo usage: The case of the Asahi newspaper from 1952 to 1997. Tokyo: Bunkyo Gakuin Daigaku Gaikokugo Gakubu. 2004. – 145 p.

Tv dastur:

88. NHK Television «Nyuusuno mado». Changes in the Conditions of Part-timeworkers.

Yaponiya filmlari:

89. *Gokusen* (ごくせん) - starring Yukie Nakama, Oguri Shun, and Jun Matsumoto. 2002
90. *Kimi wa Petto* (きみはペット) - starring Koyuki and Matsumoto Jun. 2003.
91. Densha Otoko. (電車男) 2005.

VIII. Интернет сайтлари

92. <https://www.youtube.com/watch?v=4FS35R3UBeY> - *Gokusen* (ごくせん)
93. https://www.youtube.com/watch?v=y-5aTWk3_SQ - Densha Otoko. (電車男)
94. <http://www.dissercat.com/content/aktivnye-protsessy-v-ovremennom-russkom-slovoobrazovanii-suffiksalnaya-univerbatsiya-useche#ixzz3XuHJPnc> –
(Диссертациялар ва авторефератларнинг илмий кутубхонаси)
95. onlinechat.co.in/japanese-online-chat-rooms, www.facebook.com – япониялик дўстлар билан суҳбат натижаларидаги мисоллар

96. [http://en.wikipedia.org/wiki/Clipping_\(morphology\)](http://en.wikipedia.org/wiki/Clipping_(morphology)) - "[16- to 18-year-olds not in education, employment or training \(NEET\)](#)". [Department for Education](#). 12 July 2011. Accessed 24 August 2011. [Archived](#) 24 August 2011.
97. <http://en.wikipedia.org/wiki/Semantics> (Semantics)
98. <http://www.uzbek-dictionary.com/> (Uzbek English Dictionary)
99. <http://www.expertrumps.com/divination/> (トランプ)
100. <http://iteslj.org/Articles/Daulton-Loanwords.html> (Japanese loanwords)
101. <http://matome.naver.jp> (まとめ)
102. <http://www.excite.co.jp/News/> (News Japan)
103. <http://ilovex-mt5.xsrv.jp/> (ジnkス)
104. <http://ja.wikipedia.org/wiki/> (ウィキペディア)
105. <http://detail.chiebukuro.yahoo.co.jp> (解決済みの Q&A)
106. <http://recipe.rakuten.co.jp/category> (楽天)
107. <http://www.tripadvisor.jp/> (世界中の旅行者が撮影した写真)
108. <http://r.gnavi.co.jp/area/aream2192/21359399/tvnews/> (TV news)
109. www.onefootball.wiki.fc2.com (Football news)
110. <http://whatimi.blog135.fc2.com/blog-entry-360.html> (意味ブロ - ちょっと難しい言葉の意味まとめ)
111. http://informationcenter-apa.com/gt_komisi.html (13「コミッシー、賄賂、そして寄付」)
112. <http://en.wikipedia.org/wiki/Acronym> (Acronyms)
113. [http://en.wikipedia.org/wiki/Clipping_\(morphology\)](http://en.wikipedia.org/wiki/Clipping_(morphology)) (Clipping)
114. <http://en.wikipedia.org/wiki/Gairaigo> (Gairaigo)
115. www.abbreviations.com/gairaigo (Gairaigo)